

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАР
(мақолалар тўплами)

ТОШКЕНТ – 2009

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР: фалсафа фанлари доктори,
профессор И.САИФНАЗАРОВ**

**ТАҚРИЗЧИЛАР: фалсафа фанлари доктори,
профессор Х.АЛИҚУЛОВ
фалсафа фанлари доктори,
профессор Б.АЛИЕВ**

**Китоб «Қадриятлар тизимини қарор топтиришда диний ва дунёвий
мезонларнинг ўзаро нисбати масаласи» мавзусидаги давлат
гранти маблағи ҳисобига нашр этилди.**

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲАҚИДА СЎЗ

(сўзбоши ўрнида)

Халқимизнинг узоқ ўтмишда яратилган, ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган ва миллатнинг келгуси истиқболида ҳам муайян аҳамият касб этиши муқаррар бўлган урф-одат, анъана ёки фақатгина ана шу миллатгагина хос фазилатларига боқий қадриятлар деб баҳо берамиз. Ана шундай қадриятлар тизимида шубҳасиз тил, моддий ва маънавий ёдгорликлар, шунингдек бошқа миллий меросимиз таркибига кирувчи бошқа айрим нарсаларни таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Шу ўринда қўлингиздаги китобда ана шундай умрбоқий қадриятлардан ўзбек тили ва унга давлат тили мақоми берилиш тафсилотлари ўз аксини топади. Тилимизга давлат тили мақоми берилишига тўртки бўлган сабаблар тўғрисида, бундан йигирма йил олдин вужудга келган ижтимоий-сиёсий муносабатларидаги ҳолатни ҳаққоний акс этдиришга ҳаракат қилинади. Хусусан, ўзбек тилига «давлат тили» мақоми бериш учун бўлган ҳаракатга бўлган муносабатларига қараб кишиларга баҳо беришга интилади. Кишиларнинг ҳақиқий қиёфаси уларнинг манфаатлари тўқнашмагунча бор бўй-баста билан гавдаланмайди. Муаллиф ҳам ўзбек тилига «давлат тили» мақомини беришга бўлган муносабатларига қараб кишиларни фарқлашга ундайди.

Келтирилган мақолаларда ҳам муаллифнинг тил ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги қарашларидаги ўзгаришлар юз берганлигини илғаб олса бўлади. Агар, Собиқ иттифоқ таркибида туриб ҳам тил ҳуқуқи учун курашиш мумкинлигини унинг дастлабки мақолалари орқали билса бўлади. Айниқса, муаллифнинг XX асрнинг 20-30 йилларидаги ўзбек тилига иш юритиш тили сифатида берил мақомнинг ҳозирги пайтдаги аҳамияти тўғрисида чиқарилган хулосалари маълум даражада илмий-сиёсий қимматга эга. Давлат тили мақомидаги ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи тўғрисидаги муаллифнинг ўзигагина хос бўлган мулоҳазалари китобхонни бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман.

Китобда яна бир мавзу юрт хукмдори Мухаммад Рахимхони соний (Феруз) билан унинг устози ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири бўлган Мухаммад Ризо Огаҳий ўртасидаги муносабатлар бир қўшиқ тарихи орқали очиб беришга ҳаракат қилинади.

Одатда бирон бир халқ ёки мамлакат тарихининг илк нуқталарини аниқлаш тўғрисида гап кетганда ўша мамлакат ҳудудида шаҳарларнинг ёшини ёзма ҳужжатлар ёки археологик ашёлар орқали берилган маълумотлар асосида бир тўхтамга келинади. Чунки мазкур ўлкада бошланган тарихий жараёнлар асосан муайян ҳудудларда юз берган ижтимоий меҳнат тақсимооти, яъни жамиятда содир бўлабошлаган ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг алоҳида тоифалари қарор топабошлаганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам ўлкада тарихий жараёнларнинг бошланиши кишилар ўртасидаги янги типдаги муносабатларнинг қарор топиши билан узвий боғлиқ тарихийлик ва мантиқийлик ёндошувларга изчил амал қилган ҳолда таҳлил қилишни тақазо қилади. Бу эса мазкур мамлакат ҳудудидаги шаҳарнинг пайдо бўлганлигидан дарак берувчи тарихий ҳужжат сифатида эътироф этилишига олиб келади.

Самарқанд ёшининг 2750 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Президент фармонининг сиёсий аҳамиятини янада чуқур англаш заруратлигини келтириб чиқаради. Гап шундаки, яқин-яқингача ўлкамиз тарихини XIX аср мезонлари билан шаклланган қолипларга солиб ўрганиб келинди. Яъни Европа тарихига мос андозалар орқали инсоният тарихи таҳлил қилиниб бир томонлама, ғайри-илмий хулосалар чиқарилиб келинди. Бундай ғайри-илмий ёндашувлар орқали муаян синф манфаатларининг изчил ифодаси бўлиб шаклланган комунистик мафкура талабларидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилиб, гўё, шарқ халқлари тарихи ҳам ғарбона қолипларга солиниб чиқарилган хулосаларни мутлақ ҳақиқат эканлигига даъво қилинади.

Шу тахлитдаги қарашларнинг ғайри-илмийлиги аввалом бор тарихни даврлаштириш тўғрисида гап кетганида яққол кўзга ташланади. Уруғ ва қабилачилик муносабатлари сифатида таркиб топган ибтидоий-жамоа тузимидан сўнг қулчилик муносабатларининг қарор топиши билан боғлаб тарихий (сиёсий) муносабатлар таркиб топабошлади деб ҳисобланарди. Тарихий воқеликни таҳлил қилишда бу тахлитдаги мезонлар барча халқ ва ўлка тарихини тафтиш қилишда универсал ҳаракатерга эга бўлмасдан, балки, айрим халқаро ёки ҳудудлар тарихини тафтиш қилишдагина қўл келиши мумкунлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўлкамиз тарихини ўрганганимизда дастлабки давлатчилик, қулчилик муносабатларига асосланмаганлигини биз қадимги ёзма манбамиз "Авесто" битиклари орқали ҳам биламиз. Албатда, мазкур манбада қул ёки унинг эгаси тўғрисида ҳам сўз юритилади, лекин жамиятда қулчилик муносабатлари етакчи ўринни эгаллаган эмас. Шунинг учун ҳам дасталабки давлатларни қулдорлар синфининг манфатларини ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилотлар деб айтиш мутлақо мантиққа зиддир.

Қўлингиздаги ушбу китобда муаллиф масалани айти шу тарзда қўяди ва унга жавоб топишга интилади. Китобда Самарқанд икки буюк дарё оралиғида жойлашган халқлар (Сак қабилалари)нинг бошқарув маркази (ўрдаси) сифатида Авесто замонларидан тилга олиб келинаётганлиги ва сак қабилалари таркибига кирувчи туркий ва орий қабилаларининг ҳамкорлиги тимсоли сифатида тилга олинади. Шунинг учун ҳам, муаллиф томонидан Самарқанд шаҳрининг илк тамал тошлари "Авесто" замонларида Афросиёб томонидан асос солинганлигига урғу берилиб қайд қилинади. Чунки илк давлатчилик, маданий кўтаринкилик айнан ана шу даврлардан бошланган. Энг мўътабар қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти, - деб қайд қилган эди Президентимиз, - бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дунё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айти заминда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк

маънавият, буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди».

Дарҳақиқат Самарқанд шаҳрининг пайдо бўлганига 2750 йиллигини кенг нишонлаганлигимиз айни шу ҳақиқатни тасдиқлаб турганлигидан дарак беради.

Шунингдек китоб университетимизда фаолият олиб бораётган ижодкор олим Тохир Каримнинг Самарқандга қилган бир кунлик сафар тафсилотларидан иборат. Муаллиф Самарқанд ва унинг тарихи билан боғлиқ воқеаларни, шахсий кечинмалари орқали баён қилиб беришни мақсад қилиб қўяди.

Муаллифнинг ўзига хос баён услуби, тарихий воқияларга ўша даврга хос бўлган ёдгорликларни зимдан кузатиш орқали ортирилган малака ва билимларни ўрнида қўллаб мазкур давр тўғрисида тўлиқ тасаввурлар тизимини яратишга бўлган интилиш ётади.

Асарда Самарқанд шаҳри XIV-XV асрларда бутун шарқ дунёсида катта мавқега эга бўлган, буюк карвон йўлларидаги йирик бандаргоҳ эканлиги, жуда катта ишлаб чиқариш соҳалари гуркираб ўсган, жаҳондаги маданий дунёни энг олий навли қоғоз билан таъминлаган йирик ишлаб-чиқариш маркази сифатида тилга олинади.

Шу билан бирга Самарқанд тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаб янги-янги далилларнинг ўртага ташланиши ҳам муаллиф томонидан мавзуга ижодий ёндашувнинг кўриниши деб қарашимиз лозимлигига яна бир бор китобхонни ишонтиришга ундайди. Айниқса, Имом Бухорий мақбараси билан боғлиқ таассуротлар ёки Алишер Навоий билан боғлиқ, Хўжа Ахрорнинг дунёвий илмлар химоячиси бўлганлигидан дарак берувчи воқеа тафсилоти ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди деб умид қиламиз. Алишер Навоий билан Хўжа Ахрор умрининг охиригача ўзаро хат алишиб келганлиги тарихдан маълум. Лекин уларнинг учрашганлиги тўғрисида тарихий хужжатлар йўқлиги ҳам маълум.

Муаллиф Т.Карим томонидан устози Қўзивой ака Бекметовнинг сўзларини келтирган ҳолда, улуғ олим Я.Ғуломов томонидан айтилган воқеа тафсилотининг тўлиқ берилиши адабиёт тарихи, Ўзбекистон тарихи учун янгилик сифатида қабул қилиниши керак деб ҳисоблайман.

Айниқса, Улуғбек расадхонаси билан боғлиқ ҳолда муаллифнинг ички мулоҳазаларининг берилиши китобхонни муайян йўналиш бўйича, хусусан, В.Л.Вяткин ва унинг қабрининг кўчирилиши муносабати билан чиқарилган хулосалар жиддий мулоҳаза юритишга чақиради.

Китобда Улуғбек расадхонаси билан боғлиқ Али Қушчининг ҳаёти, ижоди тўғрисида, Улуғбекнинг Ҳиндистонлик издоши Жай Синх билан боғлиқ Улуғбек меросини ўрганиш ва уни асраб-авайлашга бағишлаб ўзбек китобхонлари учун янгилик бўлган маълумотларнинг келтирилиши китобнинг қимматни оширишга хизмат қилади.

Муаллифнинг тили, келтирилган маълумотларнинг янгилиги, ўзига хос баён услуби ўқувчи томонидан шубҳасиз китоб мазмунини енгил ҳазм қилишига имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Хуллас, китоб Улуғбек даври Самарқанд шаҳрида бунёд этилган моддий қадриятларимизни чуқур таҳлил қилиш орқали буюк олимимизнинг ижодий меросини ўрганишга барча китобхонларни чақиради ва бу билан миллий қадриятларимиз тақдири олдида масъул эканимизни яна бир бор таъкидлайди.

***Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор***

ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ЖАМИЯТНИНГ ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИДИР

Жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг манбалари хусусида турли даврларда ёндашувлар мавжуд бўлган ва унинг хилма-хил концепциялари асослаб келинган. Бундай ёндашувлар ҳамда концепциялар назариётчилари ўз ғояларини мантиқан асослаш ва исботлаш учун жиддий ҳаракат қилганлар.

У мамлакатнинг жуғрофий иқлими ва геополитик ўзига хослигига тараққиётнинг бош омили сифатида қарайди. Фрейд эса либидо-хоҳиш-истак жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатади, деган назарияни илгари суриб, инсоний майл, қизиқишлар ижтимоий тараққиёт суръатлари моҳияти ва мазмунини ташкил этишини асослашга интилади¹.

Шунингдек, рус олими Н.Бердяев ижтимоий тараққиёт мавҳум тушунча бўлмасдан, ҳар қандай жамият аъзоларининг камолот даражалари мажмуидан иборат эканлигини асослашга уринади².

Ҳаёт кишиликнинг, онгли тарихи бу ғояларнинг барчаси муайян рационал жиҳатлари бўлган ҳолда қайсидир даражада бир ёқлама эканлигини кўрсатади. Ислом Каримов асарларида маънавият ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида асосланади ва амалиётнинг барча жабҳаларида синовдан ўтказилиб, ҳаётчанлиги ва ҳаққонийлик даражаси юқорилиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилади³.

Айтиш мумкинки, маънавият нафақат мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий тараққиётининг барча жабҳаларида бевосита таъсир кўрсатган, айтиш чоғда халқимиз менталитети ҳам маънавий қадриятлар асосида шаклланган ва Шарқ цивилизацияси бевосита маънавият,

¹ Фрейд З. Методика и техника психоанализа. Госиздат. М., 1923.

² Н.Бердяев “Смысл истории”, Изд. «Мысль», М., 1990.

³ И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996.

илм-фан, ахлоқ, рухий поклик асосида юзага келган. Худди шу жиҳатдан ҳам инсоният тараққиётига, жаҳон цивилизациясига ўзига хос маданият ва маърифат олиб кирган.

Маънавият ўз навбатида жамиятнинг ҳам умумий манзарасига, ҳам ҳар бир шахс интеллектуал-рухий қиёфасига мутаносиб таъсир кўрсатади. Фукараларнинг маънавий-маърифий даражаси эса ўз навбатида жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартиради. Янгиланган ахлоқий етуклик ва ижтимоий онг жамият тараққиётини белгилайди ва ялпи тараққиётнинг янгидан-янги имкониятларини вужудга келтиради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги авлод янги тарихни тақозо этади, уни яратади, такомиллаштиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин долзарб муаммолардан бири – янги тарихий шароитларда ўзгараётган жамиятга муносиб ҳар томонлама етук ва баркамол кишиларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида халқдан бегоналаштириб келинган маънавий мулк ва маданий меросни синфий-партиявий мафкура томонидан тақиқланган маданий бойликларни унга қайтариш ҳамда қадриятларнинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш вазифаларидан иборат эди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида “Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради”¹, деб кўрсатган эди.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширилган ялпи маънавий янгиланишлар комил инсон шахсини таркиб топтириш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди ва истиқлол йўлини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун халқни ялпи сафарбар қила олиш имконини берди.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996, 42-бет.

Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари Ислон Каримовнинг истиқлолнинг дастлабки пайтиданок бу борада зарур чоралар кўрилишининг ташаббускори ва собитқадам амалиётчиси сифатида нечоғли катта масъулиятлар юки остида фаолият кўрсатиб келганлиги, миллат озодлиги йўлида юксак фидойилик ва сиёсий жасорат намоён этганлиги равшанлашади.

Бу борада ўзбек олими Н.Жўраев қадриятлар маълум бир халқнинг кўп минг йиллик тарихий-маданий тажрибаси сифатида шаклланган турмуш тарзи, тафаккури маҳсули бўлиб дунёга келади деган фикрни илгари суради. Халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, анъаналари инсоний ва миллий мансублик ифодасидир¹.

Қадриятлар муайян миллат ва халқларнинг шонли ва мусибатли ўтмиши, тарихий-маданий тажрибалари, сабоқлари, сурур ва бахтиёр дамларининг ифодаси сифатида намоён бўлса, урф-одатлар, расм-русум ва маросимлар турмуш тарзининг шаклий кўринишлари сифатида халқ ҳаётининг маънавий-ахлоқий негизларини ташкил этади.

Қадриятлар ҳамиша муайян фаолиятлар тарзида намоён бўлиб, кишиларнинг воқеликка бўлган муносабатлари мазмунини ифода этади ҳамда уларнинг феъл-атворлари, саъй-ҳаракатлари йўналишларини белгилайди.

Кўп қиррали ислохотлар даврида, жамият менталитети тубдан ўзгараётган, тузум янги мазмун ва тартиботларга бир пайтда аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларига мос келувчи, халқни истиқболга етакловчи ҳаётбахш интилишлар ифодаси бўлган ғоялар ва мақсадлар билан қуроллантириш катта аҳамиятга эгадир.

Шундай экан, ислохотлар самараси халқ дунёқараши, маданий ва маънавий қадриятларига онгли муносабати билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Агар янгиланишлар одамлар онги ва дунёқарашини, қалби ва руҳияти орқали ўзини намоён этса, у яшовчан ва самарали бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда давлатнинг янгиланишлар стратегияси сифат

¹ Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”, 2008, 321-325-бетлар

жаҳатидан ўзгараётган жамият, янгича тафаккур асосида вужудга келаётган ижтимоий гуруҳларнинг қадрият мўлжаллари билан уйғунлашиб кетган.

Маданият ва маърифатнинг устувор ходиса сифатида талқин этилиши маънавий воқелик сифатидаги такомиллашув жараёнининг чин инсонийлик моҳиятини белгилайди. Инсон айна шу қадриятлар орқали камолотга етади, ҳаётда, жамиятда ўз мавқеига, ўрнига нуфузига эга бўлади. Инсон фаолиятлари маҳсули айна шу маънавият ва маърифат орқали қадриятга айланади.

Президент Ислом Каримовнинг қадриятлар устуворлиги концепцияси худди ана шу жиҳатлар туфайли ҳам қимматли. У маънавиятни, маърифатни жамиятнинг йўналтирувчи кучи деб билади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам “Мен маърифатли жамият курмоқчиман” дейди. Маърифатли жамиятда эса инсон, маънавият, ахлоқ, тафаккур мезонлари ҳал қилувчи мазмун касб этади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ “Маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлади”¹, деган эди.

Мамалакатимиз Президенти мамлакат истиқболига доир тадбирлар тизимини белгилар экан, унинг энг аввало юксак маърифат ва маданият мамлакати бўлиши, шу асосда барча ислоҳотларнинг маърифий негизини яратиш нуқтаи назаридан иш тутади. Юртбошимиз иқтисодиётга, ҳуқуқий ва сиёсий ислоҳотларга, шунингдек, жаҳон муаммоларини ҳал этиш, тинчликни таъминлаш масалаларига ҳам маърифий кўз билан қарайди, юксак маданий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида ёндашишга даъват этади. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган Ислом Каримов “Илмий ва маданий соҳадаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш, кўпайтириш мақсадида бундан буён фундаментал фаннинг, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлашга, ақлий ва ижодий меҳнат ходимларининг обрўйини оширишга давлат томонидан зарур

¹ И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлари чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995

маблағлар ажратилаверади”¹, - деган эди. Ўтмиш даврида иқтисодий жихатдан бирмунча қийинчиликлар сезилаётган бир пайтда маънавий ҳаётимизга давлат эътиборининг устувор мавқе касб этиши инсоний ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир.

Маънавияти юксак бўлган инсонгина ўзининг имкониятини аниқ чамалаб ҳаётдаги ўрнини ҳеч хатосиз белгилай олганидек, муайян олинган миллат ҳам ўзининг тарихий тажрибаларини умумлаштириб, ҳаётий хулосалар чиқара оладиган, дунёвий тафаккур қила оладиган фарзандлари етакчилигида ўзининг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини топиб, келажагини бир қадар ойдин тасаввур қила оладиган имкониятга эга бўлади.

Бугунги кунда ўзбек халқи ўзининг кимлигини англашга эътиборини кучайтиргани барчамизга аён. Бу жараён эса маънавият масаласининг кун тартибига қалқиб чиқишига сабаб бўлган эди. “Маънавият,- деган эди Президентимиз Ислон Каримов бу масалага ойдинлик киритиб, - инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. У ўз халқнинг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”².

Дарҳақиқат, муайян халқнинг маънавияти деганда, ўзининг тарихини чуқур ўрганиб, ундан сабоқ олишини, табиий муҳитнинг таъсири, буюк аждодларнинг ўғитларини ёдда сақлаб, она тили ёрдамида дунёни ўзига хос тарзда идрок этиш даражасини тушуниш мумкин. Бу ҳақиқат эса бугун Ўзбекистон халқлари маънавий-руҳий ҳолатида яққол намоён бўлмоқда десак муболаға бўлмайди.

Мустақил юртимиз тинчлиги, бебаҳо Ватанимиз равнақи ва меҳнатсевар халқимиз фаронвонлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси юрагидан жой олган миллий истиқлол ғояси ва риҳиятининг бош қадриятларига айланди. Бугун ҳар бир онгли фуқаро миллат ва давлат манфаати, мустақил юртнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳамда

¹ И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 332-333-бетлар.

² И.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т., “Ўзбекистон”, 1993, 78-бет

Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида шижоат билан меҳнатни, керак бўлса курашни ҳаётининг бош мазмуни эканлигини борган сари тушуниб бормоқда.

“Бугун барчамиз атрофдаги вазият қандай тус олаётгани, кўпгина кадриятлар янгиланаётгани, нафақат, минтақа, балки бутун дунё миқёсида ҳаётнинг ўзи ҳам тез суръатлар билан ўзгариб келаётганини кузатиб келмоқдамиз, деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов. XXI аср – шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр”¹. Ушбу мураккаб воқеликлар, зиддиятлар ва тарққиёт даври мамлакатимиз олдида оламшумул имкониятлар, вазифалар ва шу билан бирга хавф-хатарлар турганлигидан далолат бермоқда.

Инсоният тараққиётининг глобаллашув деб аталмиш ҳозирги босқичи ривожланаётган давлатларда халқаро рақобатбардошликни мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро майдонларда фаолият кўрсатишлари самарадорлигини таъминлаш борасида ўта мураккаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Давлат хавфсизлиги ва жамият равнақи бугун нафақат мустаҳкам армия, самарали иқтисодиёт, балки, авваламбор, ўз Ватанига содиқ, ғоявий етук ва ҳар томонлама билимларга эга бўлган малакали мутахассислар билан белгиланади. Ўзбекистоннинг нуфузи, унинг миллий мустақиллиги ва иқтисодий қуввати кафолати давлат сарҳадларида, корхона ва ташкилотларда эмас, балки таълим муассасаларида шаклланимоқда.

Ёшлар тарбияси ўта долзарб масала бўлиб, у таълим-тарбияда узлуксизликни, қатъийлик ва талабчанликни, ишлашнинг замонавий ва таъсирчан услуб ва воситаларини талаб этади. Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, маънавий-маърифий фаолиятнинг бош инновация йўналиши сифатида

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: Ўзбекистон, 2003, 16-бет

биз оммавий маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар зарурлигини инкор этмаган ҳолда, талаба – ёшлар билан яккама-якка, манзиллаштирилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбияда бош мақсадимиз - талабани билим олишга ва юқори маданиятли бўлишга ўргатиш, ундаги “ухлаб ётган” буюклик хислатлари ва қобилиятларини уйғотиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик, жамоада фаоллик ва лидерликка лойиқлик имкониятлари борлигига ишонтиришдир. Ушбу мақсаднинг амалга ошиши эса талабани Ватанига содиқ, юксак эътиқодли ва замонавий, билимли қилиб тарбиялаш учун барча имкониятларини яратади.

Бугунги куннинг жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ этишдек долзарб вазифаларидан бири-талаба-ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини билишлари ва улардан билим олиш йўлида тўғри ва тўла фойдаланишларига ўргатишдир. Шу сабабали маънавий-маърифий ва тарбиявий соҳадаги инновацион фаолиятимизнинг муҳим бир йўналиши талаба-ёшлар манфаати ҳимояси йўлида олиб борилаётган ишлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу рисолада эса Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларда кенг жорий этилаётган айрим инновациялар тўғрисида фикр юритилади.

Мамлакатимизда демокартик жамият қуриш янги авлод кадрларини тайёрлаш сиёсати билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “... янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга”. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг демократик жамият қуришда янги авлод кадрларни тайёрлаш сиёсати билан боғлиқ тажрибасини

ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, “... янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим”¹.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш керакки, Президент ислом Каримовнинг асарларида мамлакат тараққиётида ёшлар омилининг роли ва аҳамияти, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, тамойилларига доир билдирилган мулоҳазалар ва қарашлар бугунги кунда мамлакат ривожига ҳамда барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири шиддатли глобаллашув жараёнлари шароитида миллий ўзликни сақлаган ҳолда, дунёдаги тенгдошлари билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида эркин рақобатлаша оладиган, мустақил фикри, онгли фуқаролик позициясига эга баркамол шахсни тарбиялашдан иборат. Бу эса мустақиллигимиз ва миллий давлатчилиқнинг янада мустаҳкамланишига, мамлакат тараққиёти миллий хавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз ёшлари нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизни ҳал қилувчи кучдир”.²

“Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт танчилиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Мен “етаклаш” деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди”.³

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 7-бет.

² Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қўйиб билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза // Халқ сўзи.-2007. 8 декабрь.

³ Каримов И.А. Ватан равнақи учун барчамиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001.-189 бет.

Мазкур концептуал қарашларга таяниб ёшларни мамлакат тараққиётининг омили деб қараш тўғри бўларди. 2008 йилнинг мамлакатимизда “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассам, десак хато бўлмайди.

Глобаллашув шароитида барқарор ривожланишни, шахс, жамият ва давлатнинг ҳар томонлама ҳимояланганлигини таъминлаш воситаси сифатида миллий кадриятлар ва ёшлар масаласининг долзарблиги яна қуйидагиларда кўринади:

-биринчидан, Ўзбекистон ёш фуқаролари кўп бўлган мамлакатдир. Республикамизда 18 ёшгача бўлганлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки аҳолининг тахминан 40 фоизни, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки жами аҳолининг 64 фоизини ташкил этади;¹

-иккинчидан, ёшлар миллий кадриятларимизни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирадиган қатламдир;

-учинчидан, ёшлар жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлайдиган кучдир;

-тўртинчидан, мамлакатимизда шахс ва жамият манфаатлари тизимида ёшлар омили алоҳида аҳамият касб этгани ҳолда миллий хавфсизлик тизимининг муҳим қисмини ташкил этади;

-бешинчидан, ёшлар табиатан тақлидга, эргашишга мойил, жамиятга янги ғояларни ташувчи, онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган, таҳдид-бардошлик даражаси аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан суст бўлган ўзига хос демографик гуруҳдир.

Айрим манбаларда қайд этилишича, марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатларда глобаллашув жараёнлари моҳиятини тўла англаб етмаслик, миллий анъаналарнинг ёшлар турмуш тарзида қадрсизланиши муаммоси кузатилмоқда. Тадқиқотчиларнинг қикрича, дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларининг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қўйиб билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза // Халқ сўзи.-2007. 8 декабрь

кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларни ўрганиш лозим. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, унга шошма-шошарлик билан кўр-кўрона мослашиш, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисодиёти ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан барабар бўлади.

Шу боисдан ҳам Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби “...Инсоннинг юксалишда маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларининг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай ҳаракатлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж махсули сифатида дунёга келди”. Президент Ислом Каримов асарида таъкидлаганидек, “...Юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига, албатта етади.”

Шу боисдан глобаллашув жараёнларининг миллий қадриятлар тизимига, айниқса, ёш тафаккури ва маънавиятига таъсирини ўрганиш бугун замонавий фанларимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Қабул қилинган “Ёшлар йили” Давлат дастурида асосий йўналишларидан бири сифатида “ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва ишонч руҳида, менталитетимизга ёд бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш” белгиланганлиги бу масала ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этаётганлигини тасдиқлайди. Зотан, Ўзбекистон Республикаси шароитида ёшлар омили бугун ва келажак боғлиқлигини таъминлашда, миллий ўзига

хослигни сақлаб қолишда ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Юртимизда истиқлол йилларида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшлар ҳаётида миллий қадриятларнинг таъсирини кучайтириш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширалаётганлигини эътироф этган ҳолда, бугунги мураккаб вазият ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга доир янгидан-янги вазифаларни кун тартибига кўйаётганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Республика Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: **«Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради»**¹ деган эди. Юртбошимиз фикрларига асосланиб, айтиш мумкинки:

1. Ёшлар ижтимоий-демографик куч сифатида давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб, уларнинг жисмоний ва маънавий камолотига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда;

2. Ёшлар келажагимизни таминлайдиган буюк куч сифатида жамиятни модернизация ва ислоҳ қилишда етакчи ўринни эгаллайди;

3. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ёшларнинг билими, қатъиятлилиги, иродаси, ахлоқий хусусиятлари ниҳоятда муҳимдир;

4. Бунинг учун ёшлар орасида анъанавий-тарихий қадриятларимиз тарғибини йўлга қўйиш, уларда миллий ўзликни англаш хиссини

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иҷтимоий барқарор ривожлантириш йўлида. - Т.16.-Т.: “Ўзбекистон”, 2008.-162-б.

ривожлантириш, Ватан ва халқ келажаги учун бефарқ бўлмаслик хислатларини юксалтириш айна муддаодир.

Демак, ижтимоий қатлам сифатида ёшларимизга эътибор қаратиш барқарор келажагимизни таъминлаш йўлида қилинадиган эзгу ишлар сирасидаги стратегик вазифадир.

Ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда миллий меросимиз намуналарига эътибор қаратиб, жамият ахлоқининг ривожига хизмат қилувчи жиҳатларни улар онгига сингдира бориш бугунги барқарорликнинг уствор йўналиши бўлмоғи керак.

Ҳозирги пайтда ёшларда миллий ўзликни англашнинг специфик хусусиятлари бўлган Ватанга садоқат, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ёшларимиз фаоллиги, улардаги толерантлик, яъни бағрикенглик ҳиссини шакллантириш яъни ушбу жиҳатнинг узлуксизлигини таъминлаб бориш учун ўқув муассасаларидан тортиб, меҳнат жамоаларигача таълим-тарбия ва ташвиқот ишларининг янги усулларида фойдаланиш маънавий баркамоллигини таъминлашда етакчи омилдир. Ушбу жиҳатлар жамият ахлоқининг ривожига, хусусан ёшлар ахлоқида бағрикенглик хусусиятларининг қарор топишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган ҳозирги пайтда ёшларимизда халқимизга хос ижобий хусусиятларни шакллантириш учун миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ижобий жиҳатларини сингдириш муҳим вазифа сифатида қаралади. Миллий тараққиётимизнинг ривожланиш босқичлари ва унинг муваффақиятини ошириш учун ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш зарурдир. Демак, фуқаролик жамияти ривожига ёшлар роли ортади ва демократик тараққиётни таминловчи омилга айланади.

Фикримизча, ёшларни “оммавий маданият” ва шу каби зарарли таъсирлардан химоя қилиш борасидаги ишларни кучайтириш учун яна қуйидаги вазифаларни ошириш лозим:

Биринчидан, маънавий-марифий соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар орасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларида эскича маърузабозлик, кампаниябозлик усулларидадан воз кечиш лозим.

Иккинчидан, миллий ғоя тарғиботи жараёнида таъсирчан воситалардан, хусусан, оммавий ахборот воситалари имкониятларида кенгроқ фойдаланиш лозим. Социологик сўровлар кўрсатаяптики, ёшлар бўш вақтларини аксарият холларда телевидение, радио дастурлари ҳисобига ўтказишар экан.

Учинчидан, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда кино санъати имкониятларида самарали фойдаланиш, айниқса, миллий сериаллар, тарихий филмлар, мултифилмлар яратиш борасидаги ишларни янада кучайтириш даркор. Кейинги йилларда бу масалада давлат даражасига тегишли қарорлар қабул қилинади. Миллий сериаллар, тарихий филмлар мултифилмлар яратиши ҳамда уларнинг телевидение каналларида намоиш этилиши кузатилмоқда. Аммо бу ҳали етарли эмас. Шу боис теледастурларимизда корейс, турк ва бошқа хорижий давлатларнинг сериаллари, бадий филмлари ва мултифилмлари катта ўрин эгаллайди. Бу эса ёшларимизнинг тафаккури ва ҳаётий турмуш талабларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, уларда дунёда ва мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан онгли фуқаролик позициясини, юртга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Бунда жамиятисмизда ва фуқаролар онгу-шуурида ислом дини қадриятларини мустаҳкамлаш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз даркор. Таълим-тарбия ва маънавий соҳадаги интилишларимиз пировард натижада онгли шахсни, ҳаётий позициясига эга эркин фуқарони камол топтиришга хизмат қилиши даркор.

Зеро, “Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит этикодига, ўзи тайаниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги таъйиқларига бардош бериши амри маҳол”¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнлари миллий маънавиятга ва қадриятлар яшовчанлигига таъсир ўтказмасдан қолмайди ҳамда миллий ғояга эҳтиёжини кучайтиради. Маданий глобаллашув шароитида миллийликга нисбатан ташқи ғоялар ва омилларнинг таҳдиди кучаяди, ахборот оқими бошқариш қийинлашади, маданиятлар аро тафоввутлар, яъни хилма-хиллиг камаяди. Глобаллашув, агар зарур химоя чоралари кўрилмаса, миллий маданиятларнинг ўзга хослиги йўқолишига, кам сонли халқларнинг ўз тилини унутишига, хаттоки, йўқолиб кетишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу таҳдид, айниқса, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга интилаётган ёш мустақил мамлакатларнинг ҳукуматлари олдида долзаб вазифаларни қўймоқда.

Ҳар биримиз бу вазифаларни амалга оширишда фаол иштирокчига айланиб, ён-атрофимизда кечаётган жараёнларни теран англашимиз ҳамда доимо сезгир, огоҳ бўлиб яшашимиз талаб этилади.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.-Т.7.-Т.: “Ўзбекистон” 1999-85-86-б.

*Давлат тили тўғрисидаги Қонунни қабул
қилинганига 20 йил тўлиши муносабати билан*

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олганига ҳам 20 йил бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли шоир Берди Раҳмат таниқли публицист олим Тохир Карим билан мулоқотда бўлди. Муҳтараф китобхонларга ана шу суҳбатни тўлиқ ҳавола қилмоқдамиз.

Берди Раҳмат: Муҳтарам Тохир Карим жаноблари. Мана ўзбек тилининг «Давлат тили» мақомини олганига ҳам 20 йил бўлди. Шу муносабат билан бу муҳим тарихий ҳужжатнинг қабул қилишида кўп зиёлиларимизнинг ўз фикр-мулоҳазалари билан фаоллик кўрсатишган эди. Шу жонкуярлар сафида, сиз ҳам иштирок этгансиз. Сиз нима деб ўйлайсиз, бугунги кунда тилнинг жамият ва миллат тақдиридаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

Жавоб: маълумки, тилнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни бекиёс, лекин шу пайтга қадар ҳеч бир мутафаккир бу борада аниқ белгилаб берувчи хулосаларни айтиб бераолган эмас. Бу ҳақда мутафаккирларнинг бир тоифаси диний мафкуранинг кучли таъсири остида тилга илоҳий тус беришга, яна бирлари эса тил табиий эҳтиёж орқали содир бўлган ижтимоий ҳодиса деб баҳо берадилар. Лекин бу ҳар иккала нуқтаи назарлар ҳам тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси эканлигини эътироф этадилар. Гап шундаки, тил «кишилар ўртасидаги алоқа воситаси»гина эмас, у айти пайтда бир халқнинг қалб тарзи ва маданиятнинг муайян ҳолатини акс эттирувчи шу билан бирга халқнинг яхлитлигини таъминловчи омил эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси деганда минг йиллар мобайнида тўпланган ҳаётий тажрибаларни муайян тизимга солиб, уни кейинги авлодларга қолдириш, шунингдек, аجدодлар томонидан илғаб олинган нарсаларни кейинги авлодлар томонидан қайта кашф қилишнинг олди олиниб, унга сарф

килинадиган вақт ва меҳнатни тежаб аجدодларимиз назари қаратилмаган нарса ва ходисалар тўғрисидаги тасаввурлар доирасини муттасил кенгайтириб боришга ва дунё тўғрисидаги тасаввурларимизни янада сайқаллаштиришга имкон туғдиради.

Қисқаси, тил кишиларда атроф-муҳитга инстинктлар ёрдамида эмас, балки, онгли муносабатда бўлиш жараёнини бошлаб берувчи бош элементдир. Тил ўз навбатида ҳам табиий ҳамда ижтимоий муҳит талаблари асосида содир бўлувчи ходиса сифатида баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Инсоннинг барча онгли ҳаёти бевосита у сўзлаётган тил ва у орқали олинган ахборотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам XX асрнинг машҳур мутафаккирларидан Л.Витгенштейн «Менинг тилимнинг чегараси менинг дунёимнинг чегарасини белгилаб беради» («Граница моего языка означает границу моего мира») деганида тўла ҳақли эди. Шу маънода тил фашани билиш – алоқа қилиш воситаси бўлибгина қолмасдан, у халқнинг дунёдаги ўрнини белгилаб берувчи энг муҳим омилдир.

Миллатнинг ўзига хослиги, унинг дунёни англашига қараб, бу ўзига хослик ана шу миллатнинг тили орқали намоён бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак тилнинг миллат тақдирида нақадар юксак аҳамият касб этишини илғаб олса бўлади.

Дарҳақиқат, тилнинг вужудга келиши айни пайтда дунёнинг ўз-ўзини англаш эволюциясининг ўта муҳим, юксак босқичи эканлигини, бу эса ўз навбатида тирик организмлар ривожланишининг инстинктлар босқичидан кейинги дунёни англаш жараёнининг бошланишидан гувоҳлик берувчи ижтимоий ҳодиса эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай тил (шу жумладан миллий тиллар ҳам) табиий ва ижтимоий муҳит воқелигини акс этдирувчи алоҳида ҳодиса бўлиб, ана шу табиий ва ижтимоий муҳитнинг кўз илғамас, ўта нозик жиҳатларини ҳам тўлиқ акс этдираоладиган ноёб ходисадир. Ҳар қандай миллатнинг ички, маънавий руҳиятини айнан ана шу миллатнинг тилигина равон ифода этаолади. Бундан келиб чиқиб **тил миллат маънавиятининг моддий ифодаси сифатида у**

миллатнинг энг олий кадриятидир, деб баҳо берсак ҳеч муболаға бўлмас деб ўйлайман.

Кўпинча, миллий тилларнинг шу жумладан она тилимизнинг тақдири сиёсий муносабатларнинг ҳолати билан бевосита уланиб кетганлигидан огоҳ бўласан киши. Яъни, ҳар қандай мамлакатда олиб борилган ёки олиб борилаётган тил сиёсати айти пайтда миллий сиёсатнинг асоси қилиб олиниши ҳам шундан бўлса керак. Унитар давлатда олиб борилган тил сиёсати марказлашган давлатнинг сиёсий мақсадидан келиб чиққан ҳолда рўёбга чиқади. Бунга мустақиллигимизгача бўлган мустабид тузумда олиб борилган тил сиёсатини мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.

Бундан шу нарса маълум бўладики жамиятнинг бош сиёсий ташкилоти (давлат)нинг қолган барча ижтимоий муносабатлар тизимининг қарор топишидаги ҳал этувчи таъсир кучига эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Муҳбир: Мамлакат ва халқимиз тақдирида «давлат тили тўғрисидаги қонун»нинг қабул қилинганлигининг аҳамияти тўғрисида сўз кетганида яна бир нарсани эътибордан четда тутиш асло мумкин эмас деб ўйлайман. Ахир «давлат тили ҳақидаги қонун» ўзи ҳам давлат мустақиллигидан қарийиб икки йил муқаддам, собиқ мустабид тузум тўла ҳукмрон бўлиб турган замонда қабул қилинганлигини назарда тутадиган бўлсак мазкур қонуннинг қабул қилиниш жараёни ҳам ўта мураккаб вазиятда амалга оширилганини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, бундай шароитларда халқимизнинг илғор вакиллари, унинг зиёлиларидан улкан фидоийлик талаб қилинганлиги аниқ. Мен айти пайтда ана шундай инсонларнинг бири проф. Шоди Каримов ҳақида ҳам тўхтаб ўтсангиз дегандим. Чунки тил ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида давлат раҳбарлари, номдор ижодкорлар қатори сиз ва Шоди Каримов ва бошқаларларнинг ҳам хизматларини муносиб тарзда хотирлаб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Жавоб: Мафкуравий якка ҳокимлик ҳукмрон жамиятларда миллий сиёсат ҳукмрон сиёсий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда юритилади. Мен

Ўзим ҳаётим давомида бунга уч бора дуч келганман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимизда миллий тиллар ва динга қарши ўтказилган сиёсий таъзияқларни менга тенгдош одаларни ҳануз ёддан чиққан эмас.

XX асрнинг 80-нчи йиллар бошларида ҳам динга қарши олиб борилган таъзияқ сиёсати миллий тилимизга ҳам таъсир қилмасдан қолмасди. Шу даврга боғлиқ бир воқеа ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди.

1982 йил Ғ.Ғулом нашриётининг қаридорида Р.Парфи, О.Матжон, А.Орипов ва яна шунга ўхшаш ижодкорлар билан суҳбатлашиб турганимизда ёнимиздаги хона эшигидан бошини чангаллаб таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмад чиқиб келди. Гап нимадалиги сўралганда воқеа тафсилотини гапириб берганди. Яъни, Саид Аҳмад аканинг навбатдаги китоби нашрга тайёрланаётган экан. Китобга муҳаррирлик қилувчи кечагина талабалик партасидан чиқиб келган бир «мишиқи» Саид Аҳмад аканинг китобини таҳрир қилишга тиришаётган экан. Таҳрир қилувчи ёш йигит «устоз, бизга юқоридан кўрсатма бор. Диний тасаввур ва тушунчалар (атамалар)ни имкони борица ўзгартиришимиз ёки бутунлай олиб ташлашимиз керак. Китобингни мана бу ерда диний атама кетиб қолибди. Яъни, «қари билганни пари билмас» деган мақолни «қари билганни ҳеч ким билмас» деб ўзгартирдим», дея ўз сўзида туриб олганлигини айтиб берган эди. «Энди ўйлаб кўринг пари сўзининг ўрнига «ҳеч ким»ни ишлатиб кўрингчи унда халқ мақолидан нима қолади. Бу аҳир бориб турган нодонлик-ку, аҳир», деб жиғи-бийрони чиқарди ҳурматли ёзувчимизнинг.

Собиқ иттифокда содир бўлаётган воқеалар ҳудди бўрондан олдинги оғир сукунатга ўхшаб кетарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Мен Шоди ака Қаримовни 1982 йил Тошкент халқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети)га ишга келганимдан сўнг учратиб қолдим. Бизнинг ўзаро яқинлашувимизга сабабчи бўлган нарса она тилимизга бўлган ўша пайтдаги сиёсатдан норозилик қайфиятининг у кишида ҳам, менда ҳам ўта кучли бўлганлигидан бўлса керак деб ўйлайман.

1985 йил КПССнинг XVI апрел пленумида собиқ иттифоқнинг ички сиёсатида кескин бурилиш бўлган эди. Пленумда жамият устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган коммунистик идеология (мафкура) талабларига зид келувчи ошкоралик, демократия ва қайта қуриш тамойилининг қабул қилиниши барча собиқ иттифоқ республикаларида янгича кўтаринкилик кайфиятини вужудга келтирган эди. Лекин, Ўзбекистонда эскича сиёсатни давом этдиришга интилаётган кучлар ҳали ҳам давлат тепасида турган, Марказнинг дағдаға сиёсати Гдлян ва Ивановлар қўли билан давом этдирилаётган пайтлар эди.

Ана шундай шароитда ҳам ЎзКП Марказий Комитети идеология котибининг зимдан (керакли пайтларда эса очикчасига) нописандлик билан қараганлиги кишини ҳайратга солмасдан иложи йўқ эди.

Худди шундай кунларнинг бирида, яъни 1988 йил баҳорида кафедрамизда барча ижтимоий фанларни (шу жумладан фалсафани ҳам) янги ўқув йилидан бошлаб рус тилида ўқитиш зарурлиги масаласи қўйилиб муҳокама қилинганди. Тошкент Давлат Тиббиёт институтида бундан 4-5 йил олдин ижтимоий фанларни рус тилида ўқитиш бошланганлигини рўқач қилиниб биз ҳам бу жараёндан орқада қолмаслигимиз керак деган институт раҳбариятининг фикрига қўшилишимиз лозим эди. Энг дахшатлиси шунда эдики Тошкент Давлат Тиббиёт институтида рус тилида ўқитишга ўтиш компаниясининг ташаббускори қилиб бир вақтлар ўзбек фалсафий тилини қарор топдиришга жазм этган, Темур шахсига холисона баҳо беришга уринган машхур файласуф олим, академик И.М.Мўминовнинг ўғли Акрам Иброҳимович Мўминов тилга олинар эди.

Кафедра мажлисида кимки рус тилида машғулот олиб боришни истамаса ёки олиб бораолмаса ихтиёрий равишда бўшаш тўғрисида ариза ёзиши шарт қилиб қўйилганди. Кафедра аъзоларидан кўпчилиги норози эканлигига қарамасдан янги ўқув йилидан бошлаб рус тилида машғулотлар ўтилиши мақсадга мувофиқ деб баённомада қайд қилдирилди.

Ана шундай кунларнинг бирида Шоди ака билан учрашиб қолдик. У киши ўзи партия аъзоси бўлишига қарамасдан ўтказилаётган бу тил сиёсатига мутлақо қарши эканлигини баралла айтган киши эди. "Буни шундай қолдириш мумкин эмас. Ахир, бу Ленинча сиёсатга зидку, наҳотки тепадагилар буни билмаса", - деб устознинг жиғи-бийрони чиққан эди.

Иккаламиз ижодкор дўстларимизни кўриш илинжида ёзувчилар уюшмаси жойлашган бинога кириб Тошкент шаҳар ва вилоят ёзувчилар уюшмасининг котиби Усмон Азимга бу бедодликни гапириб бергандик. У эса «ҳали сизнинг дардингиз ҳолва, мана буни ўқиб кўринг," - деб дафтар варағига ёзилган 17 та имзо қўйилган хатни олдимизга ташлади. Хат Тошкент Давлат Тиббиёт Институтининг 2-курсида таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар номидан ёзилган экан. Унда талабалар қишлоқ мактабини битириб тиббиёт институтига ўқишга кирганидан сўнг барча фанлар рус тилида олиб борилаётганлиги туфайли ўз фикрини эркин баён қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлаётганлиги ва бу эса охир - оқибат баҳоларнинг кескин пасайиб кетишига олиб келаётганлиги ёзилган эди. Хатда рус тилини чалачулпа билганидан кўпгина талабалар ўзлаштиришда орқада қолиб талабалар сафидан чиқариб юборилганлиги айтилиб институтдан қувилган 20 дан ортиқ талабалар руйхати ҳам келтирилган эди.

Энг даҳшатлиси талабалар эндиликда ижтимоий фанлар ҳам рус тилида ўтиладиган бўлганлиги туфайли ўзбек тилида мавжуд тарихга, фалсафага, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, мантиқ, илмий атеизмга оид китобларни талабаларга ўзбек тилида ўқиб ўрганиб рус тилини ўрганишга ҳалақит беради деган баҳонани рўқач қилиб, талабаларнинг олдида намоёишкорона институт кутубхонасидан ўзбек тилидаги бир неча минг китобни институт ҳовлисига ўйиб тўрт томонидан олов бериб, бизни томоша қилишга мажбур қилишди деб ёзишган эди.

Шоди Каримов хатни ўқиб ранги оқарган ҳолда, қалтираган қўллари билан бошини чангаллаб "бу разолатга қандай чидаш мумкин, ахир" - дея юзини девор томон ўгириб олганича анча вақт жим қолганди. Бироздан сўнг

чўнтагидан даструмолини олиб кўзидаги ёшни яширинча артишга ҳаракат қиларди. Бу ишни аниқлаш учун Тошкент Давлат Тиббиёт Институтига бир неча марта қатнаганини ва сўраган кишилар ўзини ҳар хил баҳоналарни важ қилиб аниқ жавобдан ўзларини олиб қочганини кейинчалик афсусланиб менга гапириб берган эди.

Мен бу гаплардан кейин устознинг маслаҳати билан В.И.Лениннинг миллий масалага оид асарлари устида изланишлар олиб боришга киришиб кетдим. Чунки биз собиқ иттифоқда олиб борилган ва борилаётган миллий сиёсат Ленинча тамойиллардан четлашганлиги туфайли нотўғри йўналишда давом этаяпти деб ҳисоблардик.

Ўша йили май ойида 6-бетдан иборат хатни шахсан КПСС Марказий комитетининг бош котиби М.С.Горбачевга хат ёзган эдим. Унда, Ўзбекистонда Ленинча миллий сиёсатга зид ички сиёсат олиб борилаётганлиги агар бунинг олди олинмаса маҳаллий халқларнинг марказга ва сиз ўтказаятган сиёсатга қарши кайфияти авж олиб, чекка ўлка халқларининг марказга бўлган ишончсизлигининг ортиб боришига сабабчи бўлиши мумкинлиги ёзилган эди.

Иттифоқо, ўша йили 28-июн (1988й.)да КПССнинг бутун иттифоқ II-конференцияси бўлиши тўғрисидаги хабар тарқалган эди. Шоди ака хатни ўқиб чиқиб хатга ҳозирги пайтда Ўзбекистонда олий ўқув юртларида руслаштириш сиёсатини олиб боришга уринишлар авж олганлигини қоралаб Тошкент халқ хўжалик институтининг профессор-ўқитувчиларининг имзосини тўплаб КПССнинг бутуниттифоқ II-конференциясига юборишни маслаҳат берди.

Устознинг айтганидай қилиб хатни ихчамлаштирдим. Лекин имзо чекувчиларни топиш анча мушкул бўлди. Гап шундаки давра суҳбатларда бод-бод гапириб ўзини миллатпарвар қилиб кўрсатиб юрган кимсаларнинг кўпчилиги ўзларини панага олишга ҳаракат қиларди. Хатто кафедрамиз бошлиғи ҳам ўзини ноқулай хис қилиб ўзини четга олган эди. Мен Шоди акага булар тўғрисида айтганимда, Яна бир - икки кун шошмай туришимни

тушунтириб ўзи "Иқтисодий география" кафедраси мудири, проф. А.А.Азатяннинг олдида кириб кетди.

А.А.Азатян рус тилида гапиришга одатланган бўлишига қарамасдан "қандай гап бўлиши мумкин, ҳар бир республикада маҳаллий халқ тили давлат тили бўлиши шарт. Қани олиб келинг қоғозингизни имзо чекувчилар рўйхати айнан менинг фамилиямдан бошланиши ҳам табиийдир" деб ўз фамилиясини ёзиб имзо чекиб берди.

Бундан хабар топган бошқалар ҳам ихтиёрий тарзда ўз имзоларини қўйишди. Хусусан, проф. А.Ўлмасов, проф. Й.Жумабоевларнинг қўл қўйганлигини кўриб жами 37 та киши ўз имзоларини қўйган эди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки қўл қўйганлардан икки аёл эртасига ўз ихтиёри билан қўйган имзоларидан воз кечгандилар.

Бир - икки кундан сўнг яна ёзувчилар уюшмасига борганимизда 28-июнда бўладиган КПССнинг бўлажак Бутуниттифоқ II-конференциясига ўша пайтдаги уюшма раҳбари, севимли ёзувчимиз О.Ёкубов ҳам делегатлар таркибида борлигини эшитдик. Менинг хатни олиб кетишга кўнармикан деган ҳадиксирашимга, Шоди ака "кўнади, албатда кўнади. Ахир гап она тилимиз, қолаверса миллатимиз тақдири устида кетаяпти. Ёзувчи халқни бунга бефарқ қараши мумкин эмас" деб жавоб қайтарди. Хатни самолётга чиқиш арафасида Одил аканинг қўлига тутказиб "хатни албатта рўйхатдан ўтказиб, қайд қилдириш зарур эканлигини" қайта-қайта илтимос қилдик.

Ёзги таътилдан қайтиб рус тилида машғулотлар ўтказишни бошлаб юбордик. 5 сентябр 1988 йилда фавқулодда институт бўйича умумий партия мажлиси ўтказиладиган бўлиб қолибди. Ўша пайтдаги ректор вазифасини бажарувчи раҳбар эрталаб кафедрамиз мудирига албатта барча ўқитувчиларни мажлисга келишини таъминлашни, айниқса, кафедра мудири ва доц. Т.Каримовнинг мажлисда қатнашиши учун шахсан жавоб беришини буйруқ оҳангида айтиб, телефон трубкасини қўйиб қўйганлигидан гап жиддий тус олиши мумкинлигидан ҳадиксираб кафедра мудири менга

телефонда уйда кутиб туришимни айтди. Кафедра мудирини ўз машинасида келиб мени олиб кетди.

Йўлда кафедра мудиримиз "нима айб иш қилиб қўйгансизлар. Ректоримиз Сиз билан Шоди Каримовични алоҳида мажлисга катнашишингизни шарт қилиб қўяптилар?" деб сўраб қолдилар. Бизнинг М.С.Горбачевга йўллаган хатимиз унтилиб кетган бўлса керак деб ўйлаган эдик. Мен "билмасам", деб елка қисиб қўяқолган эдим.

Биз келганимизда мажлислар зали одамларга лик тўла бўлиб, президиумда тўртта киши ўтирган экан. Улардан бири ўша вақтдаги институтимизда ректор вазифасини бажарувчи В.В.Ким, ўнг томонда чеккада ва минбарга яқин чап томонда эса ўша пайтдаги институтимизнинг партком котиби Ғайрат ака Рафиқов ва ўртада ЎзКП марказий комитети бўлим бошлиғи (исми - шарифи эсимизда йўқ) тўладан келган киши ҳамда В.В.Кимнинг ёнида эса Москвадан келган, КПСС Марказий комитетининг инструктори хипчадан келган, ёши 35-40 ларга борган (исми-шарифи эсимда йўқ) киши жой олганди.

В.В.Ким бизга кўзи тушиши биланок исми шарифимизни айтиб олдинги бўш қаторга Шоди ака Каримов ёнига таклиф қилди. Гап нимада эканлигини дарҳол пайқаган эдим. Демак, М.С.Горбачёв номига КПССнинг Бутун иттифоқ II-конференциясига юборган хатимиз етиб борибди-да деб ўйладим. Мажлисни чақиришдан мақсад эса "доно" партия юритаётган оқилона сиёсатга норозилик билдираётган уч-тўртта "бебошнинг" яхшилаб «туробини тўғрилаб қўйиш»дан иборат қилиб белгиланганлиги аниқ.

Дастлабки сўз халқ хўжалиги тарихи (Ҳозирги иқтисодий таълимотлар тарихи) кафедрасининг мудирини, проф. Б.Л.Оранюкга берилди. Шоди ака менга эгилиб "бардам бўлинг, бўш келманг" деганидан бу гапларнинг тагида нималар ётишини устоз аллақачон илғаб етганлиги менга аён бўлди. Раҳбарият танлаган "нотик" аввал бошиданок ўз тоғорасида сузмаётганлигини ўзи сезабошлаган эди. Аввалом бор рус тилини мақташ, рус тили А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой ва ниҳоят В.И.Ленин каби буюклар тили

эканлигини гапириб ҳаммага маълум бўлган алмисокдан қолган гаплардан нарига ўтмади. У ўз гапида ҳозирги пайтда барча совет Иттифоқи республикаларидаги корхона ва муассасаларида иш юритиш рус тилида олиб борилмоқда деган фикрни ёқимсиз бир оҳангда қайта-қайта такрорлаб ўтирганларнинг меъдасига тегабошлади.

Устоз, ўтирган жойидан туриб нотиққа карата луқма ташлади "барча корхона ва муассасаларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилаётганлигини сиз тўғри деб ҳисоблайсизми? Бу ахир охир-оқибатда Ленинча миллий сиёсатга мутлақо зидку" деб кескин савол билан мурожат қилди. Нотиқ бундай кўндаланг қўйилган саволга қандай жавоб қилишини билмай дудукланиб серрайиб қотиб қолди.

Шунда ташаббусни қўлдан бермаслик мақсадида В.В.Ким ўрнидан туриб нотиққа ёрдамга келди. У ўз сўзида яна рус тилининг халқаро тиллардан бири эканлиги-ю, жуда кўп маълумотларни ўзида жамлаган шунча номда китобу яна шунча номда газета - журналлар чоп этишини гапириб Ўзбекистонда бу буюк тилда иш юритиш, олий ўқув юртларида ўқитиш ишларининг олиб борилиши мутлақо қонуний бир ҳолдир дея яна ўша меъдага теккан қўшиқни қайтаришга тиришар эди.

Шунда мен урнимдан туриб В.В.Кимга рус тилида мурожаат қилдим. "Муҳтарам Владимир Васильевич! Сиз бизга шуни айтингчи, ўзбек тили ўзининг Ватанида давлат тили мақомга эга бўлишга ҳақи борми ёки йўқми? Агар ҳақи бор бўлса бу ортиқча даҳмазаларнинг ўзи ошиқча эмасми? Агар ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили мақомига эга бўлишига ҳақли бўлмаса унда асослаб беринг. Ахир рус тилининг қудратли тил эканлигига ҳеч ким шубҳа билан қараётгани йўқ-ку. Ахир, улуғ рус тили бизнинг ҳимоямизга ҳам муҳтож эмас-ку, гап ўзбек тили ва ўзбек миллатининг тақдири устида кетмоқда".

Залда ўтирганлар орасида ғала-ғовур кучайиб кетди. Ниҳоят В.В.Ким чекинишга мажбур бўлиб "Биз ҳам шуни муҳокама қилиш учун йиғилганмиз.

Марҳамат ким муҳокама учун сўз сўраса минбарга чиқсин" дея ўз жойига келиб ўтирди.

Бирданига 10-15 киши қўл кўтариб сўзга чиқишини билдирди. Минбарга яқинроқ ўтирган проф. Азатян А.А. дадил ўрнидан туриб минбарга қараб юрди. Халиям нима қилишини билмай серрайиб туриб қолган Оранюк Б.Л. минбарни тарк этиб залдаги ўз жойига қараб кетди.

А.А.Азатян ўз сўзини олдинги нотикнинг сўзларини инкор этадиган гап билан бошлади. Яъни, барча Совет Иттифоқи республикаларида иш юритиш тили рус тили эканлигини рад этиб болтиқ бўйи республикалари ёки кавказорти республикаларида ҳатто илмий анжуманларда ҳам ўз она тилларида чиқиб гапираётганлигини, ҳатто Украинада ҳам украин тилида илмий анжуманлар ўтказаётганлигининг гувоҳи бўлганлигига тўхталиб ўтди. Шунингдек 3 миллионлик халққа эга Арманистонда арман тилида иш юритилаётган бир пайтда 20 миллионлик Ўзбекистонда бегона тилда гапиришга ва иш юритишга мажбур қилинаётганлигини тушуниб бўлмас ҳолат деб баҳо берди.

Минбарга проф. Аҳмаджон ака Ўлмасов чиқиб республикада олиб борилаётган тил сиёсати чидаб бўлмас даражада бир томонламаликка йўл қўйилганлигига тўхталиб ўтди. У қишлоқда кўпчилигида рус тили ўқитувчиси ҳам йўқ мактабларни битириб келган талабаларга бирданига бутунлай бегона тилда машғулотлар олиб боришга бегона тилда имтиҳон топширишга мажбур қилинишини бориб турган адолатсизликдан бошқа нарсасиз деб баҳо бермоқ керак деб ўз сўзини якунлади.

Минбарнинг олдидан то эшиккача сўзга чиқишни хоҳловчилар саф тортган эди. Сафда бешинчи бўлиб кафедрамиз мудир Иўлдош ака Жумабоев ўрин олганлигига кўзим тушди. Президиумда ўтирган иккитаси ЎзКП марказий комитети бўлим бошлиғи ва КПСС марказий комитети инструктори ҳам саҳнанинг орқасидаги кичкина эшик орқали зални тарк этиб улгиришган экан.

Бир маҳал яна В.В.Ким ўрнидан туриб "тушунарлик, биз очик партия мажлисини чақиришдан мақсад сиз азиз ҳамкасблардан кўпчилигининг фикр-мулоҳазаси билан танишиш эди. Демак ўқитиш ишларини худди олдинги ўқув йилларидагидек ўзбек ва рус тилларида давом этдирамиз. Менимча сўзга чиқмоқчи бўлганларнинг фикр-мулоҳазаси шундай бўлса керак. Мажлисни давом этдиришнинг зарурати йўқ деб ҳисоблайман. Келганларингизга катта раҳмат" деб мажлисни якунлаган эди.

Бу тил сиёсатида институтимиз доирасида улуғдавлатчилик анъаналарига содиқ кучлар устидан, миллий тилларнинг эркин ривожланиши учун жон-жаҳди билан курашаётган янги авлод (янгилик)нинг улкан ғалабаси эди. Эндиликда навбат бу ғалабани малакат миқёсига олиб чиқиш керак эди.

Шоди ака бу воқеадан сал ўтиб яна Ленин асарларидан биз учун керакли материалларни тўплаш билан шуғулланишни давом этдириш кераклигини ва шу асосда ўзбек тилига давлат тили мақомини олиб бериш зарурлиги тўғрисида йирик бир мақола ёзинг деб мурожаат қилди. Аслида, бу мурожаат эмас устоз томонидан менга юклатилган топширик, ҳам эканлигини чуқур ҳис қилардим. Масъулият ниҳоятда катта эди. Менда уддалай олармиканман деган ҳадиксираш ҳам йўқ эмас эди. Шоди ака билан ҳар сафар кўришганимизда нима бўлаяпти деб сўрагани-сўраган эди. Декабр ойининг бошларида мақоланинг қўлёзмасини олиб келдим.

Мақолани ёзишда ўта эҳтиёткор бўлиш зарур эди. Чунки республикамиз раҳбарлари томонидан фақат икки тиллиликни тарғиб қилиш учун кўрсатма берилганди. Барча матбуот органлари икки тиллиликни тарғиб қилувчи мақолалар билан тўлиб-тошиб кетганди.

Шунинг учун ҳам мақолада Лениннинг 1914-1915 йилларда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги кўплаб мақолаларида ва большевиклар давлат тепасига келганидан сўнг мустамлака халқларни яна империя таркибида сақлаб қолиш илинжида ёзилган "Туркистон мусулмонларига" қилинган мурожаатларда берилган ваъдалардан усталик билан фойдаланиш ниҳоятда зарур эди. Гўё, «Совет Иттифоқида

ўтказилган миллий сиёсат асосан Сталиннинг айби билан Ленинча тўғри миллий сиёсатнинг бузилишига олиб келинган»лигини кўрсатиб бериш зарур эди.

Худди шунингдек бу хатоликни тўғирлаш, яна миллий тилларга ўз республикаси доирасида давлат тили мақомини жорий этибгина амалга ошадиган жараён деб хулоса қилинган эди. Устоз Шоди ака мақолани машинкадан чиқариб керакли ерларига тузатишлар киритиб, газета-журналлар таҳририятларининг эшигини қоқиб, иккаламиз кун ўтказардик.

Янги йилни ҳам улуғвор орзу ва истаклар илинжида кутиб олган эдик. Яна иккаламиз вақтли матбуот нашрлари жойлашган биноларни излаш билан овора бўлишда давом этардик. Январ ўрталарида "Ёш ленинчи" газетаси таҳририятига бориб бош муҳаррир хонасига кириб мақоламизни ўқиб кўришни илтимос қилган эдик. Бош муҳаррир:

- Шоди ака бу мақола жуда яхши ёзилган. Мавзу жуда-ям долзарб. Лекин буни биз босаолмаймиз. Менинг бошим иккита эмас. Узр, ҳеч ҳам иложи йўқ, - дея мақолани қўлимизга қайтариб берди.

Шоди ака мақолани қўлига олиб:

- Ҳеч ҳам иложи йўқ денг... Сиз ахир журналистсиз-ку, яна тагин ўзбек тилида чоп этилаётган газетанинг бош муҳаррири. Агар сизлар тилимизнинг посбони бўлаолмасангиз унда биз бечоралар кимга додимизни айтамыз. Туфэ, сизларга ўхшаган...

Устоз кескин бурилиб эшик томон юриб бош муҳаррир хонасини тарк этиб ғазабини яшираолмасдан тўнғиллаб кетаётганимизда

- Э-э-э Шоди ака, қаёқдан кун чиқди, нимадан хафасиз, - деб баланд бўйли ёш йигит қучоқ очиб кела бошлади.

- Э-э-э Қулмонбой, ишлар яхшими, болачақалар омонми...., - дея сўраша кетди. Сўрашиб бўлганларидан сўнг Шоди ака менга қараб:

- Қулмон Очилов, ажойиб журналист, мана шу газета бош муҳаррирининг ўринбосари, - деб менга таништирди.

Шоди ака бўлган гапни Қулмон Очиловга қисқача айтиб берди. Коридорда турган ҳолда мақолага кўз югуртириб:

- Ҳозир менинг хонамга кириб бир паст ўтира туринглар, мен ҳозир тезда чиқаман, - деб бош муҳаррир хонасига кириб кетди.

Биз Қулмон Очилов хонасида бир паст кутганимиздан сўнг эшикни очиб - Зерикмасдан ўтирибсизларми, - деб Қулмон кириб келди.

Қулмон мақолани эринмасдан охиригача ўқиб чиққанидан сўнг бошини кўтариб Шоди акага қараб:

- Мақола жуда яхши ёзилган. Айни шу бугунги кун учун ёзилган. Мақолани албатда босиб чиқарамиз.

- Бош муҳаррирингиз бошқача фикрда-ку, - деди Шоди ака.

- У ёғини бизга қўйиб беринг. Фақат мақола яна бир ойлардан сўнг чиқди.

Қулмон Шоди акага сал эгилган ҳолда яқинда феврал ойининг ўрталарида бош муҳаррир Японияга туристик сафарга кетаётганлигини газета у келгунча Қулмоннинг имзоси билан нашр этилишини, албатта бир иложини қилишини айтди. Мақолани қолдириб мамнун бўлиб турдик.

Шоди ака Қулмонга телефон орқали тез-тез мурожаат қилиб бош муҳаррирнинг сафарга кетган-кетмаганлигидан хабар олиб турди. Бир куни Шоди ака «Қулмон Очилов мақоланинг муаллифлари доирасини яна бир-икки одамга кенгайтириш керак деб ҳисоблаяпди» деб қолди. Дуч келган одамни қўйиб бўлмайди. Аввало, бу одамлар эл дарди билан ёнган, кўпчиликка танилган бўлиши кераклигини айтиб, ТошДУда ишлаётган тарихчи олим доц. Ўткир Амировни сафимизга олсак қандай бўлар экан деб маслаҳат солди.

Мен Ўткир акани яхши билардим. Унинг укаси Эркин ака билан бирга ўқиганмиз. Мақолани у киши ўқиган ёки ўқимаганлигини сўрадим. Шоди ака Ўткир аканинг мақолани ўқиб кўрганини ва у рози эканлигини айтди.

Шунингдек яна бир эл севган санъаткор Ҳожиакбар Ҳамидовни ҳам ҳаммуаллиф сифатида қўйсак у кишининг муҳлисларини ҳам тил масаласига

бефарқ бўлмаслигини таъминлаган бўлардик деган фикрни билдирди. Менга бу таклиф ҳам маъқуллигини айтдим. Бу ҳар икала олим ҳам бизларга энг оғир пайтларда бўлиши мумкин бўлган тазийқлар оғир руҳий босим юкининг бир қисмини ўз елкасига олишга шайланган миллатимизнинг фидойи вакиллари эканлигидан доимо Шоди ака ҳам мен ҳам фахрланиб юрганлигимизни айтиб ўтиш ҳам зарур, деб ўйлайман.

20 феврал 1989 йил кечаси менга Шоди ака телефон қилиб қолди.

- Тоҳир Каримович, табриклаймиз энди. Эртага мақолангиз босилаяпти. Қулмоннинг отасига раҳмат, сўзининг устидан чиқди.

- Ҳали шошманг, ҳали тонгача яна 8-10 соат вақт бор. Бу вақт мобайнида нималар бўлиб ўтмайди дейсиз - деб жавоб бердим.

- Нафасингизни иссиқ қилинг, иншолло, ҳеч гап бўлмас деб умид қиламиз, - деб трубкани қўйиб қўйди.

Эрталаб газета киоскасига югурдим. "Ёш ленинчи" газетасидан фақат беш дона келишини айтиб газета сотувчиси бештасини ҳам дарров қўлимга тутказди.

Газетанинг 21-феврал 1989 йил сониди "Тил ҳақида мулоҳазалар" номли мақола 3-саҳифани тўла эгаллаган ҳолда босилиб чиққан эди.

Мақолада асосан В.И.Ленин асарларида кўтарилган миллий тилларга, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига оид мақолаларидан биз учун ўта муҳим ҳисобланган фикрларга суянган ҳолда Ўзбекистонда фақат ўзбек тили давлат мақомига эга бўлиши керак деган хулоса қилинган эди. Шунингдек мақолада бирон-бир тилга давлат тили мақомининг берилиши айтилган пайтда ўша тилнинг ривожланиши учун давлат томонидан берилган кафолат ҳам эканлиги уқтирилиб рус тили эса асло бундай ҳомийликка муҳтож эмаслиги таъкидланган эди. Мақола ўша пайтда катта шов-шувга сабабчи бўлди. Мақола босилиб чиққанидан бир ҳафталар ўтганидан сўнг, яъни, март ойларининг бошларида Шоди ака кафедрага келиб кечаси Қулмон телефон қилганини айтди. Унинг айтишича Қулмон газетага жуда кўп хатлар келабошлаганини бу хатларнинг деярлик барчаси мақола муаллифларининг

нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаётганини ва мақола муаллифлари рози бўлса яқин орада газетага келган хатларни шарҳлаб яна бир саҳифа тайёрлаш илинжида эканлигини маълум қилган экан.

Биз албатта хурсанд бўламиз, деган маънода жавоб қилдим. Газета таҳририятига бориб хатларни кўздан кечирдик. Хатлар жуда кўп эди. Деярлик бир неча мингга ташкил этарди. Уларнинг барчасини кўздан кечиришнинг имкони йўқ. Шу туфайли мақолага муносабат билдириб ёзилган хатлар асосида "акс - садо" саҳифасини тайёрлашни таҳририят ходимлари ихтиёрига илова қилиб уйга қайтган эдик.

«Акс – садо» саҳифаси халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган сонидан кейинги март ойининг ўрталарида газетанинг 2-3 саҳифаларини тўлиқ қамраб олганди.

Биз муаллифлар мақола ва газетада унга бағишланган "акс - садо" саҳифаси республика жамоатчилигида қизғин муносабатлар уйғотганидан мамнун эдик. Деярли кўпчилик жамоа ва ташкилотларда ўқилиб муайян муносабатлар билдирилаётганидан қисман хабардор эдик. Мақолага аксарият кўпчиликнинг хайрихоҳ эканлиги маълум бўлсада баъзи бир ижодий меҳнат жамоаларида танқидий муносабат билдирилаётганлигидан ҳам хабардор эдик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фалсафа ва ҳуқуқ институти» жамоасидаги баъзи кишилар ҳам кескин танқидий муносабатлар билдирган экан.

Уларнинг асосан битта нарсага эътирози бор эди. Яъни, мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида республикада иш юритиш ва давлат тили сифатида ўзбек тилидан кенг фойдаланганлиги айтиб ўтилганди. Ўша вақтдаги институт директори лавозимида фаолият кўрсатаётган шахс "бундай бўлиши мумкин эмас" деб муаллифларни масъулиятсизликда айблаганлиги тўғрисидаги хабар ҳам бизга етиб келган эди.

Бу масалани шундай очиқчасига қолдириб бўлмасди. Мен Шоди ака билан учрашганимда "Фалсафа ва ҳуқуқ" институтининг директори кескин

эътирозини айтиб бердим. Шоди ака бир паст ўйланиб қолди-да керакли далилий хужжатлар билан асослаш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Ўша кунларнинг бирида "Гулистон" журналининг масъул муҳаррири менга телефон орқали мурожаат қилиб:

- Тоҳир Каримович, сиз мени танимасангиз керак, лекин мен сизни яхши биламан. Яқинда "Ёш ленинчи" газетасида босилган мақолангизни ўқиган эдим. Менга жуда маъқул бўлди. Ана шундай яна бир мақола бизнинг журналга ёзиб бераолмайсизми? - деб қолди.

Мен унга нима ҳақда ёзишим кераклигини суриштирдим. У менга В.И.Лениннинг 1914-1915 йилларда "Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш" мақоласининг чоп этилганининг 75-йиллиги муносабати билан ҳозирги долзарб муаммоларни ҳам камраб олувчи мақола бўлса янада яхши бўларди, журналнинг май ойи сонига материаллар тўплаймиз. Мақолани тезлаштириб берсангиз, деб қисталанг қилган эди.

Ана шу вазиятдан фойдаланиб қолишга жазм этган эдим. Бу ҳақда Шоди акага айтсам "узоққа чўзманг" деган гапни қилди. Лекин шу баҳона билан "Фалсафа ва ҳуқуқ" институти директорининг эътирозига ҳам йўл-йўлакай жавоб бериб кетишни юрагимга тугуб қўйдим. Шоди аканинг бу гапдан хабари бор эди. Бир учрашганимда 20-йилларда ўзбек тилида иш юритилишига ҳуқуқий хужжатнинг мавжудлигини ҳой-наҳой институтимизнинг ўша вақтдаги "Совет ҳуқуқи» кафедрасининг мудири проф. Восиқова М.С. дан суриштиришимиз керак, деб қолди. У киши кўп йиллар ҳукумат органларида фаолият олиб боргани ва хатто анчагина йиллар Адлия вазири лавозимида ҳам ишлаганлигини ҳисобга олганда албатта бу нарсадан хабарлари бўлса керак деб қолди.

Биз опа билан унинг хонасида учрашдик. Опа ҳақиқатдан ҳам шундай хужжатнинг борлигини, фақат уни 1925 йил партия Совет органларининг архивидан излаб топишимиз мумкинлигини айтди.

Биз Шоди ака билан биргаликда Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасининг архивини уч кун титкиладик. Ниҳоят, уни топиб хурсанчилигимизни ичимизга сиғдираолмасдан уйга қайтдик.

Унда «... барча давлат, жамоат, кооператив, хўжалик ва бошқа муассаса ва ташкилотларнинг идоравий ишларни, ўлка ва уезд территорияларида ҳамма иш юритиш ҳужжатлари сўзсиз, фақат ўзбек тилида олиб борилсин», - дея қайд қилинган эди. Биз излаган ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси Революцион комитетининг 1924 йилнинг сўнгги куни 31 декабрида қабул қилинган махсус №48 қарорида шундай сатрларга дуч келган эдик.

Мақолани ёзиб Шоди акага кўрсатиб керакли маслаҳатларини олиб яна қайта ишладим. Апрель ойининг ўрталарида устоз билан бирга бориб "Гулистон" журнали масъул муҳарририга топшириб келдик. Мақоланинг сарлавҳасини "Тил – миллат тақдирида» (В.И.Лениннинг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» тўғрисидаги мақоласининг чоп этилганига 75 йиллиги муносабати билан) деб қўйган эдик. Афсуски, "Гулистон" журналининг 1989 йил 5-сонида сарлавҳа бутунлай ўзгартирилиб "Доҳий сабоғи" номи остида босилиб чиқибди. Шоди ака билан иккаламиз журнал таҳририятига дархол қўнғироқ қилиб масъул муҳаррирга ўз эътирозимизни билдирдик.

- Ҳа энди, Шоди ака, бизни ҳам тушунингда. Сарлавҳани бошқача қўядиган бўлсак мутасадди ташкилотлар ("Цензура" демоқчи) тасдиғидан ўтказишнинг ўзи бўлмасди. Лекин мақола қандай ёзилган бўлса хатто битта сатрини ҳам ўзгартирмасдан босганмиз, - деб ўзини оқлаган бўлди.

Ҳақиқатан ҳам мақоланинг сарлавҳасидан бошқа ерига мутлақо қалам теккизилмаган эди. Бу мақола ҳам республикамиз жамоатчилиги томонидан қизгин муҳокамага сабабчи бўлган эди. Ўша кунлари машҳур "қулупнай" (Ўш) воқеаси бўлиб ўтганидан сўнг республика раҳбариятида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. 24 июнда ЎзКП марказий комитетининг биринчи

котиби лавозимиға И.А.Каримов тайинланганидан сўнг ўзбек тилиға давлат мақомини бериш масаласиға жиддий эътибор берилла бошланди.

Кузға бориб 21 октябр 1989 йилда "Давлат тили ҳақидаги қонун" қабул қилинди. Қонун биз истаганимиздай ўзбек тилиға давлат мақоми берилганининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Ана шу кунларнинг бирида Шоди акани бу ғалаба билан табриклаганимда у ҳам ўз навбатида мени ҳам табриклаб "яхшиям ҳокимият тепасиға халқимизнинг дардини чуқур англай олган раҳбар келиб қолди, бу эса ҳаммамизнинг бахтимиз эди" деб жавоб қайтарган эди.

Институтимизда иккаламиз бирға етаклашиб юрганимизда кўпинча ҳамкасбларимиз бизни "ака-укалар" ёки "оға-инилар" деб мурожаат қилишарди. Бунға аввало исми-шарифларимизнинг яқинлиги (яъни Шоди Карим, Тохир Карим сифатида танилганлигимиз) бўлса яна шунингдек ҳамфикрлилигимиз, характеримиздаги ўзаро ўхшашликларнинг мавжудлигидан бўлса керак деб ўйлайман.

У кишининг менға ёқадиган фазилатларидан бири ўзига нисбатан ўта талабчанлиги эди. Шоди ака ҳеч қачон бугунги ишни пайсалға солмасди. Чунки "эртаги куннинг ҳам ўз ташвиши бор", - деяр эди. Бирон ишни қилганда берилиб ишларди. У киши энг майда ишларға ҳам жиддий қарар эдилар. Биз ишлаган даргоҳда ажойиб олим ва нотиклик санъатини чуқур ўзлаштириб олган инсон сифатида жуда катта обрўға эға эди. Шунингдек, сал ночорроқ оиладан чиққан талабаларға ёрдамини аямасди. Бунға мен ўзим шахсан кўп марта гувоҳи бўлганман.

Энг муҳими у киши соҳтагарликни ўлгудек ёмон кўрарди. Мардлиги, кўли очиқлиги жиҳатдан унга тенг келаоладиган бошқа кишини учратмаганман. Айниқса, адолат мезони бузилган ерда у чидаб тураолмас эди. Шунинг учун ҳам Шоди акани ҳар доим эслаганимда у адолатсизликка қарши «исён бўлиб туғилган инсон» бўлиб дунёға келди ва исён бўлиб дунёдан ўтди деб айтгим келади.

Берди Раҳмат: Ўша мақоладан кейин тил учун бўлган ҳаракат янада жонланганидан ҳабаримиз бор. Хусусан, 1989 йил 19 март куни пойтахтнинг марказий майдонида кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтганди. Ҳатто ҳукумат аъзолари ҳам митинг қатнашчилари олдида «ваъда» беришганини эсга олишимиз ўринли деб ўйлайман. Лекин марказий газета ва журналларда чиқарилган мақолаларнинг аксариятида икки тиллиликини ҳимоя қилиб чиқаётган бир пайтда ҳокимият раҳбарларининг қарашларида бундай «инқилобий» ўзгаришларга сабаб бўлган омиллар тўғрисида сиз нима дея оласиз.

Жавоб: Дарҳақиқат, ўша куни (19 март, 1989 йил) марказий майдон эрталабдан ички ишлар ҳодимлари томонидан қуршаб олиниб ҳеч кимни майдонга ўтишига имкон қолдирилмаганди. Лекин тушга яқин кўпчилиكنинг босимига дош бераолмасдан Марказий майдонга ўтувчиларнинг хоҳишига қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушуниб етган эдилар. Яна шуни ҳам таъкидлашимиз лозимки ўша пайтда ҳокимият тепасида ўтирганлар ва ички ишлар ҳодимлари орасида ҳам ўз она тилисининг мавқеини давлат тили мақомига кўтаришдан манфаатдор кишиларнинг кўплиги ҳам мазкур митингнинг бўлиб ўтишига сабабчи бўлган омиллардан бири эди десам ҳеч ҳам муболаға бўлмас деб ўйлайман. Халқимизнинг зиёли қатлами тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Мен митинг қатнашчилари орасидан ўтиб бораётганимда бир чеккада ҳаяжонланиб кўзидан ёш оқаётган адабиётимиз ва тилимизнинг жонкуярларидан бири Ортиқбой ака Абдуллаевни кўриб қолдим. Мен Ортиқбой ака билан кўришиб кетиш учун беихтиёр у киши томон бурилиб сўрашганимда нуқул «ўзбек ҳам халқ бўлибди-ку», «Ўзбек ҳам ўз тилининг жонкуярига айланибди-ку» деб ўз ҳис-ҳаяжонини яшираолмас эди.

Митинг қатнашчилари ҳукумат раҳбарлари билан мунозара олиб бориши учун беш кишидан иборат ташаббускор гуруҳ сайлашди. Улар ичида халқимизнинг машҳур кинорежиссёри ва сценаристи Темурмалик Юнусов,

шоир Мирза Кенжабоев, проф. А.Пўлатов, ёшлардан ТошДУ талабаси бўлган ёшгина қиз ва мен ҳам бор эдим.

Биз ташаббус гуруҳи аъзолари соат 12-00 ларга қараб ўша пайтдаги Ўзбекистон ССР Олий совети президиуми раиси (Иброҳимов) кабинетига йўл олдик. Чунки Ўзбекистон компартияси МК, биринчи котиби Нишонов Рафиқ Нишонович Москвада хизмат сафарида бўлганлиги сабабли Республикадаги энг мавқеи юқори бўлган мансабдорнинг кабинетига қараб йўл олган эдик.

Олий Совет Президиумининг раиси кабинетига ҳукуматнинг мавқеи баланд аъзоларидан ЎзКП Мкнинг идеология секретари (Мутал Хошимович Холмуҳамедов), Тошкент вилояти идеология котиби ва жами беш кишидан иборат гуруҳ биз ўтирган столнинг қарши томонидан жой олишди. Менинг рўпарамда ўз компартия МК идеология секретари ўрин олганди.

Гап нимада эканлигидан ҳабар топган ҳукумат аъзолари безовталана бошлашди. Раис ўз столида турган телефондан узоқ вақт қаргадир қўнғирок қилиб охири керакли кишисини топиб «ЭЭЭ ҳайриятей» деб юборди. У Москвага Рафиқ Нишоновичга қўнғирок қилган экан.

- Рафиқ Нишонович! Ҳозирда Эшигимиз олдида жуда кўп кишилар тўпланган. Улар сайлашган делегатлар гуруҳи ҳам мана олдимизда ўтирибди.

- ...

- Улар асосан Ўзбек тилига давлат мақомини беришни талаб қилишмоқда.

- ...

- жуда кўп, жуда кўп. Айтишларича бир неча ўн минг кишилик митинг.

- ...

- талаби, ҳукумат раҳбарлари майдонга чиқиб халқ олдида аниқ ваъда беришни талаб қилишмоқда. Нима дейлик.

- ...

- Хўп. Шундай қиламан. Ҳайр.

«Ана, хўжайин билан ҳам гаплашдик. У киши аниқ ваъда бераолмасликларини айтаяпти. Лекин митинг олдига чиқишдан олдин ташаббус гуруҳи аъзолари билан бир тўхтамга келишимиз зарурлиги тўғрисида кўрсатма бердилар» - деб бизга қараб яна ўз креслосига ўтирди.

Бизнинг ҳукумат аъзолари билан кечган мулоқотимиз ўта мунозарали ўтди. Улар асосан икки тиллиликни қаттиқ туриб ҳимоя қилар эдилар. Ҳар иккала гуруҳ ҳам бир бирига ён беришни ҳаёлига келтирмас эдилар. Ташаббус гуруҳи аъзолари томонидан ўзбек тилига давлат мақомини бериш ҳеч кечиктириб бўлмаслиги тўғрисида турғун позицияга эгаллиги ҳукумат аъзоларини саросимага солиб қўйди.

- Сиз муҳтарам делегация аъзолар. Ахир бизни ҳам тушунишга ҳаракат қилинглар. Мамлакатимиз федерация таркабида бўлатуриб фақат ўзбек тилигагина давлат мақомини бериб бўлмайди, - дея қизишиб овозини баландлата бошлади.

- Нега Болтиқ бўйи ёки Кавказ орти республикаларида мумкин бўлган нарсаси Ўзбекистонда бўлмаслиги керак, - дея эътироз билдиришди ташаббус гуруҳи аъзоларидан бири.

- Ўзбек тили давлат тили мақомини бажаришга қодир эмас, - дея эътироз билдиришди ҳукумат аъзолари.

- Бунга биринчи навбатда Республика раҳбарлари айбдор, - дея кескин оҳангда Темур Малик Юнусов тутоқиб ўрнидан туриб кетди.

- Сиз ўртоқ ... ҳар ҳолда яхшими ёки ёмонми республикамизнинг обрўли раҳбарларидан биримиз. Овозингизни бунча қўйиб юборманг, - дея Олий Совет президиумининг раиси.

- Обрў, қанақа обрў тўғрисида гапираяпсиз. Сизларда обрў бор эканми? Биласизми халқимиз Сизларни қандай тасаввур қилишади. Эмишки Марказқўмнинг биринчи, учинчи котиблари, Министрлар Советининг раиси, Республика Олий Совети президиумининг раиси, яъни, Сиз Марказқўмнинг иккинчи котиби бармоқларига кийгизиб қўйилган қўғирчоқлар деб тасаввур қилишади. Бўлмаса нега ўзбек тили ўз ватанида давлат тили мақомини

беришга тўсқинлик қиляпсизлар. Чунки сиз Марказдан ва у томонидан сизни назорат қилиш учун қўйилган вакил иккинчи котибдан ҳайикасизлар. Ана сизнинг обрўингиз. Обрў эмиш... - дея ғазабдан қизариб кетган юзини ерга қаратиб ўз стулига ўтирди Темур Малик ака.

Давра бундай кескин мунозарага тайёр эмас эди. Ўтирганлар ҳар иккала томон ҳам жимиб кетганди.

Сукунатни яна Олий совет президиумининг раиси бузди.

- Сиз менинг кабинетимда ўтирибсизлар. Ҳар ҳолда обрўимиз бўлмасада катта лавозимни халқ ишониб топшириб қўйибди. Илтимос, хотиржамликни сақлайлик. Сиздан ёш жиҳатидан ҳам каттароқ бўлсам керак.

- Сиз ҳар қанақа катта бўлсангиз ҳам халқдан катта эмассиз, биз бу ўтирганлар майдонда йиғилган халқ номидан келиб сиздан аслида халққа тегишли бўлган нарсани ҳимоя қилишга жазм қилиб келдик, - дея эҳтиросини яширмасдан ўз эътирозини билдирди Мирза Кенжабоев.

Олий Совет президиуми раиси нима дейишини билмасдан серрайиб котиб қолганди. Бироз жимликдан сўнг Тошкент области ком партияси идеология секретари Эргаш Фозилов:

- Келинглار асосий мавзудан чалғимайлик. Демак қандай тўхтамга келамиз.

Вужудга келган нохуш вазиятдан чиқиш учун бўлса керак. Ўша пайтдаги ЎзКП МК идеология секретари (Холмухамедов М.Х.) рус тилида менга мурожат қилиб қолди.

- Тохир Каримович! Сизга рус тилида мурожаат қилсам бўладими. Мен узоқ йиллар Москвада яшаганлигим ва ишлаганлигим туфайли соф ўзбекча гапиришга қийналаман.

- Тушунарли. Ўзбек тилининг бундай ачинарли ҳолатга тушиб қолишидан ҳайратланмасак ҳам бўлади. Республикамиз Марказ қўми идеология секретари ўз халқининг тилини билмаслигининг ўзи ҳам Иттифокдаги миллий сиёсатнинг қай йўсинда давом этаётганлигидан дарак беради, - дея рус тилида луқма ташлади Темур Малик ака.

- Тўғри айтасиз. Сизга маълум-ки биз ўша даврда тарбияланганимиз. Лекин менинг айтмоқчи бўлган фикрим аслида мурасага келиш йўли деб ҳисоблайман. Агар давлат тили тўғрисидаги қонун лойиҳасининг биринчи моддасига «Ўзбекистон республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» десак ва шу моддани давом этдириб кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро мулоқот тили рус тилидир» деб қайд қилиб қўйилса ҳар иккала томоннинг ҳам интилишларини ҳам инобатга олган бўлур эдик, тўғри эмасми? – дея яна менга мурожаат қилиб.

- Йўқ. Мутлақо тўғри эмас. Рус тили улуғ миллат тили. Халқаро тил сифатида улкан мавқега эга. Шунинг учун ҳам рус тили бизнинг ҳомийлигимизга асло мухтож эмас. Гап ҳозирда ўзбек тилининг маҳалла ва оила тилига айланиб қолганлиги учун давлат мақомини бериш йўли билан жамиятдаги қонуний ҳуқуқини тиклаш борасида сўз юритилапти. Агар биз тил тўғрисидаги қонун лойиҳасига рус тили учун кичкинагина тирқиш қолдирадиган бўлсак у вақтда ўзбек тили мамлакатда яна улуғ рус тили соясида қолиб кетади. Яна шунингдек, давлат тили аслида мазкур мамлакатда иш юритиш тили бўлишидан ташқари барча миллат ва элатларнинг ҳам ягона муомала тили бўлганидагина давлат тили мақоми вазифасини адо этиш мумкин, - деб жавоб бердим.

Хуллас тарафлар ўртасидаги мулоқот анча давом этди. Соат 14-50 ларга бориб ҳукумат аъзоларини ҳалиям баҳор қуёши остида интиқлик билан кутиб турган митинг қатнашчилари олдига олиб чиқишга муяссар бўлган эдик. Ҳукумат раҳбарларининг берган ваъдалари ҳам ноаниқ бўлиб «албатта ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши учун ҳаракат қилинади» деган мазмунда бўлган эди.

Тил учун бўлган ҳаракат шу билан тўхтаб қолган эмас. Ўша йили 9 апрел Амир Темур бобомизнинг таваллуд топган кунида Чуқурсойда ўтказилган митинг мавзуси ҳам айнан ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида бўлиб ўтган эди.

Хуллас, тил учун кураш масаласи мустақиллик учун кураш жараёнини бошлаб берган эди. Мустақиллик учун кураш жараёнининг иккинчи йирик босқичи 1990 йил 24 март куни – Ўзбекистон ССР Олий Совети 1 сессиясида Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилиб унда Ўзбекистон компартияси МКнинг биринчи котиби И.А.Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланган эди.

Мустақиллик учун курашнинг учинчи босқичи 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий совети 12-чақириқ 2-сессиясида «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши билан боғлиқ.

1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши билан якунланган эди.

Муҳбир: Ҳақиқатан ҳам тил мустақиллиги учун кураш аслида Мамлакат мустақиллиги учун курашнинг илк босқичи эканлигини тўғри таъкидлаб ўтдингиз. Хўш, давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига ҳам 20 йил тўлди. Эндиликда нафақат тилимиз балки мамлакатимиз ҳам мустақил бўлди. Тилимиз мустақил мамлакатимизнинг давлат тилига айланди. Шу йиллар мобайнида Ўзбек тилининг мамлакатимиз ҳаётида тутган мавқеи ўзгардими?

Жавоб: Албатта, Мамлакат, тарих учун йигирма йиллик муддат жуда қисқа. Лекин, айти пайтда бу анчагина салмоқли муддат ҳам ҳисобланади. Шу ўтган вақт мобайнида ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ижобий томонга ўзгарганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Агар Собиқ иттифоқ даврида 70-80 йилларда ўзбек тилида 600-650 номда китоб нашр қилинган бўлса (унинг ҳам аксарият қисми мактаб дарсликларидан таркиб топганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак) Мамлакат мустақиллигидан 17 йил ўтиб бу рақам 2500-2600 тага ошганлиги, дарслик китоблар ҳам бошқа тилдан қилинган таржималар бўлмасдан халқимиз,

Ватанимизнинг ўзига хослигини тўла инобатга олинган ҳолда соф, эркин, ижодий жараённинг махсули эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз керак. Яна шунингдек, ўтган асрнинг 80-нчи йилларида ўзбек тилида бор йўғи 16 номда журнал чоп этилган бўлса бугунги кунда 100 дан ортиқ номда журналлар ўзбек тилида чоп этилмоқда.

Умуман XX асрнинг 80-нчи йилларида умумэътироф этилган қоида мавжуд бўлган. Агар бирон-бир тил ўз халқини замон талабларига мос келувчи ахборотлар билан етарли равишда таъминлашлари учун камида бир йилда 15-16 минг номда китоб, 2000 та журнал 450-500 номда газета нашр қилиниши керак бўлган. Ҳозирда замонанинг илғор зиёлиси бўлиши учун янада кўпроқ ҳажмдаги маълумотлар билан таъминланишлари зарур бўлади. Лекин бунда ҳозирги замон кишисига Интернет тизими орқали олинадиган ахборотлар билан ўз эҳтиёжини маълум даражада қондириш имконияти ҳам мавжуд.

Ўзбек тилида нашр этилаётган матбуот саҳифаларидан олинаётган ахборотлар ҳажми бошқа тилни билмайдиган кишининг илғор замонавий зиёлиси бўлиб етишиши учун мутлақо етарли эмас. Бу ўринда мамлакатда ҳукм суриб турган маънавий муҳитнинг характери (яъни, аксарият фуқароларнинг дунёқараши динийми ёки дунёвий мазмунга эғалиги) ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бунда албатта ўқимишлилик даражаси, гносеологик муҳит ва унинг савия даражаси каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Собиқ иттифоқ даврида, яъни, ўтган асрнинг 70-нчи йилларида Иттифоқдош республикаларда (маҳаллий тилларда) энциклопедиялар нашр этишга рухсат этилди. Ўзбекистонда ўзбек тилида нашр этиладиган энциклопедия 14 томдан иборат қилиб белгиланади. Адади (тиражи)ни эса 50 минг нусхада нашр қилинганди. Аҳолиси 14-15 миллион фуқароси бор республика учун етарли деб топилган эди.

Айни ўша йилларда аҳолиси 1 миллионга ҳам етмаган (900 минг кишидан иборат эстон халқи учун) Эстонияда олти томлик қомус 120-минг нусхада чоп этилганди. Энг қизиғи Ўзбек тилидаги энциклопедия томлари

китоб дўконларида хатто мустақилликдан кейинги даврларда ҳам чанг босиб ётганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Эстон тилидаги энциклопедияни эса китобхонлар талабига мувофиқ қайта нашр қилинишга эришилган эди. Бизда миллий энциклопедиямизнинг иккинчи нашри мустақиллигимиздан сўнг 12 томлик қилиб чоп этилди. Лекин ана шу 12 томлик олдинги 14 томлик комусга қараганда ўз ичига икки баробардан ҳам кўпроқ ҳажмидаги маълумотлар (ахборотлар)ни камраб олган бўлса яна бир жиҳати эса олдинги нашр тўла коммунистик мафкура талаблари асосида шакллантирилганди. Қомусимизнинг сўнгги иккинчи нашри миллий-умуминсоний манфаатлар уйғунлиги асосида қайта ёзилиб чоп этилган эди.

Энциклопедиянинг давлат томонидан чоп этилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Тилнинг грамматик қонун ва қоидаларга мувофиқ ифода этиш усуллари қатъий қарор топа боради. Яна шунингдек давлат манфаатлари нуқтаи назаридан берилган маълумотлар кафолатланади. Бу эса жуда муҳим.

Гарчи ўзбек тили ўзининг давлат мақомини бажаришга киришган бўлса ҳам бу йўлда қилиниши мумкин бўлган камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб бунини ўз вақтида қатъий чоралар кўриб олдини олиш зарур деб ўйлайман. Хусусан, бош девон ва вазирликлардан келаётган йўриқномалар ҳалиям рус тилида келаётганлиги, ёки кинофильм, театр сахналарида маҳаллий шева тилида жаранглаётганлиги, шунингдек мактаб, лицей, коллеж ёки олий ўқув юртида ўқиётган маърузалар ҳеч тап тортмасдан шева тилда ифода қилинаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларни ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади»¹, - дея алоҳида таъкидлаганларида у минг бора ҳақ эди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 90-91-бетлар.

Айниқса, давлат тили театр соҳаси, кинофильм, газета журнал, илмий-публицистик ва адабий асар ҳамда боғча, мактаб, коллеж-лицей шунингдек Олий ўқув юрти аудиторияларида қонун даражасига кўтарилишини мутлақо шарт қилиб қўйилиши зарур.

Яқинда Ўзбекистон халқ артисти унвони билан тақдирланган машҳур киноактёрга «нега сиз адабий тил қоидаларига риоя қилмасдан нукул маҳаллий тил лаҳжасида гапирасиз?» деган саволга «Ахир, мен мактабда, олий ўқув юртида рус тилида ўқиганман. Ўзбек тилидаги китоб-у газета-журналларни ўқимайман. Шунинг учун ҳам ота-онам ўргатган тилда гапираман. Менимча ўзбек тили шу бўлса керак-да» деган жавобни эшитиб ҳайратдан ёқа ушлашдан бошқа илож, йўқ. Айниқса радио ва телевидения эшиттиришларида адабий тил нормаларига риоя қилишни қатъий белгиланган қоида ёки қонун даражасида белгилаб қўйилиши керак-ка ўхшайди. Нега Сурхондарё ёки Бухоро қишлоқларида бўлаётган воқеани экранлаштирилганда «Ойи бунингизга қаранг менинг туфлигимни кийиб олибти» ёки «қани энди олдимга тушларинг», «Хаммангиз гўлсанлар» ва ҳ.к. каби фақат баъзи ҳудуд аҳолисига тегишли шева тилида ифода этилаётганлигини қандай тушуниш керак.

Тил маданияти деганда қабул қилинган ягона адабий тил қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда гапиришга одатланиш даражасига айтилади.

Бундан 4-5 йил олдин хизмат сафари билан Термиз шаҳрига боргандим. У ерда бир ҳафта, ўн кун давомида турли муассасаларда ўтказилган мажлисларда, тўю-маракаларда тил лаҳжасига эътибор бердим. Улар соф адабий тилда гаплашишарди. Ўз ҳайратимни яширмасдан ўтирганларга айтганимда улар ҳам «биласизми, ҳудди сиз айтган гапни ҳатто мустақиллигимиздан олдин азиз меҳмонимиз бўлган халқимизнинг севимли ёзувчиси Саид Аҳмад ҳам айтган эдилар. Бунга асосий сабаб Термиз шаҳри ва унинг атрофида истиқомат қилишаётган аҳоли туркманлар, тожиклар, ўзбеклардан иборат бўлиб ўзаро мулоқотда ўзбек адабий тилида муомала қилишга одатланганларидан бўлса керак» деб жавоб беришган эди.

Умуман ягона тил қоидаларига амал қилиш ҳаёт тарзимизга, яшаш нормаларига қай даражада айланганлигига қараб миллий рух, миллий мансублик ва ниҳоят миллатнинг шаклланиш даражасини белгилаб олиш мумкин. Лекин шу билан бирга тил шеваларига барҳам бериш керак деб тушунмаслигимиз керак. Адабий тилнинг такомиллашуви, бойиб бориши тил шеваларида қатнашадиган элементларни ягона адабий тил қоидаларига жалб қилиш орқали амалга ошишини асло унутмаслигимиз керак.

Мухбир: Мана сиз тил мустақиллиги учун курашни ўз шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ ҳолда баён қилиб бердингиз. Шунингдек ўзбек тилининг ҳозирги аҳволи бартараф этилиши керак бўлган баъзи ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтдингиз. Хўш энди ўзбек тилининг тўла қонли давлат тили мақоми вазифасини бажариши учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз? Умуман тилимиз истиқболи тўғрисида ўз мулоҳазаларингиз билан китобхонларни ошно қилсангиз.

Жавоб: Жаҳон аҳолиси 2,5 минг тилда ўзаро мулоқотда бўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар кенг тарқалган. Лекин уларнинг аксарият қисми кам сонли миллат ва элатлар тилларига мансуб. Шулардан 50-60 тага яқин тиллардагина тўла қонли дунёвий фанлар ўқитилаётганлигини назарда тутадиган бўлса кўз олдимизга дунёнинг тил манзараси яққол намоён бўла боради. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар қандай тил инсоният учун ноёб ҳодиса сифатида эътироф этишимиз, жоиз. XIX асрнинг охирларида чоп этилган Буюк Британия энциклопедиясида дунёда фақат қайд этилган тилларнинг умумий сони 6,5 минг эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган эди.

Ўзбек тили ҳам дунё тиллари орасида салмоқли мавқега эга эканлигини уқтириб ўтмоғимиз керак. Шу тилда гаплашадиган кишилар сони билан ўзини ўзбек миллатига мансуб деб ҳисобловчилар ўртасида катта тафовут мавжуд. Нега кўпгина ўзбек миллатига мансуб деб ҳисобловчи фуқаролар ўз фарзандларини ҳалиям рус тилида ўқитиладиган мактабларда таҳсил олашини исташади.

Агар бу масала мустақилликдан олдин кўндаланг қўйилганда эди жавоби аниқ, яъни рус тилининг халқаро микёсидаги мавқеи, Ленин, Л.Толстой тили бўлганлиги учун, деб жавоб берилар эди. Лекин яна бир сабаби юқори савияда ва кенг кўламда ахборотларни фақат рус тилидангина олиш мумкинлигини ҳам қистириб ўтиларди. Энди-чи? Эндиликда тил мустақиллигига эришган халқимиз нима учун яна ...? Бу ерда гап тилимиз орқали берилаётган билимлар кўламининг торлиги ва савиясининг пастлигидан сабабини излашимиз керак-ка ўхшайди. Олий ўқув юрти талабалари ҳам ўзбек тилида ёки рус тилида тахсил олаётганларнинг ўқишга, илмга муносабатидаги кескин фарқ уларга мактабда ўқитилаётган фанларга бўлган муносабатларнинг айнан давом этдирилиши эмасми деб ўз-ўзимга савол бераман. Мен ўзим тил мустақиллиги учун курашган инсон сифатида Тошкентда ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблардаги ўқитиш савиясининг пастлигини кўриб 6-синфни тамомлаган қизимни яна рус тилида ўқитиладиган мактабга 6-синфга беришга мажбур бўлганимни қандай тушунишимиз керак.

Шунинг учун ҳам ўзбек мактабларидаги таълимга бўлган муносабатни кескин ўзгартирилиш керак. Жуда бўлмаса ҳар бир туманда битта иккита ўзбек тилида ўқитиладиган намунавий мактабларни ташкил этиб, унга кучли мутахассис ўқитувчиларни жалб этиб маошини ҳам 20-25%га кўпайтириш орқали масъулиятни 1,5-2 баробар оширган ҳолда ўқитишни йўлга қўйиш лозим деб ўйлайман.

Миллий тилларимизда ўқитиладиган мактабларда таълим савиясининг етарли даражада эмаслигининг сабаблари жуда кўп. Жумладан, ўқитувчиларнинг билим савиясининг пастлиги, лотин ёзувидаги адабиётларнинг мутлақо етарли эмаслиги, маълум даражада ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларга собиқ мустабид тузумида шаклланган муносабатларнинг сақланиб қолаётганлиги ва ҳ.к.ларни кўрсатиш мумкин. Оқибатда, етарли тарзда дунёвий билимлар билан қуролланмаган ёшлар дунёқарашида диний тасаввурларнинг қарор топишига имкон туғдирилади. Биз эса нега

ёшларимиз орасида диний экстримизм ёки фундаментализм ғояларига берилувчилар кўпайиб боришига гносеологик асослар яратилишига олиб келинаётганлигига томошабин бўлиб турибмиз.

Келажакда тилимизнинг истиқболи тўғрисида мен ўзимнинг мулоҳазаларимни очик гапиришим керак бўладиган бўлса, у вақтда бир нарсага эътиборингизни қаратишимиз зарур бўлади. У ҳам бўлса жаҳон халқларининг тиллари ўртасидаги муносабатлар тобора тез суръатлар билан ўзгараётган халқаро муносабатлар ва жаҳон иқтисодий муносабатларидаги кескин ўзгаришлар билан бевосита чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгаришига эса информацияларнинг инсоният тақдиридаги ролининг кескин ортиб бориши билан боғлиқ.

Лондондаги стратегик тадқиқотлар институтининг берган маълумотларига кўра XIX аср охиригача инсоният томонидан яратилган информация (билим)лар миқдorigа тенг бўлган ахборотлар XX аср охирида 8 соат ичида яратилаётган экан. Бундай кескин ўзгаришлар суръатига мос тарзда ана шу ахборотларни ифода этувчи тиллар таркибида ҳам бўлиши табиийдир. Масалан, илгари учрамаган бирон-бир нарса ва ходисанинг муайян ҳолатини акс эттирувчи янгилик тушунча, атамаларда ифода этилади. Ҳар йили ана шундай илмда янги тушунча ва атамалар инглиз тилида 3 мингтани ташкил этар экан. Рус тилида эса бу 1 мингтани ташкил этар экан.

Ҳўш ўзбек тилида-чи? Агар тилимизнинг ҳақиқатан ҳам фалсафий-илмий тил сифатидаги мавқеини оширишимизни ўйлайдиган бўлсак, энг аввало инсониятнинг илмий-фалсафий меросини ўз тилимизда жаранглашини, таъминлашимиз мутлақо зарур. Бу борада дастлабки қадамлар ташланган бўлса ҳам ҳали қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Соҳалар бўйича таржимачилик марказ (мактаб)ларини шакллантиришнинг вақти келди, менимча.

Тилимизнинг ифода имкониятларини кенгайтириш, халқаро жаҳон тилларга қиёсан тилимизга сайқал бериш ниҳоятда кечиктириб бўлмас вазифа қилиб белгилаб олишимиз лозим. Ижтимоий тараққиёт суръатлари

шу қадар шиддат билан ҳаётимизни ўзгартираяптики буни ўз вақтида илғаб олмаслик ва уни тил ва тафаккуримизда акс этдирмаслик қоқоқлигимизга сабабчи бўлиши мумкин.

Бир вақтлар XX асрнинг 60-нчи йилларида «Постиндустриалная общества» тушунчаси нимани англатиши мумкинлигини, бу тушунчани яратган ижодкорлар ҳам аниқ тасаввур қила олмаган эдилар. Бу тушунчанинг конкрет мазмуни 1982 йилда Рим клубига топширилган «Микроэлектроника ва жамият» номли ҳисоботда кўрсатиб берилган эди. Яъни компьютернинг кашф этилиши жамият ҳаётини тубдан қайта қуришга олиб келишини, ҳар қандай ижтимоий муносабатларда кескин ўзгаришлар юз беришини, эндиликда моддий товар ишлаб чиқаришга қараганда ахборот (информация) ишлаб чиқариш фойдали эканлиги, яъни ахборотлар энг қимматли товарларга айлана боришини башорат қилиб, демак, саноат ишлаб чиқариши босқичидан кейингиси «ахборотлашган жамият» босқичи эканлиги тўғрисидаги таълимот илгари сурилган эди.

Бундай жамиятда ахборотлар оқимини тизимлаштириш, стандартлаштириш, бевосита тил орқали рўёбга чиқади. Айнан шундай вазиятларнинг вужудга келиши учун тилимизда халқаро тил норма ва қоидаларига мувофиқ зудлик билан кескин ўзгаришлар яшамимиз керак бўлади. Чунки бугунги кун фан-техника тараққиётининг йўналиши ва суръатларини ҳисобга оладиган бўлсак, асримизнинг 20-30-нчи йилларида тил соҳасида инқилобий ўзгаришларга қодир кашфиётлар бўлиши кутилмоқда. Масалан, Австралиянинг Канберра Университети кутубхонасидаги юртимизга оид ноёб қўлёзма ва у ҳақдаги маълумотномани бир неча сония вақт ичида ўзбек тилида интернет тизими орқали қўлга киритишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун ўзбек тили бойлиги, баён қилиш услуби, имкониятлари билан инглиз тили билан қиёсий ўрганилиши, мувофиқлаштирилиши учун зарур бўлган тадқиқот ишларини ҳозирданоқ бошлаб юбориш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бундай инқилобий ўзгаришлар юкини фақатгина санокли тилларгина кўтараолишлари мумкин бўлади.

Тилимизнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиёда фақатгина ўзбек тили бундай оғир юкни елкасига олишга қодир. Лекин бу юкни кўтариши учун тинимсиз изланиш, машаққатли машқ қилишни аллақачон бошлаб юборган бўлишимиз шарт. Тил мустақиллиги учун кураш пировард натижада мамлакат мустақиллигини қўлга киритишимиз учун пойдевор яратган бўлса, эндиликда тилимизнинг тараққиёт йўлида раванг топиши учун давлат томонидан ўтказилаётган тил сиёсатига кўп нарсга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бу борада давлатимиз ўзбек тилига давлат тили мақомини берган экан ўз навбатида мазкур мақомни амалга ошириш учун улкан масъулиятни ҳам ўз зиммасига олаётганлиги тилимизнинг кейинги равнақи учун қафолат бўлиб хизмат қилажак.

БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

Ҳозирда халқимизнинг севимли қўшиғига айланган. Огаҳий ғазалига айтиладиган машҳур Феруз-1 ашуласини эшитганимда Отам кўз олдимга келади. Бунинг ҳам ўз тарихи бор.

У пайтлар талабалик йилларим, 1968 йил ёзги татилга уйга борганман. Отамнинг тоби йўқ экан. Отам Карим Абик ўғли мусиқа, ашуланинг ашаддий шайдоси, баъзи-баъзида дутор чалиб хиргойи қилишни ҳам хуш кўрадиган инсон эдилар.

Айниқса «Гиря», «Феруз», «Аликамбар», «Мустахзод» ва шу каби Хоразм мақом ашулалари у кишининг жону-дили эди. Қайси туй ёки хонанда катнашадиган йиғинга борсалар албатта, «Феруз» ашуласини айтиб беришни илтимос қилардилар.

Агар радиодан Назира Юсупова ижросида «Феруз» ашуласи янграса, ҳар қандай ишни йиғиштириб қўйиб қўшиқ тугагунча, нигоҳини узоқ-узоқларга тикканича қотиб қолардилар. Шундай пайтдаги Отамнинг ҳолатини тошдан ясалган маъбуд қиёфасида тасаввур қиламан.

Оиламиз аъзолари буни аллақачон билиб олган, то қўшиқ тугагунча ҳар қандай ҳаракат тўхтатилар эди. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Радиодан Назира Юсупова ижросида Феруз ашуласи янграмоқда. Отам радионинг овозини сал баландлатишни қўли билан ишора қилди-да кўзини узоқ нуқтага тикканча гўё тошдан ясалган ҳайкалга айланди-қолди. Қўшиқнинг энг авжига келганда Отамнинг башарасига қараб бўлмасди. Гўё унинг вужуди ўлжасига ташланишга шай бўлиб, бутун вужуди ўлжага қаратилган қоплонни эслатарди, менга. Мана қўшиқнинг авжи бошланаяпти... «Эй Шох, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмонни, яхшини...» Хонанданинг гўзал ва шу билан бирга ҳам сеҳрли, ҳамда такрорланмас қудратга эга овози навбатни гижжак, най, доира, тор журлигидаги мунгли оханга бўшатиб берди. Гижжак ашула

авжини ниҳоятда тасвирлаб бериш мушкул бўлган, йиғи товушини эслатадиган инграши най ноласига чирмашиб кетмоқда... Отамнинг пешонаси тиришиб, бурни устидаги иккита юқоридан пастга тортилган чизиклар бир-бирига янада яқинлашган, қошлар янада чимирилган, кўздан чиқаётган ёш пастки киприклар учида тўпланиб томчи болиб оппоқ соқолига думалаб тушарди.

Гижжак ва най ноласи навбатни яна Хонандага бўшатиб беради. Яна Амударёнинг тошқин оқимиға қиёс етгулик оханг оқими киши қалбини жунбушга келтиради. Ва ниҳоят «Не журъат ила Огаҳий?...» қўшиқ авжи пасайиб ниҳоясига етабошлайди. Оханг бир маромга келиб чўзилиб тўхтайди.

Отамнинг бу ҳолати яна бир паст давом этиб, олдида пиёлага солиб ичишга шайлаб қўйилган чойни чуқур хўриллатиб хўплаганча пиёлани яна дастурхон устига қўйди.

Менга бошини ҳиёл бурганича отам салмоқли овозда гапира бошлади.

- Мироббошининг бу ғазали ҳам ўз тарихига эга. Буни менга Онам, яъни сенинг Моманг гаприб берардилар. Момангнинг отаси, яъни менинг бобом. Авоз мингбоши, Хива хонлигида жуда таниқли одамлардан бири бўлган экан.

Бобом Аваз мингбоши Мироббоши (Бош Мироб – Огаҳийни шундай деб атар эдилар) билан Хиванинг ёнгинасидаги Қиёт қишлоғида бир йилда туғилган эканлар. Улар аслида ҳар бири битта ака-уканинг фарзандлари бўлиб қиёматлик дўст тутинган эканлар. Бошланғич мактабга бирга борганлар, Мироббоши ота-онасидан жуда бўлганидан сўнг амакиси Мунис Хоразмий ўз тарбиясига олган. Кейинчалик бирга мадрасага ҳам қатнаган эканлар. Муҳаммад Ризо ёш йигитлик даврида (яъни 1829 йилда) амакиси вафот этган ва оталиғи ўрнига хонликнинг бош Мироби этиб тайинланган эканлар.

Биласан, Хоразмликлар тақдири Амударё суви билан боғлиқ бўлганлиги учун бу лавозимга энг билимдон, тажрибали, ўқимишли одамлар тайнланган. Бош мироблик ҳозирги сув хўжалик Вазирлигига қиёсласа бўлади, лекин Хоразм шароитида Бош Вазирдан кейин турувчи катта мавқега

эга бўлган мансаб экан. Чунки, Хоразм воҳасидаги барча арна, ёплар (каналлар)га сув чиқариш, кузнинг охири қиш давомида келаси баҳоргача барча сув иншоотларини таъмирлаш, арна ва ёпларни казиб тайёрлаб қўйиш учун бир неча юз минглаб Хоразмликларни қазувга оммавий сафарбар этиш айнан бош Миробнинг зиммасига тушар экан. Бундай юқори мартабага эришган Мироббоши ўзининг болаликдаги дўсти ва амакиваччаси Авазни аввал ўн бошилик, кейин юз бошилик, сўнгра Мингбошилик лавозимига тавсия қилиб давлатнинг масъул ишларига жалб этишга ёрдам берган эканлар. Жуда кўп йиллар менинг бобом, яъни Аваз мингбоши Хива хонлигининг Эрон мамлакатадаги элчиси бўлган эканлар (Бунинг тарихий фактлиги «Эрон» номли мақолалар тўпламида, Тошкент – 1967 йилда чоп этилган китобнинг 107-бетида ҳам қайд этилган).

Мазкур тўпланда таниқли тарихчи олим Б.Манноновнинг «Ўрта осий ва Эрон элчилик муносабатлари» мавзусида ёзган мақоласи тўпламнинг 103-114 бетларда жойлашган. Унда 1834 йилга келиб Хуросонда шох ҳокимияти маълум даражада мустаҳкамлангандан сўнг, бу вилоят валиси Қахрамон Мирзо ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида Хива хонига элчилар юборади. «Бунга жавобан Хива хони Машхадга махсус мактуб билан ўз вакили – Аваз юзбошини йўллайди» дейилади (Қаранг мазкур китобнинг 107-бетида).

Бобом, Оллоқулхон давридан то Мадраимхон (Феруз II) замонигача қарийб 30 йиллар давомида шу ишлар билан машғул бўлган эканлар. Умрининг охирларида Мадраимхон (Муҳаммад Раҳимхони – Соний – Феруз). У кишини чақириб олиб нафақа тайинлаган.

У вақтдаги давлат нафақаси Хонлик томонидан битта эгарланган от араваси билан, қўш ҳўкиз, омоч ва Мироббоши томонидан қаздирилган Шовот ёпнинг ошокиннан (пастидан, тубанидан) очилган қўрик ерлардан (ҳозирги Тошховуз шаҳар атрофларидан) 40 таноб ер (16 гектар) инъон этилган¹. Авазмингбоши қариганда бўлган якка-ёлғиз қизи Авазжон (Аваз

¹ Шовот каналини кенгайтириш ва уни давом этдириш Оллоқулхон замонида амалга оширилган. Бу қўлами ниҳоятда кенг тадбирнинг тарҳини Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан амалга оширилганлигини ва бу катта ишнинг бошида буюк шоир турганлигини тарихий далиллар билан исботлаб бериш мумкин. Муҳаммад

Мингбошининг бошқа фарзанди бўлмаганлиги туфайли ўзининг номи ўчиб кетмасин деб қизига ҳам Авазжон исми берилган экан)нинг куёвига Хон хазратлари томонидан Авазмингбошига тортиқ қилинган от, арава, кўшхўкиз, омоч ва 40 таноб ерни ҳам ҳадя қилиб «Мен қариган одам бўлсам, бу мулкни эплай олмайман, Сизнинг йўригингиз бошқа, бу хон хазратлари инъом этган ерни ва барча мулкка ўзинг эгалик қилда менга эса Киёт қишлоғидаги етти таноблик ховлингни қодир. Умримнинг охирини қиёматлик дўстим Мироббоши билан ўтказиб бу дунёга якун ясамоқчиман» деб айтган эканлар. Мана шундай қилиб, Ўрис босқинидан сал кейин биз бу ерларга кўчиб келган эканмиз. Мироббоши билан менинг бобом Авазмингбоши ўзларининг туғилиб ўсган қишлоғида қўшни бўлиб умрининг охирларини ҳам бирга ўтказгарлар. Бобом, Мироббоши вафотидан кейин сал ўтмай у ҳам қазо қилган эканлар. Бобомнинг қабри Мироббоши қабрининг ёнига қўйилган экан.

Мироббоши уйида ижод билан, боғ юмушлари билан машғул бўлганлар. Бу воқеа ўрис босқинидан сал олдин бўлиб ўтган деб онам айтар эдилар. Қарилик «гаштини» суриб юрган Мироббоши Саройдан четлашиб, Хон хазратларининг саройида кам тилга олинадиган бўлиб қолган экан. Ҳатто унинг шогирди Муҳаммад Раҳимхони Соний (Феруз) ҳам давлат юмушлари билан бўлиб Устозидан бир-икки йил хабар олаолмай қолган эканлар. Бир куни дафъатан қишлоғидаги бой-бадавлат хонадонларнинг бирида тўй бўлиб қолибди. Бу туй базмига Хон хазратларнинг катта ҳурматиға сазовор, саройнинг ўша вақтидаги машҳур хонандаси Бекжон ҳофиз келармиш деган гаплар тарқалиб кетибди. Мироббоши тўй базмидан олдин бирров кириб чиқибди-да уйига қайтиб кетибди. Тўйга ташриф буюрган машҳур хонанда тўйда Мироббошига кўзи тушмаганлигини тўй эгасидан сўраган экан, шунда тўй эгаси Мироббошининг тўй бошланишидан

Раҳим I-(1806-1825) даврида Шовот канали нисбатан кичик ва унинг охириги нуқтаси ҳозирги Шовот туманининг Манок қишлоғи билан якунланган экан. Аслида Шовот каналини қазииш ишлари Анушахон даврларида бошланиб (XVII асрнинг иккинчи ярмида) биринчи босқичи Муҳаммад Раҳимхон I замонида тугалланган. Шовот каналининг II-босқичи бевосита олоқулихон (1825-44) даврида давом этдирилиб Муҳаммад Ризо Огаҳий унга бевосита раҳбарлик қилган.

олдин бирров кириб кетганлигини айтибди. Тўйдан кейин Сарой Хонандаси, махсус, Мироббошининг уйига кириб ҳол-аҳвол сўрабди ва «биздан на хизмат?» деб мурожаат қилибди. Шунда Мироббоши «Сиздан бир илтимосим бор. Сиз мана шу ғазални Феруз ашуласининг куйига солиб саройдаги базмлардан бирида Хон хазратларига ашула қилиб айтиб берсангиз» дебди. Хонанда «Хон хазратларининг ўзи басталаган куйига ўзи ёзган ғазалини айтмасам менинг бошим кетади. Устоз, бошқа ҳар қандай ишни буюринг, лекин, бу иш менинг алимдан галмас» - дебди. Шунда Мироббоши «сиз у томонидан кўркманг, жуда нари борса менинг буюрганлигимни айтинг, иншоолло ҳеч гап бўлмас» дебди. Хонанда, ноилож Мироббошининг қўлидан ғазални олибди ва ўз розилигини билдирибди.

Феруз саройида қаёқдандир келган меҳмонлар шарафига базм уюштирилибди. Базм, айна авжига чиққанда Хон хазратлари Бежон ҳофизга Феруз ашуласини айтишни буюрибдилар. Хонанда Мироббоши ғазалига Феруз ашуласини айта бошлабди. Ҳамма хайрон. Сарой аҳли жим бўлиб қолибди. Базмда қатнашганларнинг барчаси хон ғазабини кута бошлабди. Хон хазратлари босиқлик билан тинглай бошлабди. Ашулачи қўшиқ авжини «... эй Шох, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмонни – яхшини» деб бор овоз ила давом этдирибди.

Эй шох, қарам айлар чоғи тенг тут ёмону-яхшини

Ким, меҳр нурын тенг тутар вайрону-обод устина

Хоки-танинг барбод ўлур, охир жаҳонда неча йил

Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина

Бир оздан кейин қўшиқ «Не журъат ила Огахий...» деб охириги мисрасини ҳам тугаллабди. Сарой аҳли оғир сукунатда. Шох пастга қараб бироз жим қолибди. Бирдан «Худайчи, зар тўн келтир, хофизнинг зар тун буюриб хонанданинг устига ташла» - деб буюрибди ва «бундан кейин Феруз ашуласи Огахий ғазалига айтилсин. Бу менинг амрим» дебди ва сўнгра давом этиб «ҳамма шу ўтирганлар от-улови билан шайланинглари, қилиб қўйган

катта гуноҳимизни ювишга борамиз, бориб устозни кўриб қайтамиз» - деб буйруқ берибди.

Отам, бу байтларнинг маъносининг усмоқчалаб тушунтириб ҳам берган эди.

- Эй Шоҳ, қарам алар чоғи, яъни Мурувват, ҳиммат кўрсатаётганинда яхшини ҳам ёмонни ҳам тенг тут, ахир Меҳр (қуёш) вайроналар устига ҳам, обод жойларга ҳам тенг нур сочгани каби, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам ўз қарамингни дариғ тутма деган маъно келиб чиқар экан. Лекин бундай гапларни салтанат ҳукмдорига ҳамма ҳам айтаолмаган, бунинг уддасидан фақат Мироббоши чиққан экан. Ғазалининг охириги байтида бундай танбехона гапларни айтганлиги учун узр сўрагандек, лекин айтиш лозим бўлган гапларни айтишга журъат этганлигига ишора қилиб «Не журъат ила Огаҳий...» деб бошлаб байтни якунлаган экан. Бу гапларни онамга яъни сенинг момонга унинг отаси, бобом Аваз Мингбоши гапириб берган эканлар, - деб сўзини якунлаган эди.

Отам бир йилга етмасдан вафот этди лекин ҳар сафар отамни эсласам Феруз ашуласи қулоғим тагида янграйди ёки Феруз ашуласини эшитсам отам кўз олдимда гавдаланади.

Сўнгги пайтларда отам шархлаб берган байтнинг иккинчи мисраси менда яна бошқа хис-хаяжонларни туғдиришга сабабчи бўлаётир. Яъни энг қадимги даврларда қуёшни Меҳр (Митра) деб аташ расм бўлганлигини, Муқаддас Авесто китобидан бизга маълум. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний ҳам, ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида XI асрда ҳам қуёшга аталиб, 21-сентябрда ўтказиладиган «Меҳржон» байрами ҳақида ёзиб қолдирганлиги бизга маълум. Огаҳий ҳам қуёшни «Меҳр» атамаси билан тилга олганлиги ҳам мен учун ҳайрат манбасига айланди.

Умуман Огаҳий тилини илмий ўрганиш ўзбек тили ривожига муҳим озуқа бўлиб хизмат қилган бўлур эди. Аслини олганда буюк шоир асарлари таржималари, тарихий ёзмаларини тўплаб тўлиқ нашрини тайёрлаш вақти

аллақачон келган деб ҳисоблайман. Бу эса халқимиз маънавиятининг янада бойиши учун улкан ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди.

МОЗИЙГА БИР КУНЛИК САФАР

Тўғриси айтсам, ҳеч ҳам кутмагандим шунақа бўлишини. Наврўз ойининг илк кунларида Самарқанддек шаҳри азимга Тошкент шаҳар таълим ва Фан ходимлари касабалар уюшмаси томонидан бир кунлик саёҳатга мени таклиф қилдилар. Самарқандда кўп бўлганман. Хатто 1965 йил ёзида Регистон рўпарасидаги чойхонада бир кеча тунаганман ҳам. Ҳар гал йўл усти гоҳ бу тарихий обидага кириб, бошқа сафари унисини зиёрат қилиб ҳеч қачон бу азим шаҳардан қадамим узилмаган.

Лекин, ана шу йўл-йўлакай қилинган сафарлар Самарқанднинг бугунги яхлит қиёфасини бера оладими? Ўз-ўзимга савол бераман. «Йўқ албатта», - деган жавоб эса ҳаёлимда чарх уради. Охирги марта Самарқандда бундан 12-13 йиллар муқаддам бўлганимни эсладим. Мамлакат мустақиллиги йилларида юртбошимиз ташаббуслари билан шаҳарсозлик қурилишларида кескин юксалиш йиллари бўлганлигини эслаб ўтиш кифоя. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива каби дунё туризмнинг марказларига бўлган эътибор янада кучайди. Бунга мазкур шаҳарлардаги аэропортларнинг халқаро андозаларга мос равишда қайта таъмирланиши, дунёнинг исталган шаҳарларидаги энг кўркем меҳмонхоналари билан рақобат қила оладиган мухташам меҳмонхоналар қурилганлиги, Имом Ал-Бухорий мақбара мажмуи, йўллар кенгайтирилиб, хизмат кўрсатиш маданиятининг юксалганлиги ва шунга ўхшаш бошқа бир қатор ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриш иштиёқи пайдо бўлди.

Самарқанд шаҳрини қайта қуришга бўлган интиқлик бутун дунё сайёҳларида ҳеч қачон сусайган эмас. Бунга сабаб кўхна шаҳарнинг бутун Ўрта Осиёда илк шаклланган иккинчи цивилизация маркази бўлганлиги ва Буюк ипак йўли устида жойлашган буюк маънавият, тижорат ҳамда ўзига хос ишлаб чиқариш маданиятини яратганлиги, миллатимиз тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ салтанатлар маркази бўлганлигидир. Шунингдек

халқаро майдонда таниқли сиёсий арбоб, мустақил мамлакатимизнинг биринчи президенти, юртбошимиз И.Каримовнинг тавваллуд топган шаҳар сифатида ҳам Самарқанд бутун дунё сайёҳларини жалб этаётганлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи ҳам ортиқчадир.

Эндиликда йўл йўлакай кўриб, нигоҳ ташлаб ўтган меъморий кадриятларимизга жиддий ёндашиб, улар тўғрисида чуқур мулоҳаза юритиш вақти ҳам келганлигини зимдан хис қилиб, саёҳатга шайлана бошладим.

Менинг бу шаҳарга бўлган қизиқишимнинг яна бир боиси хали, Самарқанд шаҳрини умуман кўрмаган ўқувчилик пайтларимда Самарқанддаги ЎзДУ (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети)нинг тарих факультетини битириб келган ёш тарих ўқитувчимиз Қўзивой ака Бекметовнинг бу муаззам шаҳар ҳақида жуда қизиқарли ҳикояларни сўзлаб бергани ва бу ҳикоялар фақат менда эмас ҳамма тенгдошларимда ҳам бу афсонавий шаҳар тўғрисида жуда катта таассуротлар қолдирган эди.

Ундан ташқари, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида тахсил олаётган қизим Мохинурни ҳам Ватанимизнинг муқаддас жойлари билан таништиришни анчадан буён кўнглимга тугиб қўйган эдим.

Эрталаб айтилган ерга келдик. Биз яъни Архитектура ва Қурилиш институти ҳамда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ходимларига ажратилган "Мерседес" маркасидаги эллик ўринлик автобусга чиққанимизда тонг ёриша бошлаган эди. Автобусда Тошкент шаҳар ООО БИРЖ - туристик фирмасидан ажратилган вакил Анатолий Михайлович ҳамкорлик қилди. Юмшоқ ўриндиқларга яхшилаб жойлашиб олганимиздан кейин автобус кўзғалиши биланоқ Анатолий Михайлович йўл-йўлакай Тошкентимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништира бошлади.

Йўл кўрсатувчимиз Тошкентдан Самарқандгача бўлган табиий-тарихий ёдгорликлар, Сирдарё, Мирзачўл, Сардобалар тўғрисида гапириб қизиқарли маълумотлар билан зерикишга йўл қўймади. Тошкентдай шаҳри азимда ўсган болалар учун шаҳардан ташқаридаги ҳар қандай нарсга қизиқ бўлиб туюлиши

табиий. Шундан бўлса керак, университетимизнинг обрўли олималаридан Ў.К.Жалолова ўз наварасининг берган саволларига эринмасдан жавоб беришга ҳаракат қиларди.

Жиззах вилоятидаги табиий ва тарихий обида Темир дарвозадан ўтаётганимизда мени тарихнинг залворли хотиралари чулғаб, хаёлни олиб кочиб кетганини сезмай қолибман. Ахир, балки Доро 1-нинг босқинчи кўшинлари саклар юртига шу дарвоза орқали кириб боргандир. Балки, Искандар тарихда босқинчиларга қарши мисли кўрилмаган биринчи жиддий қаршилиқ кўрсатишни уddалай олган Уструшона ўлкасининг қаҳрамон кўзғолончиларини бостириш учун ғазабдан қизариб кетган юзини мана шу қояларга ҳам буриб ўтган бўлса ажабмас. Қорахонийлар ўзининг учқур отларига миниб, шамолдай елиб ўтганлигига мана шу қоялар тирик гувоҳдир.

Чингизхоннинг кичик отларга миниб олган сон-саноксиз кузгун аскарлари ҳам шу йўллардан ўтиб ўша даврдаги энг йирик шаҳарлардан бири Самарқандга хужум қилгани, аниқ. Мана, улуғ Темур кўшинлари темирдан ясалган қурол-яроғларининг жаранги қулоқларни қоматга келтириб ғарбдан-шарққа ва яна шарқдан-ғарбга неча марталаб ўтганлигининг шоҳиди бўлган мағрур қоялар кўз олдимизда ўз салобатларини кўз-кўз қилиб турибди.

Бирдан йўл бошловчининг "ана, хув анови қояда Улуғбекнинг Тўхтамиш устига 1445 йилда юриш қилганида ёзиб қолдирган ёзувлари бизнинг тарихимизнинг ўчмас ёдгорлиги сифатида авайлаб келинмоқда" деган сўзлари қулоғимизга чалинди. Йўл бошловчимиз баъзи (ноаниқликларга йўл қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Тўғри, Улуғбек ўз салтанатининг шарқий-шимолий чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун бўлажак куёви Абулхайрхонга қарши уч марта маваффақиятсиз юриш қилган. Лекин, омад Улуғбекдан юз ўгириб салтанатининг бир қатор ҳудудларини ўзбекларга "инъом" этгандан сўнггина тинчлик битими келишилган эди. Балки, ўз ватанининг бир қисмини қолган қисмларнинг тинчлик - осойишталигини сақлаш учун Абулхайрхонга беришга мажбур бўлган Улуғбек Самарқандга қайтишда Сангзор дарёси бўйидаги мана шу

харсанг тошларда, ултириб ғам-аламдан ёнаётган юраги таптини бир паст бўлсада дарёнинг муздек сувлари билан босгандир. Бу тошлар тарихнинг не-не фожеаларининг гувоҳи бўлмаган, дейсиз. Бу тинчлик сулхи кўпга чўзилмади. 1449 йил 27 октябрда падаркуш Абдулатифнинг яширин берган ишорасига мувофиқ ўз отаси, буюк олим ва ҳукмдор Улуғбекнинг боши танасидан жудо қилинганидан сўнг кўп ўтмай Абдуллатиф ҳам ўлдирилди. Темурий шахзодалар ўртасида тахт учун кураш авжига чиқади.

Бундан фойдаланишга ҳаракат қилган Абдулхайрхон 1451 йил февраль ойида Самарқандга юриш бошлайди. Бир ҳафта давомида эгасиз қолган буюк шаҳарни талон-тарож қилишга руҳсат этади. Лекин Хиротдан жуда катта кўшин Темур пойтахтини озод қилиш учун йўлга чиққанлиги ва у Бухорога яқинлашиб қолганлигини эшитган кўчманчилар зудлик билан Самарқандни тарк этиб Сирдарёнинг қуйи қисмидаги қароргоҳларига йўл оладилар. Абулхайрхон ўзи билан Улуғбекнинг 15 ёшлик кичик қизи Робия Султонбегимни ҳам ўзига канизак сифатида ўлжа олиб қайтган эди. Абулхайрхонда фарзанд йўқ эди. Робия Султонбегимдан бирин-кетин Кўчманчиҳон ва Суюнчхўжаҳон номли ўғиллар кўрди. Суюнчхўжаҳон кейинчилик Шайбонийлар ҳукумдорлиги даврларида Тошкентда қатор йиллар ҳоким бўлганлиги тарихдан маълум.

Тарихий хотираларга берилиб Самарқандга яқинлашиб қолганимизни билмай қолибмиз. Бу пайт узоқдан элас-элас кўринаётган Самарқанднинг умумий манзараси кўз олдимизда намоён бўлаётган эди. «Адажон, Самарқандга кириб келаяпмиз, шекилли», - деган Моҳинурнинг ҳаяжонли сўзлари қулоғимга чалинди.

Имом ал-Бухорий мақбараси

Автобус шаҳарга кирмасдан унга бурилиб текис йўлдан ўз тезлигини пасайтирмасдан йўлни давом эттирди. Йўл бошловчи "Имом ал-Бухорий" мақбарасига йўл олганимизни эълон қилди. «Тўғри қарор қилибди», - деб ўйладим. Чунки Самарқанддан шимолий-ғарб томонидаги Пойариқ туманига

қарашли ҳудудда жойлашган Ҳартанг қишлоғининг кўркига айланган мақбарани зиёрат қилишдан сафаримизни бошлаш ҳар томонлама қулай ва хайрлидир. Имом ал-Бухорий мақбараси тўғрисида ўз фанининг фидойиси бўлган яна ўша Қўзивой аканинг суҳбатлари эсимга келади. Айниқса, 80-йилларнинг бошларида мен билан қилган суҳбаотида талабалик йилларида Имом ал-Бухорий мақбараси билан боғлиқ бир воқеани гапириб берган эди.

1956 йил КПССнинг XX-съездида шахсга сиғиниш сиёсати қораланиб қисман бўлсада фуқароларга эркинликлар берилган эди. Ташқи сиёсатда ҳам мусулмон шарқ мамлакатлари билан дипломатик муносабатлар кучайтирила бошланган даврлар бўлган. СССР яқин шарқ можаросида араблар томонига ён босган ва уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борарди.

Ана шундай кунларда СССРга Ливан давлати парламентининг раҳбари, Ливан мусулмон жамоасининг муфтиси Надим ал-Жустур таклиф қилинади. Ҳурматли меҳмон СССР давлати раҳбарлари олдида бир шарт қўяди. Ўзининг зиёратини буюк муҳаддис олим имом ал-Бухорий қабрларини тавоб этишдан бошламоқчи эканлигини билдиради.

Давлат раҳбарлари қўл остидаги барча воситаларни ишга солиб Имом ал-Бухорийнинг қабри Ўзбекистонда Самарқанд вилоятига қарашли Ҳартанг (ҳозирги Пойариқ туманга қарашли) қишлоғида жойлашган эканлигини уч кундан кейин халиям Меҳмонхонада кутиб ўтирган Муфтий хазратларига хабар қилишади. Ўзбекистон раҳбарларига бундай мўътабар меҳмонни кутиб олиш кераклиги тўғрисида кўрсатма берилганида Республика раҳбарлари Имом ал-Бухорий мақбараси ниҳоятда хароб аҳволда эканлиги, уни эпақага келтириш учун энг камида 4-5 кун вақт зарур эканлигини айтиб жуда бўлмаса меҳмонни поездга солиб юборишни илтимос қилишади.

Меҳмонга Имом ал-Бухорий мақбараси жуда олисда жойлашганлигини, унга самолёт қатнови йўқ эканлигини баҳона қилиб поездда кетишга кўндиришибди. Меҳмон Москвадан Самарқандга келгунча

ўтадиган 5 кунлик вақт мобайнида Имом ал-Бухорий макбарасини эпакага келтириш учун бутун Самарқанд аҳолиси сафарбар этилганди.

Мен ҳам бундай ҳайирли ишда қатнашганман, - деб суҳбатни давом эттирганди ўшанда Қўзивой ака, - Университетимизнинг тарих факультет талабалари катори ал-Бухорий макбарасини тозалаганмиз. Ўшанда колхознинг минерал ўғитлари омборига айлантирилган экан. Бунинг устига макбара атрофи Самарқанд шаҳри аҳлатхонасига айлантирилган экан. Сурункасига бир неча ўн йиллар давомида ҳар куни аҳлат ағдарилгандан сўнг макбара ён атрофини қисқа муддат ичида уни бир ёқли қилиш анча мушкул эди. Куну-тун булдозерлар чуқур қазиб аҳлатни унинг ичига суриб текислаш билан овора бўлишарди. Зудлик, билан амал-тақал асфальт йўл қилинди. Лекин белгиланган вақт мобайнида улгуришнинг иложи йўқ эди.

Айтилган куни кундузи эмас балки кечкурун меҳмонни олиб келишди. Электр токи йўқ бўлганидан тўрт томонидан кучли прожекторлар ёрдамида ёритиб турилди. Бизга домлаларимиз яна бир оз кутиб туришни, меҳмон кетганидан сўнг шаҳарга қайтишимизни айтишди. Кечаси нимани кўриш мумкин, ахир. Кўпи билан бир-икки соатдан сўнг қайтишса керак деб ўйладик. Лекин, меҳмон Имом ал-Бухорий қабри устида эрталаб тонг ёришгунга қадар қуръон тиловат қилиб чиқди.

Биз ҳам тонг ёришгунга қадар тик оёқда туришга мажбур бўлгандик.

Эрталабки бомдод номозини ўқиб макбарадан ташқарига чиққан муфтий:

- ичингизда энг каттақони ким? - деб сўраб қолди кечаси билан тик оёқда турган оломонга қараб. Турганлар орасидан серсовлат бир киши ўртага чиқиб

- Мен, - деб жавоб берди.

- Сиз қайси лавозимда ишлайсиз? - яна ўсмоқчалаб сўради, ал-Жустур.

- Вилоят ижроия қўмитасининг раисиман.

- Сиз макбаранинг тақдирини ўз маъсулиятингизга олаоласизми?

- Агарда ола билмасангиз унда мана шу мақбара, унинг ён-атрофидаги тупроғи билан торозунинг бир палласига қўйсангиз, иккинчи палласига эса олтин тўкиб мувозанатга келтирсак-да мақбарани бизга сотсангиз.

- Мен ўз сўзимда тура оладиган кишиман. Агар менинг мол-давлатим етмаса мамлакатим халкидан ёрдам сўрайман. Агар у ҳам камлик қилса бутун дунё мусулмонларидан ёрдам сўрайман. Бутун ислом оламида Муҳаммад Саллоллоҳи айлайҳи Васалламдан кейин энг мўътабар зотнинг бу даражада ҳўрланишига бефарқ қарай олмаймиз.

Вилоят ижрокум раиси нима дейишини билмай ноқулай ҳолатда қолди. Ниҳоят ижроқўм раиси тилмочга мурожат қилиб:

- Бундай ваколат менда йўқ. Лекин бундан кейин алоҳида эътибор қаратишга ваъда бераман. Сизга маълумки Муфтий ҳазратлари, мамлакат яқиндагина уруш вайронагарчиликларини бошдан кечирди. Бунга етарли маблағ топишнинг имкони йўқ эди. Эндиликда мамлакатимиз тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги туфайли маданий ёдгорликларни таъмирлашга керакли маблағни ажратиш имкони туғилияпти.

- Сиз Имом ал-Бухорий мақбарасини оддий маданий ёдгорлик деб тушунаяпсизми? Бу мақбара бутун дунё мусулмонлари учун кабадан кейинги иккинчи буюк саждагоҳ-ку, ахир.

- Тушунаман, - деб ноилож қўлини кўксига қўйиб бошини ҳам қилганча дами ичига тушиб кетди ижроқўм раисининг.

Мен, - деб давом этган эди, Қўзивой ака - ўқишни битирганимдан йигирма йил ўтгандан сўнг Самарқандга бориб Имом ал-Бухорий мақбарасини суриштирган эдим. Аҳвол яна ўша-ўша экан, - деб ҳомуш тортган эди устоз, ўшанда.

Мана "Имом ал-Бухорий" мақбараси эндиликда қайтадан бунёд қилинган бўлиб ўзининг кўркемлиги, маҳобати билан жаҳон сайёҳларини ўзига жалб эта оладиган улкан зиёратгоҳга айланганлигини кўриб ич-ичимдан мамнун бўлганлигимни яшира олмадим.

Ҳашаматига кўра Мовароуннахр меъморий қурилиш анъаналарига хос бунёд этилган бу мухташам ёдгорликнинг аҳамияти беқиёсдир. Аввалом бор, юртимизда динга ва диний қадриятларимизга бўлган сиёсат тубдан ўзгарганлигини кўрсатса, бошқа томондан эса мусулмон дунёсида Муҳаммад алайҳи вассалламдан сўнг обрўли Муҳаддис олим бўлган буюк аждодимизнинг қабри тоталитар тузум ҳукумронлиги давридагидек ҳароб аҳволда қолиш мумкин эмас эди. Юртбошимиз И.Каримов ташаббуси билан бунёд қилинган бу мухташам мажмуанинг яратилиши рўйи-замин сайқали бўлмиш Самарқандда яна бир муқаддас зиёратгоҳ вужудга келганлигидан ва бу зиёратгоҳ бутун дунё сайёҳлари олдида юртимиз жозибасини янада оширишга хизмат этувчи масканга айланганлигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Мақбаранинг пештоқи олдида бир зум тўхтадик. Йўлбошловчимиз қилишимиз керак бўлган расм-расумлар тўғрисида ва Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи маълумотлар билан бизни таништирди. Албатта, бундай маълумотлар ниҳоятда жўн бўлиб, асосан, чет эл сайёҳлари ёки юртимизнинг узоқ-яқинидан келган зиёратчилар учун мўлжалланган бўлиб, айниқса, олий ўқув юрти ижтимоий фандан дарс берувчилар учун жуда содда туюларди.

Менимча, йўл бошловчи Бухорийнинг ҳаёти ва ижодининг умумий жиҳатларидан ташқари унинг Ислом дини ва таълимотининг такомиллашувида саҳиҳ ҳадисларнинг ўрни тўғрисидаги маълумотларини берса яхшироқ бўларди. Бухорий умрининг аксарият қисмини ўша пайтларда Ислом эътиқодининг марказлари деб ҳисобланган Макка, Мадина, Қуддус, Басра, Дамашқ, Боғдод ва бошқа бир қатор муҳим шаҳарларда ўтказиб, асосан, пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В юриши ва туриши, бирон бир воқеа ва ходиса тўғрисидаги айтган фикрлари тўғрисидаги ҳадисларни тўплаш ва уларни мантиқ қудрати орқали чин ва сохта ҳадисларга ажратиб асосли, мантиқ қонунларига дош берувчи саҳиҳ (ишончли) ҳадисларни бир китоб холига келтиришга бағишлади. Ул зотнинг қабрлари ҳам бугунги кунда

барча мусулмон дунёсининг нигоҳини қадимий суғд тупроғига қаратилишига сабабчи бўлиб турганлигининг ўзи ҳам «Буюклар тириклигида ҳам, ўлимидан сўнг ҳам ўз қавмига хизмат қилишдан тўхтамайдилар» деган пурҳикмат гапнинг тўғрилигини исботлаб тургандай туюлди, менга. Ахир, ислом таълимотини мантиқнинг залворли тўридан ўтказибгина уни янада ишончлироқ тарзда баён қилиш ва такомиллаштириш мумкинлигини ўз фаолияти орқали исботлай олган улуғ аждодимизнинг қабри ҳам миллий бойлигимиз, миллий қадриятимиз эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз кераклигини қизимга уқтирар эдим.

Муҳташам мақбарани айланиб чиқиб бу улуғ зот ётган қабрни тавоб этдик. У кишининг руҳига қуръон тиловат қилиб «қилинган ҳайр-эхсон мақбара мажмуини таъмирлашга сарфланади» деб ёзиб қўйилган қутига ўз кўнглимиздан чиқариб ҳайр-эхсон қилдик. Бир неча жойдан отилиб чиқиб турган муқаддас булоқда юз-қўлимизни ювиб идишларга унинг шифобахш сувидан тўлдириб ҳам олдик.

Гўри Амир

Ва ниҳоят қизим интиқиб кутаётган Гўри Амир мақбараси олдида келганимизда кўз олдимизда эски ярим вайронага айланган пештоқидан кўпгина ёзувлар ва нақшлар тушиб кетган мақбара ўрнида гўёки янгидан бино этилган муҳташам архитектура ёдгорлик мажмуи қад кўтаргандай тассурот қолдиради, кишида. Мақбаранинг гир аторфи мақбара пойдевори даражасигача қазиб олинган. Мақбара қурилган давридаги асослар яна очилиб таъмирдан чиқарилган.

Бу мақбара тўғрисида илк маълумотларни биз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур асари "Бобурнома"да шундай сатрларни ўқиймиз. "Темурбекнинг набираси Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанднинг Тош қўрғонида чақарда бир Мадраса солибдур. Темурбекнинг қабри ва авлодидан ҳар кимса Самарқандда подшолик қилибдур, аларнинг қабри ул мадрасададур". Бобурнинг берган маълумотларига қараганда... мақбара ҳовлиси дейилган жойнинг икки ёнида

Муҳаммад Султон томонидан курдирилган Мадраса ҳамда ҳонакоҳ бўлганлиги маълум бўлади.

Мадраса ва ҳонакоҳ чорси ҳовлининг шарқ ва ғарб томонларини эгалланган, - деб ёзади машҳур меъморий обидалар тарихи билан шуғулланган олим П.Ш.Зоҳидов. - Ҳовлининг жанубида баланд гумбазли макбара биноси жойлашган. Бу макбарага Темур, унинг ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух, набиралари Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқалар дафн этилган. (П.Ш.Зоҳидов. Меъмор санъати. Тошкент, 1978, 74-бет).

Макбара ичига жануб томондаги 1424 йилда Улуғбек курдирган далон орқали кирилади. Макбара ичкараси чортоқ унинг устида монументал ёзувли хошиялар ва ички гумбаз бор. Ташқи пилтовор гумбаз баланд чамбарак гумбаз поясига ўрнатилган. Макбара саҳнига қабр тошлар қўйилган, уларнинг ости саккиз қиррали тағхона-сардоба бўлиб, марҳумлар ҳоки жойлашган. Юқоридаги ҳашаматли зални одатда зиёратхона деб аташади. Зиёратхонанинг қадди тик, безаклари аксар олтин ҳал билан пардозланган.... Айниқса олтин ва кумуш қандиллардаги шамчалар ёнганда зиёратгоҳ ичкараси қандайдир улуғвор ва афсонавий тус олади.

Макбарадан сал тепароқдаги маҳаллада тўй базмидан келаётган, мусиқа садолари билан Гўр-Амир пештоқларига чизилган нафис бўёқларнинг сирли жилоси гўё ўзаро чирмашиб кишида ажиб бир ёқимли таассуротнинг туғилишига имкон берувчи муҳитни яратаётгандай.

Самарқанд шаҳри туризм ташкилотларидан бизга янги йўл бошловчи ёши 35-40 ларга борган буғдой ранг, сал тўладан келган чиройли аёл юборилган экан. У макбаранинг қачон қурилгани, унинг таъмирланиш тарихи, сўнгги бор буюк Бобурийлар сулоласининг ҳукумдорларидан Аврангзеб (Шоҳжаҳоннинг ўғли, шоира Зебунисонинг отаси) томонидан таъмир этилгани тўғрисида тўлқинланиб гапириб берди.

Соҳибқирон Амир Темур умрининг охириларида салтанат тахтига меросхўр (валиахд)ни ўғиллари ва неваралари орасидан излай бошлади.

Валиаҳдликка мўлжал қилиб юрган катта ўғли Жаҳонгир Мирзо 1376 йилдаёқ ўлиб кетди. Лекин севимли катта ўғлидан қолган набираси Муҳаммад Султонга умид боғлаганди. Чунки у набираси ҳақиқий чингизийлар авлодига мансуб деб ҳисобланади. Темур тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони Олтин Ўрданинг улуғ хони Ўзбекхон (тўлиқ исми Ғиёсиддин Муҳаммад Ўзбек)нинг невараси Суюнбикага уйлантирган эди. Гап шундаки Хоразм ҳукмдорларидан бири Оқ Сўфининг¹ хотини Ўзбекхоннинг қизи Шакарбека бўлиб Суюнбика эса унинг қизлари эди. Суюнбика она томонидан Чингизхон авлодига мансуб бўлиб хонзодаларга тегишли бўлган. Шунинг учун ҳам катта ўғли Жаҳонгир Мирзо Чингизхон авлодларига куёв бўлганлиги ва "Кўрогон" номи билан ҳокимиятни бошқаришга ҳуқуқи бор деб ҳисобларди. Амир Темур ва Муҳаммад Ўзбекхон (тахм. 1293-1342) фарзанларидан бўлган набираси Муҳаммад Султон эса нафақат ҳокимиятни хон номидан бошқариш, балки, ўзи Хон уруғидан келиб чиққанлиги туфайли хон номини олиш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланган Жаҳонгир Мирзо ўлганидан сўнг Суюнбикага Амир Темурнинг учинчи ўғли Амироншоҳ (Мироншоҳ) уйланган. Улар никоҳидан Ҳалил Султон туғилган эди. Ҳалил Султон Темур вафотидан кейин (1405-1409) то Улуғбек ҳукмдорлигига қадар Самарқанд тахтини эгаллаган эди.

Шунинг учун ҳам Темурнинг бор умиди Муҳаммад Султон² бўлаганлиги туфайли ҳам Соҳибқирон ўзининг кўп йиллик урушлари даврида Самарқанд тахтига вақтинча Муҳаммад Султонни қолдирар эди. 1402 йил Ангор (Анқара) жангидан олдин Муҳаммад Султонни Самарқанддан ўз қароргоҳига чақиртириб олади. Муҳаммад Султон машҳур тарихий жангда қатор қаҳрамонликлар кўрсатиб бобосининг ишончини янада бир карра оқлаган эди.

¹ Хоразмда сўфилар сулоласи Ўзбекхон даврида шаклланади. Нажмиддин Кубронинг издоши ва кубровия тариқатининг машҳур шайхларидан бири Нўмониддин Хоразмий Ўзбекхонни 1302-1312 йилларида тарбиялаган. Муҳаммад Ўзбек Олтин Ўрдага хон (1312-1342) бўлганидан кейин Улуғ хонга яқин ақраболарнинг кўпчилиги шайх Нўмониддин Хоразмийга мурид тушганлар. Хоразмда муридларни сўфилар деб аташ расм бўлган. Сўфилар Ўзбекхоннинг энг яқин ва ишончли кишилари ҳисобланганлар.

² Баъзи муаллифлар Маҳмуд Султон деб қайд қиладилар. (Қаранг, Е.Бергзиков. Святые лики Туркестана. - Ташкент, 1992. 107-132 с.)

Соҳибқирон Муҳаммад Султонга чингизий Ҳулағухонлар ҳукумронлик қилган ғарбий Эрон, Кавказ Орти, Ироқ ва Шарқий Анадули ўлкаларини топширмакчи эди. Лекин Муҳаммад Султон бобоси Темур қароргоҳидан Самарқандга қайтишда йўлда касалликдан вафот этади.

Суюкли набирасининг ўлими Темурни ларзага солади. Урушдан қайтиб келиши (1404 й. ёзида) биланоқ Муҳаммад Султон қабри устига мақбара қуришга фармон беради. Мақбара жаҳонда тенги йўқ бўлиши керак эди. Мақбара қурилиши керак бўлган майдон танланиб зудлик билан қурилиш бошлаб юборилади. Мақбара қурилиши шу даражада жадаллик билан олиб борилдики инсоният ҳали шу пайитгача бундай суръат билан олиб борилган бошқа биронта қурилишнинг гувоҳи бўлмаган эди.

1404 йил июл ойида бошлаган мақбара қурилиши октябр ойининг охирларига келиб мақбара ичига қурилган қабрга Муҳаммад Султонинг жасади қўйилди. Тўрт ойдан сўнг эса набирасига аталган мақбара ичидан Соҳибқирон ҳам ўз умрининг охирги манзилини топган эди (1404 йил 18 февраль куни вафот этган эди).

Темур жасади қабрга қўйилган кун Самарқанд тарихида ҳеч учрамаган ҳодиса бўлиб берган эди. Соҳибқирон ўзининг қарийиб 35 йиллик урушлари даврида олиб келинган қуллар ва асрларга озодлик берилган эди.

Ўлиmidан олдин Амир Темур ўзининг қабрини улуғ пири Мир Сайд Барака оёғи томон қўйишларини васият қилган эди. Мир Сайд Барака пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В.нинг авлодларидан бири бўлиб, у 1370 йилда Маккадан Каъбани зиёрат қилувчилар фойдасига вақф ерларидан олинган фойданинг бир қисми ушур ва закот йиғиш мақсадида Мовароуннаҳрга келган эди. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида керакли маълумотларни ёзиб қолдирган.

1370 йилда Амир Хусайн билан Амир Темур ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтади. Хусайн тўла мағлубиятга учраганидан сўнг у Амударёнинг чап соҳилига чекинади. Соҳибқирон Амир Хусайнни тақиб

килиб Термиз шаҳридан уч фарсах (тахминан 20-25 км) наридаги Бия кишлоғида Мир Сайд Барака билан учрашиб қолади.

Унгача Амир Хусайн билан учрашган ва ундан ҳеч қандай ёрдам олаолмаган Мир Сайд Барака ёрдам сўраб Темурга мурожаат қилган эди. Ёшлигидан ислом эътиқодига ҳурмат руҳида тарбияланган Темур унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Темурнинг бу ишидан мамнун бўлган Сайд Барака ҳукмдорларга ёрлик ўрнида бериладиган ноғора (барабан) ва мусулмонларнинг яшил байроғини инъом этган эди.

Амир Хусайннинг охири қароргоҳи бўлган Балх шаҳрини забт этган Темур туркий қавмларнинг бошлиқлари (вакиллари) йиғинида ва бу маросимда қатнашган Термиз шаҳрининг шайхлари ҳамда Мир Сайд Барака ташаббуси билан Соҳибқирон оқ кийгизга ўтқизиблиб султонлик унвонига сазовор бўлган эди. Шундан буён Мир Сайд Барака Темур қароргоҳининг энг азиз меҳмони, маслаҳатчиси бўлиб қолган эди. Ундан ташқари Сайид Барака Темурнинг ғолибона юришларини рухан қўллаб-қувватлаб, дини исломнинг улуғ хомийси бўлган Соҳибқирон сиёсатини ёқлаб чиқарди.

Қисқаси, Мир Сайд Барака Темур хонадонининг маънавий хомийсига, улуғ пирига айланиб улгурган эди. Темур ҳам Сайид Баракадан ўз химматини аямасди. Ибн арабшоҳ ўзининг "Амир Темур тарихи" китобида Темур билан Мир Сайид Барака муносабатларига оид бир эпизодни келтиради. Мир Сайид Барака ўлимидан сал олдин (1403) Қорабоғдаги Темур Қароргоҳига ташриф буюради. Соҳибқирон пирини кутиб олиш учун ўз чодиридан ташқарига чиқади ва Мир Сайд Баракани бағрига босиб Муҳаммад Султоннинг ўлимидан изтиробга тушиб йиғлай бошлаган. Сайид Барака ҳам бошидан салласини олиб Соҳибқироннинг дардига шерик эканлигини билдириб кўзидан дув-дув ёш оқизганини ва Темур пири билан кучоқлашган холда, хўнграб йиғлашганлар.

Бу Мир Сайид Барака билан Темурнинг охири учрашуви бўлган. Шундан сал ўтиб Мир Сайид Барака ҳам вафот этади. Унинг қабрини

Соҳибқирон буйруғига кўра Андхой шаҳри қабристонларидан бирига вақтинча дафн этилади.

Соҳибқироннинг васиятига кўра Темур жасадини қабрга қўйилганидан сўнг пири Мир Сайид Бараканинг жасадини ҳам Андхойдан Самарқандга олиб келинади. У ҳам Муҳаммад Султон мақбарасига Амир Темурнинг бош томонига қўйлади. Улуғ пирнинг руҳи мана қарийиб олти асрдан буён Жаҳонгир қабрининг осойишталигини таъминлаб тургандай гўё. Сайёҳлар бу осойишталикка барҳам бериб Соҳибқирон руҳини безовта қилган ҳар кимсани беаёв жазолашга шай бўлиб турган пири комил Мир Сайид Бараканинг қабрига ҳам эҳтиром билан назар ташлаётгандай туюлди менга.

Ҳақиқатан ҳам Жаҳонгир Амир Темурнинг руҳи шу ўтган олти аср мобайнида икки марта безовта килинган эди. Соҳибқирон сағанасининг қопқоғи (саркофаг) қилиб қўйилган тўқ яшил рангдаги нефрит тошидан ясалаган плита (тош тахта)нинг бир неча бўлакка бўлиниб кетганлиги сайёҳлар диққатини тортаётганлигига эътиборни қаратдим. Йўл бошловчидан чет эл сайёҳларидан бири бу ҳақида сўраганида у (йўл бошловчи) Нефрит тош қопқоғи сағана устига қўйилаётганидан беҳосдан тушиб кетиб синган бўлса керак деб дудукланиб жавоб берди. Гап шундаки, Темур сағанаси устига қўйилган бу нефрит тошининг ҳам ўз тарихи бор эканлигидан кўпчилик беҳабар эканлиги, ҳатто бундан йўл бошловчи ҳам мустасно эмаслиги маълум бўлиб қолган эди.

Нефрит тоши азал-азалдан Хитой императорларининг хазинасидаги энг қимматбаҳо тош сифатида эъзозланиб келинган эди. Бу тош ўзида мўжизакор қудратни мужассамлаштирган деб, ҳисобланар ва унга сеҳрли тош сифатида сажда қилиб келинган. Нефрит тошининг қисқача тарихини Е.Березиков биз юқорида тилга олиб ўтган китобида келтириб ўтади¹. Чингизхон Хитойга юриш қилганида бу тошни қўлга киритиб ўзи билан олиб кетганди. Чингизхон вафотидан сўнг салтанат парчаланиб кетди. Чингизхоннинг ўғиллари ўртасида салтанат ҳудудлари мулк қилиб бўлиб берилди. Хоқонинг

¹ Березиков Е. Святые лики Туркестана. Ташкент, 1992. -117-120 с.

иккинчи ўғли Чигатой мулкига Шарқий Туркистон, Мўғилистон ва Мавороуннахр ҳамда Хоразмнинг Жанубий - Шарқий қисми киради.

Чигатой отасининг хақиқий меросхўри сифатида жуда катта мавқега эга бўлган. Чигатойнинг невараси Кепакхон даврида бобосидан қолган мулкни бошқариш қулай бўлишлигини назарда тутиб пойтахтни Еттисувдан Нахшаб шаҳрига кўчиради (1309). У ерда дабдабали сарой курдиради. Саройнинг қабулхонасида ўзига Чингизхон томонидан Хитойдан келтирилган Нефрит тошидан тахт ясаганди. Хон саройини мўғулча "Қарши" деб аташган. Эндиликда, Нахшаб шаҳрини Қарши деб аташ расм бўла бошлади.

Темур бу ажойиб тошнинг Қарши шаҳрида борлигини билар эди. Қаршини забт этиб тўқ-яшил тошни Самарқандга олиб кетишни ҳам ният қилган. Лекин Хон саройида тошни топиша олмади. Тош сирли равишда ғойиб бўлган эди. (Аслида, мўғиллар "бу тош кимнинг қўлида бўлса давлат ҳам унинг қўлида бўлади" деб ишонган ва тошни яшириб қўйганлар). Амир Темур вафотидан сўнг Самарқанд тахти учун кураш бошланиб кетган пайтда Мўғулларнинг Барлос ва Жалойир қавмлари томонидан 1409 йилда Қарши шаҳри босиб олиниб мустақил мўғул давлати барпо этилади.

Бироқ, бу давлат 1425 йилда Улуғбек қўшинлари томонидан забт қилинади. Саройдаги хон тахтини бегаб турган нефрит тошини Самарқандга олиб келтириб, Улуғбек бобосига қабр тоши қилиб қўйишни буюради. Тош (санг)тарошлар томонидан силлиқланиб санъат даражасига кўтарилган арабча ёзувлар билан безатилди. Унда амир Темур Ибн амир Тарагай Ибн амир Бергул Ибн Айланкур Ибн Тутумтин ... бешинчи авлоди орқали Чингизхон билан қариндошлик ришталари боғланган деб қайд қилинади. Аслида эса барлос уруғидан чиққан кичик амирлар шажараси Чингизхон авлодига бориб тақашларини уларнинг давлатни қўлга олиб ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи учун зарур бўлган.

1736 йилда Эрон тахтини эгаллаган туркий қавмга мансуб бўлган ва жаҳонгирлик даъвоси билан чиққан Нодиршоҳ, қисқа давр ичида ён-

атрофидаги давлатларни бирин-кетин забт этабошлади. Самарқандни эгаллаб уни талон-тарож қилган Нодиршоҳ Темур қабри устига қўйилган нефрит тошига қўзи тушиб қолади. У бу тошни салтанат пойтахти Машҳад шаҳрига олиб кетишга фармон беради. У яна шарқ санъатининг нодир дурдонаси бўлган Бибихоним мақбрасининг икки табақали дарвозасини бузиб олиб кетишни ҳам буюрган эди.

Машҳад шаҳрига олиб келинган дарвоза ва нефрит тошини қабул қилиш маросимида Нодиршоҳ, Темур руҳини тинчлантириш мақсадида фотиҳага қўл тортиб: "Бутун Жумла Жоҳон менинг қўлимда чарх уриб айланмоқда. Баъзилар эса нефритдан қабр тоши ясатиб ўз сағанасини безатибдилар. Биз эса бу тошни оёғимиз остидаги полга айлантирамиз. Баъзи қисмларидан эса пойтахтимиздаги муқаддас қасрларнинг деворларини безашга ишлатамиз" дея ғурурланиб гапирганлиги тўғрисида тарихчилар ёзиб қолдирганлиги ҳам маълум.

Нодиршоҳ, ўзини буюк Жаҳонгир деб ҳисобласада у буюк соҳибқироннинг руҳидан хавотирланар эди. Бир куни кечаси тушида улуғ пир Сайид Бараканинг арвоҳи келиб унга соҳибқироннинг руҳини оёғ-ости қилганлиги учун қасос олинажагини айтибди. Даҳшатга тушган Нодиршоҳ эрта билан Сарой мунажимларини чақириб юлдузлар ҳолатини аниқлашни буюрибди. Нефрит тошини яна Самарқандга олиб бориб Соҳибқирон қабрига ўрнатишга фармон берибди. Бу сеҳрли нефрит тошни Машҳаддан Самарқандга олиб қайтишида эҳтиётсизликка йўл қўйилиб қўлдан тушириб юборилади ва сеҳрли тош тўрт бўлакка ажралиб кетади. Нефрит тоши бўлакларга бўлиниб кетган бўлсада у ўзининг улуғворлигини, нафислигини ва сеҳрли жозибасини йўқотмагандек туюлди менга.

Нодиршоҳ эса кўп ўтмай ўзининг сафар чодирда фитнанинг қурбони бўлиб, қариндоши Али Қули Мирзо томонидан чавақланиб ташланади. Одамлар эса Соҳибқурон руҳини чирқиратганлиги учун Нодиршоҳ Амир Темур қарғишига учради деб ишонганлар. Пири комил Сайид Баракани

Темур ва темурийлар ҳилхонасининг ашадий ҳимоячиси эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун яна бир воқеани эслаб ўтиш кифоя.

Мустақилигимизнинг дасталабки даврларида ўзбек ҳужжатли фильмлар студиясининг асосчиларидан бири Малик Қаюмовнинг зангори экран орқали сўзлаган суҳбати эсимга келади. Ўшанда машҳур режиссёримиз 1941 йил июнь ойининг ўрталарида Амир Темур қабрини очиш тараддудларида қатнашганлигини гапириб берганди. Темур қабрини очишда рус олими Лев Ошанин, машҳур антрополог олим ва ҳайкалтарош М.М.Герасимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Қори Ниёзий ва бошқа бир неча масъул кишилар қаторида у ҳам қатнашган экан.

18 июнь эрталаб очишга тараддуд кўраётганимизда, - деб давом этганди зангори экран орқали, Малик Қаюмов, - Гўри Амир мақбарасининг рўпарасидаги чойхона сўрисида ўутирган уч-тўртта чоллар мени имлаб ўз ёнига чақирдилар. Улардан бирининг қўлида арабча ҳарфларда битилган қандайдир бир эски китоб ҳам бор эди. Чоллар мендан ўсмоқчалаб нима тараддуд кўраётганимизни сўрашди. Шунда мен Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиллиги муносабати билан Марказқўм қарорига мувофиқ ўша давр руҳини яхшироқ тасаввур қилиш мақсадида Темур қабрини очмоқчи эканлигимизни айтдим. Қўлида китоб ушлаган чол асло ундай қилиб бўлмаслигини, бўлмаса фалокат бошланишини айтиб китобнинг керакли жойини очиб ўқиб берди. Китоб форсча ёзилган, лекин отахон ҳар бир сатрни ўқиб, ўзбекчага ўгириб айтиб берган эди. Китобда агар Темур қабрини очиб саркарда руҳи безовта этилса уч кун ичида уруш бошланади дейилганди. Ўшанда Малик ака шу китобнинг номини сўраб олмаганлигидан ҳалиям пушаймон эканлигини гапирган эди.

Уруш қабр очилган кундан уч кун ўтиб улгурмасданоқ бошланган эди. Бу тасодифми? Ёки ҳодисалар тизимининг моҳиятини очиб берувчи қонуният. Балки, ҳодисалар тизимини инсон мантиғи орқали тафтиш қилиб илғаб олинмайдиган, янада улуғвор кенгликлардаги ҳодисалар боғланишларининг сирини англаш имкониятини берувчи қандайдир алоҳида

кишиларгагина насиб этадиган, миқёси кенгроқ мантиқ қонуниятлари ҳам борми? Бўлмаса, Нострадамус башоратлари, Ванга кароматларининг сири нимада? Ҳақиқатан ҳам саволлар кўп, лекин уларга тажриба ва инсон мантиғи синовидан ўтган билимлар орқали қониқарли жавоб ҳалигача йўқ.

1941 йил Темур қабрининг очилиши билан боғлиқ ҳолда воқеага тўхталиб ўтадиган бўлсак унда кўпгина жумбоқларга аниқлик киритилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Масалан: Соҳибқироннинг бўйи 167 см. бош чаноғининг ҳажми эса ўртача одам бош чаноғидан кўра каттароқ бўлганлиги (яъни 1668 куб.см.) маълум бўлади. Атрополог олим проф. Л.В.Ошанин ва М.М.Герасимовларнинг берган маълумотларига кўра Соҳибқирон кенг елкали, йирик суякли, бақувват мускулларга эга одам эканлиги аниқланди.

Темур скелетининг (суяқларининг) кимёвий ва рентген нурлари ёрдамида текширилганда проф. Н.А.Богоразнинг хулосасига кўра Соҳибқирон болалигидан бошлаб чап оёғининг тиззаси суяк сили билан оғриганлиги тасдиқланди. Тарихда "Оқсақ Темур" ёки "Темурланг" номи билан бекорга машҳур бўлмаганлиги энди маълум бўлган эди.

Темурланг қабри билан боғлиқ яна бир муаммога ҳам аниқлик киритилди. Кўпгина адабиётларда Соҳибқироннинг жасади пўлат тобутга қўйилган деган фикр кенг тарқалган. Қабр очиб қўрилганда эса тобут тут ёғочидан ясалганлигига иқдор бўлишди. Яна шунингдек Улуғбек қабри очилганда эса тарихчи олимлар томонидан гапирилиб келинган ҳодиса ҳақиқатда ўз тасдиғини топди. Яъни, Улуғбек ўз кийими билан (шаҳид) қўмилганлиги ва боши танасидан ўткир тиғ билан олиб ташланганлиги маълум бўлади.

Улуғбекнинг фожиали ўлими тафсилоти билан боғлиқ турли фикрлар матбуотда тез-тез кўзга чалиниб туради. Гарчи, Улуғбекнинг ўлимида Хўжа Ахрорнинг қўли бўлмаган бўлса ҳам лекин ўша давр диний мутаассибларининг қўли борлигини инкор этиш бефойдадир. Чунки, фожеа

тафсилоти ҳақида тарихий далиллар мавжуд бўлиб уни хаспушлашнинг асло иложи йўқ.

Фожеа шундай содир бўлганди. 1449 йил 25 октябрь Рамазон ойининг еттинчи кунида Улуғбек янги хукмдор ўғли Абдуллатифдан Маккага ҳаж қилишга рухсат олади.

Бу вақтда собиқ хукмдорга ашаддий қарши бўлган қора кучлар ўч олиш пайида фитнага ҳозирлик кўришди. Темур ва темурийлар салтанатни ўзлари кўйган қўғирчоқ хон номидан бошқарар эдилар. Улуғбек ва Абдуллатиф даврида ҳам Чингиз авлодидан Муғлуқ исмли мўғилни хон тахтига ўтказиб кўйилган эди.

Абдуллатиф ҳокимиятни қўлга олганидан сўнг Хонга арзи - додини айтиб келганлар орасида Аббос исмли девсифат йигит ҳам бор эди. Улуғбек унинг отасининг ўта золимлиги учун ҳам ўлимга ҳукм қилганди. Абдуллатиф отасининг ўлимига сабабчи бўлишдан ҳадиксираб қўғирчоқ хон Мўғлик саройида фаолият кўрсатаётган уламолар кенгаши ихтиёрига топширади. Уламолар кенгаши хукмдор истагани ҳам инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиши керак эди. Бу даҳшатли манзара адабиётларда шундай баён қилинади¹.

- Ушбу йигит падари бузрукворининг хунини сўраб келибтур. Бу хусусида не дерсизлар? - сўрайди аълам домла.

Низомиддин Хомуш ва имомларнинг кўпчилиги Аббоснинг даъвосини қувватлаб гапирдилар. Қози калон Шамсиддин Муҳаммад Мискин эса уларга қарши чиқади. Имомлар сўзларида қаттиқ туриб оладилар. Аълам биринчи бўлиб Улуғбекни қатл этиш тўғрисидаги фатвога муҳрини босади, бошқалар ҳам лом-мим демай муҳрларини қўядилар. Шамсиддин Муҳаммад Маскин² эса фатво хатида бурилиб ҳам қарамайди. Аълам остонада тиз чўкиб турган Аббосга хатни (фатво қоғозини) узатади:

¹ Тўлқин Ҳайит. «Улуғбекнинг ўлдиришида Хўжа Ахрорнинг қўли борми?» Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироклар (мақоллар тўплами); Тошкент, 1994, 250-251 бетлар; шунингдек акад. Б.Ахмедов. Улуғбек (эссе), Тошкент. 1989 й. 142-208 бетлар.

² Шамсиддин Муҳаммад Мискин ҳам Улуғбек ўлиmidан уч кун ўтганидан сўнг заҳарлаб ўлдирилган.

- Мана, ўғлим, ол. - Худо биз осий бандаларни ўзи кечирсин!

Ҳаж сафарига отланган Улуғбек ўзида йўқ хурсанд эди. Самарқанддан чиқар-чикмас Абдулатифнинг йигитларидан бири уларнинг ортидан етиб келиб бирор ободон ерга олиб бориб туришини тайинлайди. Бунинг сабабини суриштирганларга: "Мирзо Улуғбек подшоҳ эрур, ул зоти олийларининг ҳаж сафари зўр дабаба билан кечмоғи лозим", деб айтади. Лекин унинг ташвишли юзи Улуғбекнинг ҳамроҳлари юрагига ваҳима солади.

"Аъло Ҳазратларининг фармони олийини" Улуғбекка етказадилар. Улар яқин орадаги қўрғончага тушадилар. Улуғбек олов ёқишни буюради. Олов гуриллаб ёнганда, чўғ учкуни унинг пўстинига келиб тушади ва четини куйдира бошлади. "Аҳвол не эканини сен ҳам билдинг - а", дея Улуғбек енги билан чўғни ўчиради. Шундан кейин унинг кайфияти тамом бузилади, оғир-оғир тин олиб, изтироб чека бошлайди, ҳатто суюкли кичик ўғли Абулазизнинг ҳол-аҳволини сўраб суриштиради.

Аббос шериги билан кириб келганда, Улуғбек нима гаплигини дарҳол тушинди. Сапчиб ўрнидан туриб унинг кўкрагига мушт солади. Аббос орқасига тисарилади. Лекин шериги орқадан келиб Улуғбекнинг пўстинини ечиб олади. Аббос арқон олиб келиш учун ташқарига чиқиб кетади. Улуғбек таҳорат олишга улгуради. Кейин унинг қўл оёғини боғлайдилар ва ташқарига судраб олиб чиқиб, машъала ёниб турган дарахт остига тиз чўктиришади. Аббос қиличини ялонғочлаб Одил ва маърифатли ҳукмдорнинг бошини танасидан жудо этади.

Афсуслар бўлсинки, Улуғбекка ҳамроҳ бўлганлар бурчак-бурчакларга яшириниб кулоқ эшитмаган ёвузликка томошабин бўладилар¹.

Улуғбек ўз даври жаҳолатининг қурбони бўлди деймиз. Аббос жаҳолат эмас бу ерда у жоҳиллар ҳукмининг ижрочиси, холос. Жаҳолат - тахт учун отасини қурбон қилишга шайланган Абдуллатифнинг иродасини амалга оширган ўша давр дин пешволарининг жамиятдаги тўла ҳукмронлик муҳитидир. Абдуллатиф фармони асосида эмас, балки қўғирчоқ хон

¹ Ўша ерда.

хузуридаги уламолар кенгаши фатвоси билан амалга оширилган бу хунрезликнинг тагида дунёвий илмларнинг ҳомийсидан тезроқ, қутилишга бўлган кучли интилиш ётганлигини асло ҳас-пушлаб бўлмайди, деб ўйлайман.

Менимча, Улуғбекнинг фожеали ўлими Ўрта аср Шарқида дунёвийликка бўлган интилишнинг якун топганидан далолатдир. Улуғбек томонидан жорий этилаган мадрасаларда дунёвий илмларнинг ўқитилиши масаласи ҳам эндиликда кун тартибига қўйилган эди.

Гарчи, Улуғбек вафотидан сўнг дунёвий илмлар маркази бўлган расадхона Абу Сайд Мирзо ва бошқа темурий шахзодалар ҳумронлиги даврларида 1492 йилгача фаолият олиб борган бўлса ҳам олдинги мавқеини тиклай олмади. 1492 йилда эса расадхонадаги илмий-тадқиқот ишлар бутунлай барҳам топди. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида дунёвий илмлар таназзулга юз тутди. 1566 йилда эса Бухоро хони Абдуллахон даврида барча мадрасалардан дунёвий фанларни ўқитишни олиб ташлаш тўғрисидаги фармон қабул қилинди. Дунёвий илмларга нисбатан бундай муносабатларнинг қарор топиши марказий осий халқларининг дунё тараққиёти жараёнидан бутунлай узилиб қолишига олиб келган эди.

Улуғбек расадхонаси ўз фаолиятини тўхтатган йили эса Оврупода янги типдаги маданий юксалиш қарор топа бошлаганлигининг тасдиғи сифатида Христофор Колумб томонидан (яна ўша 1492 йилда) Америка қитъаси кашф этилди. Эндиликда Оврупода католик черкови зулми (цивилизацияси)дан хурфигрли кишиларнинг қочиб паноҳ топишига имкон топилган эди. Яъни бир томондан Шарқда илм Фан таназзулига юз тутаётган бир пайтда илмий тафаккур тараққиёти эстафетасини ғарб эгаллаётган пайт эди.

Қаранг, Шарқда дунёвий илмларнинг сўнги машҳур намоёнчаси Али Қушчи, ғарбда ўзининг буюк кашфиёти билан ғарб оламида дунёвий илмлар ғалабасини таъминлаб берган Николай Корпеник эндигина бир ёшга қадам қўйганида (1474) вафот этганлигида ҳам рамзий маъно борга ўхшаб кўринади менга. Ғарб кекса донишманд Шарқнинг буюк илмий анъаналарини қабул

қилиб ўзининг муносиб ворис эканлигини исботлашга киришган тарихий бир давр эди. Яъни эстафетани ғарбликлар халқимизнинг буюк аجدодлари, буюк Самарқандлик алломалар қўлидан олаётган давр эди.

Улуғбекнинг қабри ҳам ён атрофидаги бошқа темурий шахзодалар қабрдан фарқ қилмайди. Лекин унинг илмий фаолияти билан сиёсий фаолиятининг муштараклигини дунё сайёҳларига муттасил эслатиб ўтиш зарур деб ўйлайман. Чунки Улуғбек ўз фаолияти орқали Шарқ уйғониш даврининг темурийлар билан боғлиқ бўлган маданий юксалишини ўзида намоён эта олган буюк шахс сифатида кўз олдимизда намоён бўлади.

У биринчи навбатда ўз даврининг фарзанди эди. Яъни ўша даврга хос давлатни бошқариш услубидан фойдаланди. Унинг дунёқарашида ўз даври жамиятининг ҳукмрон мафкураси акс этган тафаккур орқали фаолият олиб борган. Лекин шу билан бирга буюк бобоси Соҳибқирон Амир Темури бошлаб берган анъанага риоя қилишга ҳаракат қиларди.

Темури давлатни бошқаришда, ички ва ташқи сиёсатда даставвал ислом (шариат) қонун ва қоидаларга тўла амал қилишга риоя қилади. Лекин у ўзининг буюк салтанатини ташкил этиш жараёнида шариат қоидалари имкон бермаган шароитларда бошқа расм-русмларга ҳам амал қилиш лозим деб ҳисобларди. Яъни, Клавихо хотираларидан шу нарса маълумки Саройда ўтказилган зиёфатларда дастурхон атрофида эркаклар билан тенг қаторида аёлларга ҳам ўрин ажратилганлиги, давлатни бошқаришда Чингиз ясоқ (қонун)ларидан ҳам фойдаланганлиги ёки шариат изн бермаган тирик мавжудодларнинг расмини чизишга ҳам темурийлар томонидан хомийлик қилинганлигини эслаб ўтиш кифоя.

Мақбара ичига кириб олтин суви юритилган нақшинкор гумбазни томоша қилиб бу улуғворлик қаршисида лол қолдим. Бундан бир неча йиллар олдинги ҳолатдан асар ҳам йўқ. Ўта нозик жило берилган киши тафаккурини шоширадиган маҳобат билан ўлимдан кейинги хокисорлик руҳи чатишиб ажиб бир унитиб бўлмас манзара вужудга келтирилган эди. Жаҳонни ўз наъраси ила титратиб даҳшатга солган Шер ўз даври маънавияти

тимсолига айланган устози Мир Сайид Барака оёғига бош уриб ётибди. Хокисорлик ҳам шунчалик бўлар. Умуман, барча буюк шахсларнинг буюклиги уларнинг хоксорлигида ўз аксини топса керак деган фикр ҳаёлимдан кечди.

Мақбаранинг Аврангзеб Оламгир (1618-1707), замонидан сўнг тарихда иккинчи марта капитал таъмирдан И.Каримов ташаббуси билан чиқарилганида рамзий бир маъно ҳам борга ўхшаб туюлади менга. Мақбаранинг қурилганидан сўнг уч аср ўтганида Аврангзеб ўзининг буюк аждодига ҳурмат рамзи сифатида бу катта ишга қўл урган бўлса, Аврангзеб таъмиридан кейин яна уч аср ўтганидан кейин миллий кадриятларимизга ўзининг буюк эҳтиромининг рамзи сифатида юртбошимиз шу улкан ишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Бу ерда ҳам қандайдир қонуният борга ўхшаб кўринади. Улуғбек, Бибихоним (Сароймулкхоним), Муҳаммад Султон қабрларини ҳам тавоб қилиб, тиззамизни букиб, юзимизга фотиҳа тортдик. Чет эл сайёхларидан бири фотоаппаратини дуч келган томонга қарата суратга олаётиб инглиз тилида хис хаяжон ила бир нима деб ҳитоб қилди. Мен Мохинурдан нима деганлигини таржима қилишни сўрасам. У сайёх "Оврўпода бундан ҳам баландроқ бинолар бор, лекин, бунчалар нозик, инсон руҳига жило бўла оладиган нақшлар йўқ" деган экан.

Эшикдан ташқарига чиққанимизда кўшни маҳалладаги тўй базми ўзининг авжига чиққан экан. Хоразмча "лазги" ашуласининг шўх оханглари автобусимиз кўзғалиб анча ерга борганида ҳам қулогимизга элас-элас чалиниб турди.

Регистон

Одатда сайёх ҳар бир шаҳар тўғрисида тўлиқ таассурот олишга ҳаракат қилганида мазкур шаҳарнинг юраги бўлган бир масканни томоша қилиб уни зимдан кузатишдан бошлайди. Агар сайёх Бухорога ташриф буюрганда унинг машҳур аркини томоша қилишдан бошлайди. Москва тўғрисида тўлиқ тассавурлар ҳосил қилмоқчи бўлса унинг юраги Кремлдан бошлаши, аниқ. Ҳудди шундай Самарқанд шаҳрининг юраги ҳам Регистон ҳисобланса керак.

Чунки Самарқанднинг қудрати Регистон орқали бутун борлиғи билан намоён бўлади.

Регистон олдида автобусимиз тўхташи билан 1965 йилда тунаб қолган чойхонани излашдан бошладим. Афсуски уни топа олмадим. Унинг ўрнига янги қурилган кўп қаватли маиший хизмат шоҳобчалари ўз фаолиятларини давом эттираётган экан. Хафсалам пир бўлиб Регистонга ўз гуруҳимни топиш илинжида қадамимни тезлатдим. Биз борганимизда Регистонда таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Улуғ Темур салтанати пойтахтининг кўркига айланган бу мухташам меъморий мажмуа ўзининг меъморий ечими, салобати ва нақшларда акс этган жилваси билан бутун дунё сайёҳларини ўзига ром этаётганлигини айтиб ўтиришимнинг ўзи ошиқча деб ўйлайман.

Мен ўз гуруҳимни топганимда улар Улуғбек мадрасасининг пештоқи олдида ўша чиройли йўлбошловчи аёлнинг берган маълумотларини диққат билан тинглашаётган эканлар. Улуғбек мадрасаси қурилиши турли манбаларда турлича талқин қилинади. Хусусан, Абу Тохирхожанинг "Самария" китобида келтирилишича Улуғбек мадрасаси 1420 йилда қуриб битирилган бўлиб, мадарасанинг "Тоғ шукухли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигидан фалак биносидан тинчликни олган, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматнишон пештоқи оғирлигидан ерга зилзила келтирган, унинг олий даражали кунгиларини қудрат устаси фалак айвонининг мункарнаскорлиги билан бир ҳилда ясаган, ложувард кошинларини қазо наққош фалакнинг чароғон юлдузлари билан бир тартибда нақш қилиб, уларга дахлдор қилган қуёшдек жилваси, зар нигор нақшлари гўзал фалак гумбази билан ҳамвазн эди", - дея таърифлаган эди.

Мадраса қурилиши мадарасанинг ишга туширилган вақтидан камида 4-5 йил олдин бошланган бўлиб ёш ҳукмдорнинг илм-маърифатга чанқоқ кўнглининг иродаси тимсоли сифатида бунёд этилганлигининг шоҳиди сифатида асрлар оша шаҳри - азимнинг кўркига - кўрк, шуҳратига - шуҳрат кўшиб келаётганилигини узоқ-яқиндан келган сайёҳларга тарғиб қилинса

мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Мирзо Улуғбек Ўрта аср жаҳолати ҳукм сурган бир шароитда дунёвий илмни тарғиб қилиб чиқди. Унинг фармонида мувофиқ Бухоро, Гиждувон ва Самарқанд шаҳарларида мадрасалар қурилган эди. Бу уч Мадраса Ўрта Осиёда сақланиб қолган мадрасаларнинг энг дастлабгиси бўлиб, меъморий шакли, тузилиши жиҳатдан эса юксак санъат намунаси ҳисобланади. Айниқса Улуғбек томонидан бунёд этилган бу уч Мадраса кейинчалик Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда қурилган Мадраса бинолари учун намуна вазифасини ҳам ўтаган.

Улуғбек томонидан ташкил этилган бу каби илм даргохларини ҳеч муболагасиз уша давр фанларидан етук билим берувчи дунёвий мазмундаги университетлар деб айтаолишимиз мумкин. Чунки бу мадрасаларда машҳур олимлар адабиёт ва тиббиёт, математика ва астрономия, фалсафа (мантиқ) ва тарихдан сабоқ берганлар. Мадраса мударрислари танловда ютиб чиққан олим ва мутафаккирлар бўлиб улар орасида ўз даврининг қомусил илми ҳисобланган Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Мўйиниддин Коший, Али Қушчи Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларни учратишимиз мумкин бўлган. Бухородаги Улуғбек мадрасаси дарвозасига "Талабул илма фаризатун ало кулли муслимин ва муслима", яъни, илмга интилиш ҳар бир мусулмон ва муслимага фарздур деган сўзлар ўйиб ёзилган. Бухорода Улуғбек томонидан қурдирилган Мадраса 1419 йилда ишга туширилган бўлиб унинг меъморлари Улуғбекнинг Самарқандаги Мадрасаси учун ҳам хизмат қилишган бўлса керак деб тахмин қилинади. "Бухоро мадрасасини қуриб битказган усталар Самарқандга таклиф қилиниб у ерда янги Мадраса қуришни бошлаб юборишган - деб қайд қилади П.Ш.Зоҳидов. Бу 1417-1422 йиллар давомида қуриб битказилган Улуғбек мадрасаси эди"¹.

Улуғбек мадарасаси аслида икки қаватлик бўлиб, иккинчи қавати талабалар учун хужралар тушурилган, ҳар бир хужра икки талабага мулжалланган экан. Кейинчалик ўзбек хонларидан бири иккинчи қаватини

¹ П.Ш. Зоҳидов. меъмор санъати. 1978, 58 – бет

буздириб ташлаган. Хозирги пайтда макбаранинг иккинчи қавати яна янгидан тикланганини қуриб мадрасанинг салобати янада улугвор куринишга эга булганлигининг шохиди булдик.

Бизда энг катта таассурот қолдирган нарса Регистон меъморий мажмуасининг таркибига кирувчи бино Шердор мадрасаси булди. Йўлбошловчи Самарқанд хокими Ялангтуш Баходир томонидан бунёд қилинган шердор мадрасаси худди Улуғбек мадрасасининг рупарасидаги акси бўлиб буй чузган. Биз юқорида тилга олган "Самария" китобида бу ҳақда кўп маълумотлар келтирилади. Ялангтуш Баходир аввал Аштархонийлар сулоласининг учинчи хукмдори Имомқулихон (1611-1642) даврида Бухорода давлат ишлари билан машғул булган. Мадрасанинг Шердор деб аталишига сабаб қилиб Мадраса пештокида бир - бирига юзма - юз қилиб ишланган иккита Шер (арслон) расмларининг чизилганидир. Қадимий классик мусулмон тақвими буйича қуёшнинг асад буржида, яъни Шер рупарасида булиши саъд замон, яъни фаровон ҳаётга ишорадир. Бундан мазкур мадрасанинг 1618 йил июл ойида қуриб битказилганлиги ҳам маълум булади.

Мадраса пештокидаги кийик қувиб бораётган шерлар тасвири XVII асрда диний мутаассиблик авж олган пайтларда меъморий усталарнинг буюк жасоратидан дарак беради. Лекин вақт утиши билан кошинлар тукилиб кетган. Уша давр рухонийлари томонидан тирик жониворлар расмининг Мадраса пештокидан жой олишига қарши булганлиги аник. Шунинг учун ҳам шер, кийик ва қуёшнинг кошинкор тасвири бизгача бузилган ҳолда етиб келган.

Самарқанд усталари ана шу тасвирни тиклашга аҳд қилишди. Ота боболари яратган юксак санъат асарини тиклаш сирларини хозирги усталар яхши узлаштириб олишган. Жуда кўп изланишлар натижаси улароқ, Шер, кийик ва қуёш тасвирини қайта тиклаш лойихаси тайёр холига келтирилади. "Турли рангдаги кошинларни Самарқанд , кошинпазлари яхши пиширишди. Лекин янги кошинлар сифати аввалгисидан ҳеч қолишмаслиги, айниқса

ранги жуда монанд булиши керак эди. Бу сохада яна текшириш, тажрибалар олиб борилди ". Шер тасвирини таъмирлаш ишлари "талантли уста Йброхим Шермухамедовга топширилган эди. Уста гайрат ва илхом билан бу шарафли вазифани аъло даражада бажарди¹".

Мадраса пештоқи, яъни икки табақали дарвозанинг тепасидаги чиройли арабча харфлардан таркиб топган фашистларнинг символикаси шаклини олган рамз купгина оврупалик сайёхларнинг диқатини тортаётганлиги ва у нихоят бизни ҳам қизиқтириб қолди. Оврупалик бир гурух, сайёхлар қулларини бигиз қилиб уша рамз томон чўзиб ўзларича алланималар деб чугурлашарди. Биз уларни диқат билан томоша қилаётганимизни кўрган йулбошловчимиз гап мавзусини уша рамзга буриб юборди. Унинг айтишича бу белги бир вақтлар шаҳар халқи оташпарастлик динига сиғинганлар. Мазкур белги шулардан дарак беради деб мавзуни якунламоқчи бўлди. Менинг олдимда турган жахон урушининг қатнашчиси, иқтисодиёт университетининг обрули олимларидан бири Иномжон ака Икромов "Кизим, бу белгининг маъноси нимани билдиради узи" деб сўраб қолди. Яна бошқа олим Махмуджон ака Иброхимов эса "агар бу символика оташпарастликка оид бўлса нега аллохнинг каломи араб харфлари билан безатилган? Ёки ислом ҳам буни қуллаб-қувватлайдими?", - деган саволлар билан йулбошловчимизни шошириб қуйди.

Албатта бундай саволларга, унинг устига ўта синчков сайёхларни кониктира оладиган жавобларни топиш осон иш эмас. Йулбошловчи аёл тузукрок жавоб тополмай ўзини ноқулай сезаётганлигини сезиб мен баланд овозда бу белги "Авесто" , таълимотида мукаддас деб ҳисобланган Армаити рухининг белгиси эканлиги, у эса ўз навбатида мангулик маъносини билдиришини айтиб бу ноҳуш ҳолатдан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим. "Авесто" таълимотида Армаити рухининг моддийлашуви натижасида ер руйи - замин вужудга келган. Дунёда ҳеч бир дин ёки салтанат йўқ-ки у мангуликни орзу қилиб, абадиятга даъво қолмаган бўлсин. Марказий Осиё

¹ Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати. Тошкент, 1978. 29–30 бетлар.

минтақасида вужудга келган ва жаҳон тарихида жуда катта из қолдириб, инсоният маънавий тараққиётининг такомил босқичини бошлаб берган "Авесто" таълимоти, якка ҳудолик эътиқодининг илк ташвиқотчилари бўлиб чиққан Орий халқларининг мангулик, абадиятга дахлдор орзуларини ана шу белги орқали ифода қилганлар. Кейинчалик, Герман фашизмининг дунёни эгаллаш ва мангу ҳукмронлик даъвосини ўзида ифодоловчи белги қилиб олинганлигидан кўпчилик унчалик ҳам хабардор эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Биз бир гуруҳ сайёҳлар бошқалар Тиллақори мадрасасини томоша қилиб чиқунларига қадар тушлик қилиб олиш учун Регистон рўпарасидаги икки қаватли маиший овқатланиш шаҳобчасининг бир столига ўтириб тушлик буюрдик. Бизга хизмат қилган ёш йигит овқат турларини санаб қайсини хохласангиз ўшани бир пасда муҳайё қилишини айтиб бизга мурожат қилди.

Гурунг бир пиёла чой устида яна қизиб кетди. Гап мавзуси яна оташпарастларнинг абадият, мангулик белгилари ҳақида борди. Университетимизнинг яна бир обрўли олими, проф. Раззоқов Абдуҳалил ака яна Маҳмуджон ака берган савол жавобсиз қолганлигини, бу саволнинг жавобига улар ҳам қизиқаётганлигини айтиб мендан жавоб кута бошладилар.

Мен бу олис тарих тўғрисида сўз кетса суҳбатимиз анча чўзилиб кетишини айтиб Самарқанд ҳам ўша олис замонларда «Авесто» ёзма ёдгорлигида тилга олинган Орий халқлари маданияти ва маънавиятининг марказларидан бири бўлганлигини, бу ўлкада ўз эътиқодлари учун ҳаёт - мамот жанглари бўлиб ўтганлигини гапириб бердим. Бу қадимий ўлка «Авесто» ёдгорлигида ҳам тилга олиниб ўтилган.

Мазкур китобнинг (яъни «Авесто» китобининг) Видевдат қисмидаги жуғрофияга оид бўлимда тангри Ахура Мазда орий халқларининг ҳаёт кечиришлари учун Даитиё дарёси бўйларида яратган дастлабки ер юзининг жаннати деб ҳисобланган ўлка энг кўркем "Ариана Ваэжо" ўлкаси бўлиб ҳозирги Амударёнинг қуйи сарҳадларида бунёд этилганлиги - қайд қилиб

ўтилган. "Гўзаллик ва мукамалликда мен яратган иккинчи ўлка Гава Сўғддир. Бунга қарши лаънати қора ниятли Рух (Ахримон) бу ўлкага ваҳший саклар ўрдасини юборди"¹ дейилади бу китобда. Сак қабилалари иттифоқидаги ҳукмрон "Тирийа" қабиласи бўлиб бу қабиланинг ҳукмдори Франхрасион (Афросиёб) эканлиги кўпчиликка маълум. Самарқанднинг яна бир асл номи Афросиёб деб аталиши бежиз эмаслигини ҳам тилга олиб ўтдим.

Бундан яна шу нарса маълум бўладики Самарқандни Афросиёб ҳукмронлик қилган ўлкаларнинг сиёсий маркази (саклар ўрдаси) сифатида "Авесто" ёзма ёдгорлигида тилга олинishi миллий давлатчилигимизнинг илк нуқталари тўғрисида ҳолисона фикр юритишга имкон беради. Афросиёб (Франхрасион) ким. "Авесто" яштларида айтилишича (Хуварно қасидасида)

Забардаст Тур Франхрасян Учиб

чикди Варукашдан

Ва ҳақорат қила кетди:

"итэ-ита-ятна-ахмай...."

Хуварнони тутмоқ

Менга мумкин эмас,

Ориёний ўлкаларнинг

Ўтиб кетган ва келажак

Подшолари ҳамда Зардушт

Соҳиб бўлган Хуварнога

Ета олмайман²

Ҳар бир омадсизликдан кейин ғазаб билан Франхрасион (Афросиёб) нинг қайтарадиган ҳақоратли сўзларига эътибор беринг. Баъзи Авестошунос оврўпалик олимларнинг фикрича "Авесто"да тилга олинadиган Тийирийа (Тур), Дану, Корапонлар орий (Ариан) тиллар гуруҳига кирмайдиган, асли

¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана. Государственность и право. Ташкент, «Адолат», 2002 г. стр. 216. Яна шуни ҳам қайд қилиш керакки, А.Махкам томонидан ўзбекчага ўтирилган «Авесто» китобидан саклар сўзининг ўрнига "Макитлар юборди" деб таржима қилинади.

² Авесто. Махкамов А. таржимаси. Тошкент, "Шарк" нашриёти, 2001. 220 бет.

келиб чиқиши Жанубий Сибир, Иртиш дарёси бўйларидан, эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Сирдарё ва Зарафшон дарёлари бўйларига кўчиб келган туркий халқларнинг энг қадимги аجدодлари бўлса керак деган фикрни илгари сурганлар. Тур, Дану, Коралон қабилалари бирлашиб кейинчалик катта сак (Шак)лар ўрдаси шаклланганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам Самарқанд Турон (кейинчалик Сак) қабилалар иттифоқининг ўрдаси (Маркази) сифатида "Авесто" замонларидан бери тилга олинаётган экан, бу заминда туркий халқларнинг энг қадим аجدодлари томонидан асос солинган бобо шаҳримиз сифатида ардоқланишига мутлақо ҳақи бор деб ўйлайман. Сак қабилалари қадимги туркий халқлар билан маҳаллий форис-тожик тиллар гуруҳга кирувчи қавмлар билан аралашиб шарқий эрон тилларда гаплашувчи эллатларга айланган. Шунинг учун ҳам Самарқанд Туркий халқларнинг ташаббускорлиги ва форс-тожик тилида гаплашувчи халқларнинг ижодкорлигининг тимсоли сифатида қад кўтарган муаззам шаҳар бўлиб дунёга танилди.

Шердор пештоқидаги зардуштийлардаги мангулик белгисига келсак, Гава Суғдликлар Афросиёб ўлимидан кейин ҳам кўп ҳудудликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишганлар. Ҳатто Аржасп (Франхрасионнинг ўғли ёки невараси) Турон замин ҳукмдори сифатида Зардуштни ўлдириш учун махсус жосус Братар Вахшни ёллаб Бахди шаҳрига юборган. Зардуштни 77 ёшида Бахди шаҳри бош ибодатхонаси (оташқада) очилиши маросимида орқадан пичоқ уриб ўлдирган. Лекин Зардуштнинг ўлими зардуштийлик эътиқодининг Турон заминга тарқалаши учун жиддий тўсиқ бўла олмади. Оташпарастлик бир неча ўн йиллар мобайнида бутун Ўрта Осиё, халқлари орасида кенг тарқалди.

Оташпарастликка оид анъана, расм-русумлар, урф-одатлар халқимиз руҳиятига чуқур синганлиги туфайли узоқ сақланиб қолди. Ҳатто ислом эътиқоди кенг оммалашганидан сўнг ҳам бу анъана, одатлар ислом қадриятларининг шаклини олиб, исломнинг юртимизда ўзига хос тарзда

такомиллашишини таъминлаб берувчи муҳим манба вазифасини бажариб келди.

Биз юқоридаги тилга олган Шердор мадрасасининг пештоқидаги абадиёт рамзи ҳам стихияли бир тарзда азал-азалдан келаётган узок аждодларимиз маънавиятининг исломлаштирилишининг бир белгиси сифатида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўз навбатида бу рамз бир томонидан мангуликни ифода этса иккинчи томондан эса ер атрофида айланаётган (геоцентризм) фалакнинг мангу айланишининг ҳам тасвиридир. Ана шундан бўлса керак "Чархнинг мен билмаган дарду-балоси қолдим" деб қуйлаганида шоир аслида бепоён дунёни ифода этувчи тушунча сифатида келтирилади. Бу рамз орқали шарқ адабиётида чарх деб аталиб ер атрофида айланаётган коинот тушунчаси ифодаланган.

Ҳақимиз тушлик пайтида ҳам давом этиб, тушлик ўтиб кетганини билмай қолибмиз. Биз яна бу афсонавий шаҳар қиёфасини тўлароқ тассаввур қилиш иштиёқида автобусга шошилдик.

Улуғбек расадхонаси

Автобусимиз қўзғалди. Йўлбошловчи аёл Улуғбек расадхонасига йўл олганимизни эълон қилди. Вужудимда ўзим билмаган титроқ бошланган эди. Бунинг бойиси ўқувчилик пайтларимда Улуғбекнинг ашадий муҳлиси бўлган яна ўша Қўзивой аканинг гаплари эсимга, келади.

Бир куни синфимизга тарих ўқитувчимиз Қўзивой ака Бекметов кириб келиб даб-дурустдан: - "Бугун қандай кун" - деб сўраб қолади. Ўқувчилардан қониқарли жавоб олаолмаган устоз "Бугун тарихда илм-маърифатни салтанат тахтидан кўра афзал кўрган ягона ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг таваллуд топганига 567 йил тўлган кун. Буни ҳар бир ўқувчи ёддан билиши шарт" - деб айтган эди. Дарсни "Темурийлар даврида Фан ва маданият" мавзусига бағишлаб жуда кенг маълумот берган эди. У ўшанда Улуғбек даврида фан ва маданиятнинг юксалиш сабабларига, Улуғбек расадхонасининг қурилиш

таърихи ва унинг республикамиз (худоудларида илм-фан равнақи бўлганлигидан дарак берувчи ягона таърихий археологик хужжат (далил) эканлигига алоҳида тўхтаб ўтган эди. Ўшанда улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидан Мирзо Улуғбекка бағишланган касидаси (Ғазали)ни шу даражада эҳтиросга берилиб ёддан ўқиб берган эдики, у ҳар доим қулоғим остида жаранглаб туради. Синфимиз болалари кўпчилигининг илтимосига биноан устоз оғзидан ёзиб ёд олган эдик.

Темурхон наслидан султон Улуғбек

Ки олам кўрмади султон анингдек,

Онинг абнои Жинси бўлди барбод

Ки давр аҳди биридин айламас ёд

Ва лек ул илм сори топти чун даст,

Кўзи олдида бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш зеби жаҳондур

Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бу навъ илми осмоний

Ки ондин ёзди "Зижи кўрагоний"

Қиёматга декинча аҳли айём

Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Улуғ аждодларининг қилган ишларидан ифтихор туйғуси шаклланган ҳар кимса бу ғазални ёд билиши керак деб ўйлайман ёнимда ўтирган қизимдан бу ғазални ёд билиши ёки билмаслигини сўраганимда у сал қизарган ҳолда юзини автобус деразаси томон буриб олди. Сал ўтгандан сўнг менга бурилиб "адажон, Улуғбекни ўғли томонидан ўлдирилгани ростми?" - деб сўраб қолди. Мен унга "Бундай саволга тўғридан - тўғри жавоб қилиш мумкин эмас, қизим. Улуғбекнинг умрига ўша давр жаҳолати якун ясаган эди. Бунга маълум даражада ўғлининг ҳам хиссаси бўлгандир, балки" дея жавоб қилдим.

Биз бутун китоблару журналлар саҳифаларида расмлари кенг тарқалган Улуғбек расадхонасининг баланд пештоқи жойлашган тепалик ёнида

автобусдан тушдик. "Кўҳак тепалиги" деб ном олган бу тепалик Улуғбек замонларидан сўнг унутилиб кетганди. Улуғбек ўз расадхонасини регистонда ўзи курдирган мадараса ишга тушганидан тўрт йил ўтганидан сўнг, тахминан 1424 йилда расадхона қурилиш, бошланганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Бу борада яна Абу Тохирхожанинг "Самария" китобига мурожаат қилганимизда шундай сатрларни учратамиз. «Мадраса (Улуғбек мадрасаси назарда тутилмоқда. Курсив Т.К.) асосланганидан орадан 4 йил ўтгач Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муйниддин Коший билан кенгашиб, Обирахмат аригининг қирғоғидаги Кўҳак тепалигида расадхона тиклантириб, унинг теварагига баланд - баланд хужралар курдирди, расадхона жойлашган тепаликнинг этагини эса ажойиб боғ қилиб, вақтининг кўпини шу ерда ўтказа бошлайди".

Расадхона тахминан 1424-1428 йиллар орасида қурилган бўлиб, 1429 йилдан бошлаб унда илмий-тадқиқот ишлари бошлаб юборилган. Афсуски, кўп ўтмай Улуғбекнинг устозлари Ғиёсиддин Жамшид ҳам, Қозизода Румийлар ҳам оламдан ўтдилар. Асосий иш Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи билан биргаликда амалга оширилган. Бу ҳақида Улуғбекнинг ўзи "Зижи Кўрагоний" китобининг муқаддимасида "муҳим ишнинг бошларида, кузатиш натижаларини олгунча. Ғиёсиддин вафот этди. ... ўрталарида Эса Қозизода оламдан ўтди. Қолган ишлар қимматли ўғлим Али Ибн Муҳаммад Қушчи билан биргаликда охиригача етказилди..." деб қайд қилиб ёзган эди.

Китобларда қайд қилинган Кўҳак тепалигининг баландлиги 21 метр бўлиб, тепаликнинг эни шарқдан - ғарбга томон тахминан 85 метрни, шимолдан - жануб томон эса 170 метрни ташкил қилганлиги манбаларда қайд қилинади. Биз ана шу 21 метрлик баландликка зиналар орқали кўтарилдик. Олдимизда расадхонанинг бош асбоби бўлган фахрий секстант устига қурилган шимолдан жануб томон чузилиб кетган, ёйсимон шаклдаги бостирма иморатга кўзимиз тушади. Улуғбек расадхонасининг фахрий секстанти устига қурилган бош иморатнинг ғиштин асослари очилиб, ёмғир, қор таъсирини камаййтириш мақсадида бўлса керак, унинг устидан икки қатор

ғиштлар цемент қоришмаси билан терилган. Улуғбек замонида фахрий секстант устига қурилган асосий бинонинг шакли цилиндр (доира) симон бўлиб, асосларининг диаметри 48 метрлар чамаси қилиб белгиланган. Лекин, унинг баландлиги уч қаватдан иборат бўлганлигини кўпгина китобларда қайд қилинади. Баъзи манбаларда хатто Истамбулдаги VI асрда император Юстиниан томонидан қурдирилган машхур "Аё-софия" масжид мақбарасининг баландлиги (50 м.) билан тенг деб қайд қилинади. Бироқ, фахрий секстант радиусининг миқёси, унга перпендикуляр туширилиши керак бўлган ўқ асбобнинг тахминий баландлигини ҳисоблаш ва бошқа бир қатор омилларни назарда тутиб доирасимон шаклдаги бош бинонинг асосидан то энг юқори томигача 31-34 метр бўлганлиги аниқланди. Иморатнинг 21 метр баландликдаги тепаликда қурилганлигини ва тепалик қазилиб унга фахрий секстантнинг ёки иморат асосларидан яна 20 м чуқурликдан бошланганлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак унда тепалик билан иморат баландлиги текис йўлга нисбатан 52-55 метрларни ташкил қилган. Бу баландлик узоқдан қараган киши учун ўта маҳобатли туюлган. Шундан бўлса керак, "Расадким боғламиш - зеби жаҳондур. Жаҳон ичра яна бир осмондур", - дея Навоий хазратлари эҳтирос ила мадҳ қилганлиги.

Расадхонанинг бизгача етиб келган фахрий секстантга кириш қисмида баланд пештоқ қурилган бўлиб унга қурилган икки табақали эшикдан киришимиз билан сайёҳлар учун кичкина майдонча (балкон)га ўнта - ўнта бўлиб кириб бир неча дақиқа томоша қилдик. Мен йўлбошловчи аёлга бугун биз учун алоҳида кун, Мирзо Улуғбекнинг таваллуд топган (яъни 23 март) кунида у яратган мўжизани зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлиб турганлигимизни айтдим. Бундан сайёҳларимизнинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Расадхонада кузатиш ишлари Ғиёсиддин Жамшиднинг ўлими (1429) ва "Афлотун замони" ёки "Афлотуни ас - соний" номлари билан машхур бўлаган устоз Қозизода Румий ўлими(1437) дан сўнг Улуғбек ўз шогирди ва маслакдоши Али Қушчи билан давом эттирди. Али Қушчи хали Улуғбек

тириклиги пайтидаёқ "Батлимуси замон" (замонасининг Птоломейи) ёки "Батлимуси ас-соний" (Иккинчи Птоломей) номи билан машҳур бўлган. Тарихда бундай номга сазовор бўлган Марказий Осиёлик олимлардан дастлаб Берунийнинг тутунган отаси ва устози Абу Наср Ибн Ирок мушарраф бўлган эди. Қизиғи шундаки иккинчи марта бундай шарафга Улуғбекнинг тутунган ўғли ва шогирди Али Қушчи (Унинг тўлиқ исми Аловиддин Али Ибн Муҳаммад Самарқандий Али Қушчи) сазовор бўлган эди.

Али Қушчининг туғилган йилини баъзи манбаларда 1402 йилда деб қайд қилинсада, аксарият муаллифлар унинг таваллуд топган йилини 1403 деб қайд қиладилар. Унинг насл-насаби темурийларга бориб тарқалишини деярли барча муаллифлар томонидан эътироф этилади. Оталари ва боболари қарчиғай (ов қуш)ларни боқиш, асраш билан машғул бўлганликлари бойис уларга "қушчи" нисибасини қўшиб айтиш расм бўлган. (Шу ўринда яна акад. Б.Аҳмедовнинг "Амир Темур" тарихий романига мурожат қилсак бу ҳақида шундай дейилади. "Қушчи" -подшоҳ, хонларнинг ов ҳайвонларини тарбия қилувчи ва ҳукмдорларнинг шикорларини ўтказишга мутасадди бўлган мансабдор шахсга нисбатан ишлатилган. Баъзан уларни "Амиришикор" ёки "Миришкор" деб ҳам тилга олинади¹. Гарчи Али Қушчи Улуғбекдан 8-9 ёшга кичик бўлсада ҳукмдорнинг энг яқин маслахатдоши ва дўстига айланган эди. Улуғбек уни кўпинча "Ўғлим" деб тилга олганлигини биламиз.

Улуғбек атрофида ва унинг раҳнамолигида шаклланган илмий муҳитнинг қарор топишида, ҳамда, бу илмий анжуман томонидан яратилган илмий мероснинг жаҳон миқёсида кенг тарқалишида Али Қушчининг ўрни беқиёс бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Али Қушчи деганда энг аввало Самарқандда шаклланган ўз даврининг фанлар академияси деб ҳақли равишда тилга олинаётган Улуғбек расадхонаси олимлари, илм фидойиларининг меросини асраб-авайлаб инсониятга тортиқ қила олган буюк ватандошимиз сиймоси кўз олдимизда гавдаланади.

¹ Қаранг. Аҳмедов Б. Амир Темур. (Тарихий роман). Тошкент, 1991. 633-бет.

Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг Темурийзодалар томонидан тахт учун кураш авжга чиққанидан фойдаланган кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхон томонидан (биз юқорида қайд қилганимиздек) 1451 йил февраль-март ойларида Самарқанд босиб олинди. Лекин яна бир Темурийзода Абу Сайд Мирзо томонидан Самарқанд қўлга киритилиб бир мунча вақт хотиржамлик қарор топади. Абу Сайд Мирзо Улуғбек тарбиясини олган ва унга ҳурмат руҳида тарбияланган ҳукмдор бўлиб расадхонада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг давом этишига имкон туғдириб берган эди. Бунга Али Қушчи томонидан қайта ишланган ва 1457 йилда хаттот томонидан кўчирилган "Рисолаи дар илми ҳайъат" китобининг Самарқанд нусхаси сақланиб қолганлиги ҳам фикримизнинг тасдиғи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Абу Сайд Мирзонинг ўлими (1463й.)дан сўнг расадхона илмий изланишларни давом эттиришнинг имкони деярли қолмаган эди. Бир томондан ниҳоятда мураккаб сиёсий вазиятнинг қарор топганлиги бўлса, яна бошқа томондан эса Улуғбекнинг қатл этилишига фатво берган уламоларнинг таъсир доираси кучайганлиги эди. Бундай шароитда Улуғбек меросини сақлаб қолиш ниҳоятда катта ҳав остида қолган эди.

Машҳур олим Х.Хасанов ўзининг "Сайёҳ олимлар" номли асарида Хўжа Аҳрор билан Али Қушчи ўртасидаги муносабатларга оид муҳим маълумотларни келтиради. Унда келтирилишича Абу Сайд Мирзо 1451 йилда Самарқанд тахтини эгаллаган эди. У (Абу Сайд) Улуғбек тарбиясини кўрган киши бўлиб, Улуғбекка ҳурмати бениҳоя катта бўлган. Абу Сайд Мирзо Улуғбекнинг ўлимига сабабчи бўлганларни аёвсиз жазолаши мумкинлигидан ҳафсираб Улуғбек ўлимига сабабчи бўлган, ўша фатвога ўз муҳрини босган руҳонийлар Тошкентга қочиб Хўжа Аҳрор паноҳида жон сақлашга ҳаракат қилганлар.

Хўжа Аҳрорнинг ҳукмдор Абу Саидга бўлган таъсиридан фойдаланиб улуғ пирнинг ўртага тушишини ялиниб сўраганлар. Улар Хўжа Аҳрорнинг 1455 йилда Самарқандга кўчиб келишига эришганлар. Абу Сайд Мирзо

Улуғбекнинг тирик қолган яқин кишиларига, шогирдларига шу жумладан Али Қушчига ҳам ғамхўрлик қилган. Хўжа Аҳрор ва уламолар ҳам ҳукмдор райига қарши бораолмас эди. Бир манбада қайд қилинишича, Абу Сайд замонида бир йигит бир бойнинг қошига иш сўраб келганида унинг ёнида ўтирган Хўжа Аҳрор иккиланиб турган бойга: "бу йигитни албатта хизматингизга олинг, у Али Қушчининг шогирди эди" деган эканлар¹.

Хўжа Аҳрор 1469 йилда Абу Сайд Мирзо вафотидан сўнг Улуғбекнинг яқин кишиларига шу жумладан Али Қушчига ҳам муносабатларда кескин ўзгаришлар юз беради. Х.Хасанов бошқа манба, хусусан, "Рашоҳати айн ал-хаёт" китобида (Бу китоб яқинда ўзбек тилида чоп этилган) бунинг аксича мисол келтирилади. Бу асрда қайд қилинишича бир куни Али Қушчи ўзининг 9 та шогирди билан Хўжа Аҳрор ёнидан ўтиб кетаётганида Хўжа Аҳрор ёнидаги кишиларга қараб "Ана, 9 та лайчасини эргаштириб ит келаяпти" деган эканлар (қаранг ўша ерда).

Бу қайд қилинган далилга қараганда Абу Сайд Мирзонинг ўлиmidан сўнг Хўжа Аҳрорнинг Улуғбекка яқин кишилар, айниқса Улуғбекнинг илмий фаолиятини давом этирган шогирдларига муносабатини кескин ўзгартирган бўлса керак. Али Қушчининг Самарқандда қолиши ўта ҳавфли бўлиб қолганлиги, аниқ. Али Қушчи ҳаж баҳонаси билан Самарқандни тарк этишга мажбур бўлган.

Али Қушчи Самарқандни қачон тарк этган деган жумбоқда ўтган асрнинг 70-нчи йилларида шарқшунос Асомиддин Ўринбоев томонидан XV асрга оид бир мактубнинг топилиши билан боғлаб бир мунча ойдинлик киритилди. Мактубда келтирилган маълумотга қарганда Али Қушчи Самарқандни тарк этиб Ҳиротга келганида ёши тахминан 69 ёшида бўлганлиги маълум этилади. Хатда у буюк шоир Абдурахмон Жомий билан илмий мавзуларда мулоқатда бўлганлиги ҳам қайд қилинади. (Бу ҳақдаги маълумот Ҳ.Ҳасанов, "Сайёҳ олимлар" китобининг 179-бетида келтирилган. Тошкент. 1981 й).

¹ Хасанов Х. Сайёҳ олимлар. Тошкент, 1981. 179-бет.

Келтирилган далиллардан шу нарса маълум бўладики, Али Қушчи Самарқандни Абу Сайд Мирзо вафотидан сўнг зудлик билан тарк этган. Агар Ҳижрий йил ҳисоби билан қайд қилинган ёш ўлчови ҳар 36 йилда бир йилга қўшилишини ҳисобга оладиган бўлсак унда Али Қушчининг, Хиротга келишини тахминан 1469-1470 йиллар бўлса керак деб ҳисоблаш мумкин. Хиротда Али Қушчи кўп қололмас эди. Чунки Хиротнинг янги ҳуқумдори Хусайн Бойқаро ҳокимиятининг қанчалик мустаҳкам эканлигини олдиндан билиб бўлмас эди. Яна бир сабаби эса олим Қозизода Румий билан куда бўлиб Али Қушчининг қизи Румийнинг ўғли (Ҳасан)га турмушга чиққан эди. Қизи ва куёви анчадан бери Усмонли турк салтанатининг пойтахти бўлган Истанбул шаҳрида истиқомат қилишарди.

Хусайн Бойқаро салтанатининг пойтахтини тарк этиб яқиндагина теурийлар ҳуқумронлигидан ажралиб чиққан пойтахти Табриз бўлган салжук (Туркман)ларнинг мустақил давлати сари йўл олади. Салжук давлатининг ҳукмдори Узун Ҳасан томонидан илиқ кутиб олинган Али Қушчига саройда муҳим ловозимларда ишлаш таклиф қилинади. Лекин ёши ўтиб қолганлигини баҳона қилиб умрининг қолгани қисмини Истанбулдаги қизи ва неваралари олдида ўтказмоқчи эканлигини айтиб узр сўрайди. Узун Ҳасан ҳам Али Қушчининг машҳурлигидан фойдаланиб қолиш илинжида бир сиёсий топшириқни бажаришини сўраб:

- Биласиз Мавлоно, йўл олис ва ҳатарли. Давлат юмушлари билан Истанбулга ташриф буюрсангиз йўл ҳаражатлари билан таъминлайдурмиз. Шунинг учун ўзингизга яқин кишиларни Табризда қолдириб у ёғига сизнинг ўзингизга керакли анжомлар ва қўриқчилар қўшиб берсакда, бизнинг турк султонлиги билан баъзи чегара масалаларини ҳал қилишга ёрдам берсангиз. Оила ва яқин кишиларингиз хаф-хатардан холи Табризда яшаб турса масала ҳал бўлганидан сўнг ўзимиз барча оила аъзоларингиз ва яқин ақраболарингизни Истанбулга етказурмиз.

Али Қушчи бу юмушни бажармасдан иложи йўқ эди. Чунки Узун Ҳасан унга оила аъзолари ва яна 200 га яқин кишиларнинг тақдири чегара

муаммоларининг Узун Ҳасан фойдасига ҳал бўлиши билан боғлиқ қилиб қўйилган эди.

Турк султони Меҳмед Фотих томонидан Али Қушчига кўрсатилаган иззат-икром тўғрисида Ҳ.Ҳасанов ўзининг юқорида кўрсатиб ўтилган китобида шундай сатрларни ёзади. "Дарвоза долонида, пастакина саябон аравада қалин болишга суяниб, жилмайиб турган султонга кўзи тушган элчи Али Қушчи дархол отдан тушди-ю, узоқдан бир таъзим қилиб, аммо бошини эгмай, султон томон виқор билан юриб келаверди. Султоннинг ўзи секингина аравадан тушиб, икки қўлини чўзган ҳолда элчига яқинлашди. Саломлашишди, кучоқлашишди. Бирон элчини султон бу тариқа қарши олмаган эди".

Биринчи дақиқаданок султоннинг фикри зикри ўзга мавзуга ўтди. "Темурийлар сулоласининг гавҳар кўзи Улуғбек Мирзо эдилар. Қадамларингизга ҳасанот, фарзанди Улуғбек - Мавлоно Зайниддин Али Қушчи!" ҳитоб қилди султон.

Эрон ҳукумдори Узун Ҳасан тарафидан Туркия Султони ҳузурига элчи бўлиб келган ўзбек олими Али Қушчи бу бағоят самимий муомаладан хийла хижолатда қолди. Хусусан, элчига ҳамроҳ қилиб юборилган эроний маслаҳатчилар орасида ноқулай ҳолатга тушди. Кўриниш маросимидаги зиёфатда ҳам султон билан Али Қушчи Эрон-Туркия муносабатларини бебаҳс Узун Ҳасан мамлакати фойдасига ижобий ҳал этдилар-у, яна нималар тўғрисидадир узоқ суҳбатлашдилар. Кейинчалик тарихдан маълум бўлишича, Али Қушчи ўз оиласи ва ақраболари, хизматкорлари билан жами 200 киши бўлиб Истанбул шаҳрига кўчиб келди"¹.

Истанбул шаҳридаги қизи ва куёви (Ҳасан) билан бирга яшаб невараси Қутбуддин Маҳмудни бор меҳрини бериб тарбиялади. Қутбиддин Маҳмуд Али Қушчининг ҳам Қозизода Румийнинг ҳам набираси ҳисобланган. Қутбиддин Маҳмуддан эса яна бир улуғ олим Мириам (ёки Мирам) Чалабий туғилган эди.

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., 1981. 180-бет.

1453 йил 29 - май куни турк султони Меҳмед фотих (Меҳмед II) томонидан забт этилган Византия давлатининг пойтахти Константинопол аҳолиси мусулмонлашаётган ва проваслов черковига тегишли бинолар қиёфаси араб-мусулмон маданиятига ҳос меъморий, қиёфага айлантири-лаётган пайтда Али Қушчи бу азим шаҳарда истиқомат қила бошлаган эди.

Милоднинг VI аср биринчи ярмида император Юстиниан томонидан курдирилган аё-София черкови эндиликда ислом меъморий услубида қайта таъмирланиб "Мадарасаи Олия" (Олий мадраса)га айлантирилган эди. Али Қушчи 2 йил давомида ана шу олий даргоҳнинг бош мударриси лавозимида фаолият олиб борган.

Али Қушчи ҳаётининг Истанбул даври ниҳоятда сермахсул кечди. У қисқа уч йил давомида 20 дан ортиқ китоблар ёзиб чоп этдирди. Шулардан энг муҳимлари "Рисолаи дар илми Хайъат" олимнинг энг машҳур асарларидир. У бу асарни ҳали устози Улуғбек ҳаётлиги пайтида Самарқанд расадхонасида олиб борилган илмий изланишларнинг хулосаларига таяниб 1437 йилда ёзган эди. Яна шунингдек, Самарқандда форис-тожик тилида ёзилган "Рисолаи фил ҳайъа" асарларининг арабча вариантини "Фатҳия" номи билан поёнига етказиб Турк султониға ҳадя этган эди. "Рисолаи фил ҳисоб" асарини араб тилига ўгирди ва ҳақозо.

Самарқандлик олим ўз маҳсулдорлиги билан Истанбул зиёлиларини ҳайратда қолдирган эди. У гўё вулқонга ўхшар эди. Вулқон сўнишидан олдин бор қудратини намоёиш этиб ўз бисотидаги жамики нарсани ташқарига отиб чиқаришга шошилганидек, Али Қушчи ҳам ўз салоҳият қудратини Истанбулда намоён этишга ошиқарди. Хаттотлар у томонидан ёзилган рисоаларни кўчириб улгураолмасидан туриб янги-янги рисоаларни тахт қилиб қўярди. Мадраса талабалари эса ўқиб улгураолмасдилар деб қайд қилинган эди замондошлари томонидан.

Бу машақатли ишлар орасида Истанбул шаҳрининг кенглик ва узунлик даражаларини янгидан ўлчаб чиқди. Шунингдек, анча катта бўлган қуёш

соатини ясаб ўзи мударрислик қилган мадрасаи Олияга тортиқ қилишга ҳам улгурган эди.

Али Қушчи замондошлари томонидан муносиб шарафланган эди. Уни кўпинча "бахрул илм ва манбаи ирфон Али Қушчи " (яъни, илм денгизи ва ирфон булоғи бўлмиш Али Қушчи) ёки "Зайниддин Али Қушчи" (яъни, Дин кўрки Али Қушчи номлари билан улуғлангандир.

Лекин Али Қушчининг Истанбулдаги қилган энг асосий иши Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Жадиди Кўрагоний" асарига жуда катта сўзбоши ёзиб уни чоп этиргани бўлди. Китоб ўша даврдаёқ Дамашқда ва Қоҳирада нашр қилинган эди. XVII асрда фақат Лондонда мазкур китоб уч марта чоп этилди. Париж, Флоренция, Женева ва бошқа шаҳарларда ҳам нашр этилган.

Улуғбекнинг "Зижи Жадиди Кўрагоний" асарига Али Қушчи томонидан ёзилган сўзбоши тўрт қисмдан иборат бўлиб унинг Биринчи қисми Хоронология деб аталади. Унда Шарқ халқларининг йил ҳисоби (календарлари) асосан Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар ва Қонуни Масъудий" асарларидан кенг фойдаланган ҳолда атрофлича баён қилиниб берилади. Иккинчи қисмида шарқ астрономиясига оид фикрлар батафсил ёритиб берилади. Учинчи қисмида, Батлимул (Птоломей)нинг геоцентрик системаси асосида, ёриткичларнинг кўринмас ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар берилади. Тўртинчи қисмда эса ўрта аср дунё қарашига оид астрологиясига оид билимлар кенг шарҳланади. Мирзо Улуғбекнинг мазкур юлдузлар жадвалида келтирилган юлдузлар координатлари шу даражада аниқ бўлганки бу ҳақда ҳатто кўпгина олимлар телескоп кашф этилгунча келтирилган аниқликнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлар. Китоб бутун дунё бўйича кенг тарқалди.

Авраңгзеб Оламгир замонида Ҳиндистоннинг Жайпур Музофотининг маҳоражаси 15 ёшлик Жай Синҳнинг ҳам кўлига ушбу китоб тушиб қолган эди. Жай Синҳ ниҳоятда китобга ўч бўлганлиги, кўпгина Шарқ тилларини яхши билганлиги туфайли ёш бўлишига қарамай жиддий тадқиқот ишларига ўта берилувчан ўспирин эди.

У Аврангзеб кўшинида катта ҳарбий лавозимда ҳам ишлаб ўзининг ёш бўлишига карамай зукколиги, тадбиркорлиги ва ўта Жасурлиги билан ҳам шуҳрат қозонганди. Ҳарбий хизматни ўтаб Дехлидаги ёки Жайпурдаги уйларида бирига қайтиб яна бир неча марталаб ўқилганидан титилиб кетган сеvimли китобини синчиклаб ўқишга берилиб кетади. Жай Синҳ саройида Ҳиндистоннинг турли ўлкаларидан келган олимлар йиғилган эди. Уларнинг орасида Гужаратлик машҳур олим, биринчи Ҳинд логорифмлар жадвалини тузган ва Улуғбекнинг "Зижи жадиди Кўрогоний" асарини форс тилидан Ҳинд тилига ўгирган машҳур олим Уддамбри Гужаратий, Пундарик Ратнакар ҳамда Жаганотх каби математиклар ҳам бор эди.

Жай Синҳнинг илмпарварлигини эшитган ва бир бурда нонини топиш қийин бўлган Ҳиндистонда олимлар паноҳ излаб Жай Синҳ саройига оқиб кела бошлади. Бу олимларга ҳар куни овқат берилган, ҳар бирига алоҳида хужра, энг муҳими ўзаро мулоқат қилиш учун ижодий илмий муҳит яратилган эди.

Аврангзеб вафот этиб (1710 й.) ҳарбий мажбуриятлар тугатилиб Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларининг ҳукмронлиги тўла ўрнатилиб Бобурийлар сулоласидан эрк кетганидан сўнг Жай Синҳ орзуларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит етилганди. 1724 йилда эндиликда бўйи чўзилиб 35 ёшларга кириб қолган Жай Синҳ ҳудди Самарқанддаги Улуғбек расадхонасининг андозасидан нусха кўчириб, лекин бир мунча кичик ҳажмдаги расадхона қурилишини бошлаб юборди.

Жай Синҳ доимо Мирзо Улуғбекни ўзига устоз эканлигини таъкидлашдан чарчамас эди. У Улуғбек расадхонасининг айнан ўзига ўхшаган 5 та расадхона бунёд этди. Шулардан бизгача 4 таси етиб келганлиги маълум. Самарқанд расадхонаси биносининг андозасини олиш билан чекланмасдан балки, ундаги асбоб-ускуналарнинг ҳам нусхаларини кўчирган эди. Шунингдек, Жай Синҳ Оврўпода фалакшунослар аллақачон телескоп ва бошқа оптик ускуналар ёрдамида кузатишлар олиб бораётганларини билар эди. Лекин уларнинг қўлга киритган натижаларига

шубҳа билан қарар эди. У хатто португалиялик ва англиялик мутахассислардан илмий маслаҳатчилар ҳам ёллаганди. Шунга қарамасдан анъанавий мусулмон шарқ олимларининг кузатиш ускуналарини энг юқори аниқликка эга деб ҳисобларди.

Ҳатто В.Л.Вяткин Улуғбек расадхонасини иккинчи марта 1915 йилда казиш ишларини қайтадан жонлантириб ўз тадқиқот ишларини давом этдирганида расадхона ёнида тикланган палатка ичидаги ишчи столи устида Улуғбекнинг форс тилидаги "Зижи жадиди кўрогоний" ва Али Қушчининг форс тилидаги асари билан бир қаторда Ҳиндистон мўжизалари тўғрисида баён қилувчи китоб ҳам ўрин олган эди.

Германиялик сайёҳ томонидан немис тилида чоп этирилган ушбу китобнинг жилдида тошдан ясалган улуғвор айлана, уч бурчак ва узундан-узоқ самога қараб йўналган пиллапоялар рангли тасвирда акс этирилган эди. Китобнинг ҳошиясига "Жумбоқ", "Сирли" сўзлари ёзиб қўйилган. Китобнинг сўнгида эса Жайпур маҳаражаси Жай Синҳни болаларча ҳайратга тушувчи, дунёни мифологик тарзда англашга мойил шахс бўлган бўлса керак деган хулоса чиқаради.

Василий Лаврентевич Вяткин германиялик сайёҳ муаллифдан фарқли ўлароқ Жай Синҳ ва у томонидан XVIII асарда қурилган мўжизалар айнан Улуғбек расадхонасининг қуйиб қўйган андозалари эканлигини илғаб олган эди.

Аслида ҳеч муболағасиз Кўҳак тепалигининг дунё миқёсидаги иккинчи шуҳратини биз шарқ халқлари тарихининг буюк фидойиси Василий Лаврентьевич Вяткин билан боғлашимиз керак. Мен К.Новоселованинг "Звезда Альтаир"¹ (Альтаир юлдузи) номли В.Л.Вяткинга бағишланган романини ўқиб чиққан эдим. Ҳатто уни қизимга ҳам ўқиб чиқишни тавсия қилгандим. Самарқандга зиёратга чиқишимиздан олдин (қизимга) В.Л.Вяткин қабрини зиёрат қилдираман деб ваъда ҳам бергандим. Моҳинур бирдан "В.Л.Вяткин қабри қаерда, кўрайлик" деб қолди.

¹ Капитолина Ивановна Новоселова. "Звезда альтаир" (роман), из-во Г.Гулям. Тошкент, 1983 й.

Илгари келганимда зиёрат қилган қабр томон юрдик. Қабр тепаликнинг пастида расадхона жойлашган тепаликка бош қўйиб ётган эди. Не кўз билан кўрмайлик, қабр йўқ эди. Йўлбошловчи, аёлдан сўрасак, у ҳам ҳомуш тортиб қабр бошқа жойга кўчирилганлигини айтди. Мен ҳам, қизим ҳам жаҳолатнинг янги замонавий кўриниши олдида эсанкираб, қотиб қолдик.

В.Л.Вяткин (1869-1932) таниқли археолог, профессор. Самарқанд ўлкани ўрганиш музейининг ташкилотчиси (1896) ва унинг директори лавозимида ишлаган. Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда йигирманчи йилларда муҳим археологик тадқиқотлар олиб борган йирик тадқиқотчи олим. Ўрта асрларга оид кўплаб шарқ қўлёзмаларини тўплаган, шарҳлаб ва чоп этдирган. У хатто рус мактаблари учун "Ўзбек тили дарслиги" ва "Форс тили дарслиги" китобларини ёзган (1923 й.) ажойиб мураббий инсон, эди.

У «Афросиёб кўҳна Самарқанд ўрни» (1926 й.), "Мирзо Улуғбек ва унинг Самарқанддаги расадхонаси" (1927 й.), "Қадимги Самарқанд ёдгорликлари" (1927 й) "Қадимги Самарқанд архитектураси" (1929 й) китобларининг муаллифи сифатида шуҳрат қозонган, халқимиз маданиятининг толмас тарғиботчиси бўлган.

В.Л.Вяткин 1908 йилда Самарқанд атрофи вақф ерларига оид ҳужжатларни текшираётган пайтида қўлига XVII асрнинг ўрталарига оид вақф ҳужжати тушиб қолади. Унда - "Ер майдонининг баён қилинган чегаралари қаторида расадхона жойлашган тепалик (Толерасад) ҳамда ҳозирги вақтда ҳам ўша номдаги Обираҳмат ариғи ва Нақши Жаҳон деган жой номлари кўрсатилган. Бу ҳужжат расадхона ўрнини шу қадар аниқ кўрсатгандики, уни топиш ҳеч бир қийин эмасди", деб ёзган эди, у кейинчалик.

Шарқшунос В.Л.Вяткин аниқ манзили кўрсатилган ерни қазиб кўриб расадхона қолдиқларини топишга муяссар бўлганди. Бу ҳодиса унинг кейинги ҳаёти тақдирини белгилаб берганди. Аввалом бор расадхонанинг фан учун кашф этилиши катта воқеа эди. Кейин, шунга оид шарқ адабиётидаги маълумотларни ўқиб ўрганиш, археологияга оид билимларни

эгаллаш билан машғул бўлди. Василий Лаврентьевичга ўша пайтларда икки томондан тазийиқ ўтказиларди. Рус мустамлакачилари ўзларининг қўл остидаги қарам халқларнинг буюк ўтмишига оид маълумотларни, тарихий далилларни кўрсатмасликка, жуда бўлмаса ташвиқот ва тарғибот қилмасликка ҳаракат қиларди. Улар расадхонани қазииш ишлари учун, уни келгуси авлодга асраб-авайлаб сақлаш ва ниҳоят бу кашфиётнинг бутун дунёда кенг тарғиб қилиш учун маблағ ажратишга эришишнинг ўзи бу фидойи инсонда нақадар буюк эзгуликка йўғрилган қалб мавжудлигидан дарак берарди.

Иккинчи томондан, маҳаллий диндорларнинг жазавабини нейтраллаштириш, уларга қарши маҳаллий халқ вакилларидаи иборат, дунёвийликни ҳимоя қилувчи гуруҳи тузиб, бу ишнинг уддасидан чиқа олиш зарур эди. Унда бунинг уддасидан чиқиши учун етарли асослари мавжуд бўлган. Бунга унинг маҳаллий халқ тилларини яхши билганлиги, арабча ёзилган манбаларни ўқиб ёза олиши, ўзбек халқининг тарихи, урф-одати, маданияти, психологияси билан яқиндан таниш бўлганлиги бу мушкул ишларнинг уддасидан чиқиши учун қўл келарди.

Рус мустамлакачи сиёсатини ўтказувчи чиновниклар ва совет тузуми давридаги тўраларнинг бир томонлама юритилган ҳалокатли сиёсатидан ҳам сақлаб қолишнинг уддасидан чиқа олган рус зиёлисининг ажойиб образи шарқ халқлари маданияти ва маънавиятининг беназир ҳимоячиси ва тарғиботчисининг тимсоли сифатида ҳали қанчадан-қанча авлодларни тарбиялаш учун наъмуна вазифасини ўташи мумкин эди. Мен у кишининг "Известия Русского комитета для изучения Средней и восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях" (серия н, № 1 и Санкт - Петербург, 1912 г.) .- деб номланадиган ахборотномада чоп этилган "Отчёт о раскопках обсерватории Мирзо Улуғбека в 1908 и 1909 г.г" деган ҳисоботини ўқиб чиққандим. Унда археологияга оид билимларни ўзлаштириб олиб, ўзига мутлақо ёт (чунки у шарқшунос филолог бўлган) соҳа билан астойдил шуғулланиши учун кишида

ўта кучли ирода ва кунт бўлиши керак бўлган. В.Л.Вяткин ана шундай иродага эга бўлган аллома эди.

Умуман Улуғбек расадхонасини шу бугунги кифада сақланиб қолишида рус зиёлиларининг хизматини алоҳида миннатдорчилик билан эслаб ўтмоғимиз жойиз.

В.Л.Вяткин 1908-1909 йилларда расадхонани қазиш ишларини тугатгандан сўнг ҳамма нарса очиқ-чочиқ қолдирилди. Маблағ йўқ Вяткин Туркистон Губерниясидаги мутасадди ташкилотлар идораларига бир неча мартадан кириб озгина маблағ билан ёрдам беришларини сўраб мурожаат қиларди. Лекин маблағ топишнинг имкони йўқ эди. Қазиш майдончасида очилиб қолган ёдгорликларни қўриқлаш учун ҳам маблағ топилмади.

Ана шундай кунлардан бирида салтанат марказидан келган зиёлилардан фалакшунос олим Сикора келиб манзарани ўз кўзи билан кўрди. Ҳатто у энг қимматли ҳисобланган мрамор плиткаларнинг ҳам бир нечаси йўқолганлигининг гувоҳи бўлган эди. Фахрий секстант ўрнатилган чуқурлик яна тупроқ ва қум билан тўла бошлаганининг шохиди бўлган эди.

Сикора Марказга борган зоҳотиёқ бу ҳақда мақола ёзиб мустамлакачи амалдорларга ёқмайдиган фикрларни кўтариб матбуотда катта шовқин кўтарди. "Улуғбек обсерваториясидан жуда кам нарса қолган, - деб ёзган эди у ўша мақолада, - фахрий секстант (квадрант) дан фақат бир неча градусларгина қолган холос. Лекин шунга қарамасдан расадхона ҳаробаларига борган ҳар бир фалакшунос расадхонанинг асосий ускунасининг улуғворлигидан ва уни яратганларнинг илмий салоҳиятларидан ҳайратга тушмасдан иложи йўқ".

Мақола ҳақиқатдан ҳам шов-шувга сабабчи бўлган эди. Туркистон губернияси ва Туркистон жўғрофия жамияти ташкилотининг ажратган озгина маблағи билан 1915 йилда қазиш майдончаси тартибга солиниб Фахрий Секстант (квадрант) жойлашган чуқурлик устига бостирма қурилиши учун озгина маблағ ажратишга мажбур бўлган эди. Петроград (Санкт-Петербург)лик астроном олим Сикорони Самарқандга таклиф қилган, унга

хақиқий аҳволни очик-ойдин кўрсатиб, булар ҳақида Марказий матбуотда шов-шувга сабаб бўладиган мақола ёзиш кераклигига ишонтирган киши ҳам айнан Василий Лаврентьевич Вяткин бўлган эди.

В.Л.Вяткин томонидан қазиб олинган, очиб ташланган расадхонанинг фахрий секстанти устини бостирма қилиб ёпиш, бу тарихий аҳамияти ниҳоятда беқиёс бўлган ёдгорликни кейинги авлодларга етказиш учун қанчалик чидам ва матонатга эга бўлиши кераклигини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин. Ўзи томонидан кашф этилган расадхонанинг кейинги тақдири тўлалигича бу толмас, фидоий инсонга боғлиқ эди. Ана шундай масъулиятни чуқур хис қилган ва бунга ўз умрини бағишлаган инсоннинг охириги манзили ҳам ўзи севган, умрининг мазмунига айланган Улуғбек расадхонаси этагида бўлишини мутлақо табиий ҳол деб қарашимиз керак эди. Бўлмаса буни қандай тушунмоқ керак. Умрини шарқ халқлари маданиятининг буюк меросини асраб-авайлашга бағишлаган Овруполик бир зиёлининг қабри халқимизнинг буюк маънавиятига бўлган сўнгсиз эҳтироми сифатида ҳар қандай сайёҳнинг қалбини ларзага солиши мумкин эди. (Ахир, бу қабр халқимизнинг буюк аجدодлари меросига Овруполик олимнинг чексиз садоқатидан дарак бермайдими? Афсуски, ҳар бир давр ўз жаҳолати билан туғилар экан. Тарихнинг барча давлари учун универсал жаҳолат йўқ. Шунинг учун ҳам, В.Л.Вяткин қабри ўрнида туриб, бу жаҳолат олдида эсанкираб қолганимизнинг сабабини энди англагандай бўлдим. Улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний "Жохиллик -билимсизликдандир" деб айтганида у минг марта ҳақ эканлигини хис қила бошладим. Эндиликда саводхонлик мезони давр талаби орқали шакллантириш кераклигини илғаб олмоқ керак, менимча. Демак, маърифатлилик ҳозирги давр саводхонлигининг меъзони бўлмоғи керак деган фикр ялт этиб миямга урди. Билимсизлик эса бир томонламаликка, тор манфаатлар доирасидаги биқикликка олиб, келиши табиий. Шунингдек бу ҳолат охир-оқибат ноҳолисликни ҳам келтириб чиқарарди. Халқимизнинг буюк маданиятини бутун оламга тарғиб этувчи инсонга ўз эҳтиромимиз ўрнига қилинган бу ишларни кўрнамакликдан ўзга

нарсa эмaс деб бaҳo бермoқ керaк. Бу эсa бaғрикeнг хaлқимизнинг руҳиятигa мутлaқo тeскаридир. Мaнa шу вa шунгa ўхшaш хoмуш ҳaёллaр билaн Кўҳaк тeпaлигини тaрк этдик. Лекин, Улуғбек рaсaдхoнaси билaн бoғлиқ ўйлaр бизни тaрк этмaгaнди.

Автoбусимиз рaсaдхoнaдaн Шoҳизиндa мeъмoрий мaжмуaси тoмoн йўлгa чиқди. Йўлбoшлoвчи aёл йўлдa бир мaҳaллa oлдидaн ўтaётгaнимиздa мaнa шу мaҳaллaнинг нaриги кўчaсидa, Абдулaтифнинг қaбри бoрлигини кўли билaн кўрсaтиб, aгaр хoҳлoвчилaр бўлсa кўриб ўтишимиз мумкинлигини aйтди. Лекин, ўтиргaнлaрдaн сaдo чиқмaди.

Шoҳизиндa

Тeмур сaлтaнaти пoйтaхтининг қудрaтини вa унинг кўлaмини тўлaрoқ aкс эттирувчи жудa кaм сонли ёдгoрликлaр сирaсигa, шубҳaсиз, Шoҳизиндa мeъмoрий ёдгoрликлaр мaжмуaси ҳaм кирaди. Oлдинги кeлгaн пaйтлaримдa йўл-йўлaкaй кўз қирини тaшлaб ўтгaн мaқбaрaлaргa эндиликдa бoшқaчa нaзaр билaн қaрaш керaклигини тoбoрa чуқуррoқ ҳис қилa бoшлaгaн эдим.

Сaмaрқaнд тўғрисидa китoблaрни кўпрoқ ўқигaнингиз сaри бу шaҳaрнинг ўшa дoвруқли oнлaрини эслaтувчи, ўшa дoрулoмoн зaмoн руҳини бизгaчa eткaзиб кeлгaн гўшa айнaн Шoҳизиндa экaнлигигa тoбoрa ишoнч ҳoсил қилa бoрaсaн. Мaзкур мeъмoрий aнсaмбль Сaмaрқaнднинг энг қaдимги шaҳaр ҳaрoбaси Афрoсиёб тeпaлигининг жaнубидa шимoлгa тoмoн кўтaрилиб бoрувчи қaдимги шaҳaр, ҳaрoбaлaри устидa курилгaнлигининг ўзи ҳaм кишидa aжиб тaассурoтлaр қoлдирилишигa туртки бeрaди. Шoҳизиндa мeъмoрий ёдгoрликлaр aнсaмбили ҳeч мубoлaғaсиз Миср эҳрoмлaри, Ҳиндистoндaги Тoжмaхaл, Буюк Хитoй дeвoри кaби инсoн кўли билaн яратилгaн тeнги йўқ мўжизaлaр қaтoридaн ўрин oлaди. Aгaр Миср эҳрoмлaри ёки Буюк Хитoй дeвoри ўзининг мaҳoбaти билaн инсoн aқлини шoширсa, Сaмaрқaнддaги Шoҳизиндa aнсaмбили ўзининг ўтa нoзик ишлaнгaн нaфис бeзaклaри билaн киши қaлбини лaрзaгa кeлтирaди.

Темур ва темурийлар даврида Қусам ибн Аббос мазоридан қадимги шаҳар (Афросиёб) деворларигача бўлган ораликда қурилган тарихий обидалар ўзининг нафис нақшинкор кўйлакларини кийиб фусинкор латофатларини кўз-кўз қилишда рақобатлашаётган гўзал фаришталарга ўхшаб кетарди, гўё.

Шуни қайд қилиш лозимки, Темур ва темурийларгача ҳам Қусам ибн Аббос мазори атрофида меъморий ёдгорликлар тизими мавжуд бўлган. Бунга 1360, 1361 йилларда бунёд этилган номсиз мақбаралар, Хўжа Аҳмад мақбараси ва ҳатто Қусам ибн Аббос мақбарасининг ўзи ҳам 1334 йилларда мусулмонлашаётган мўғул ҳукумдорлари томонидан қурдирилганлиги фикримизга далил бўлиши мумкин. Мўғуллар салтанатига кирган ва ислом эътиқодини янги қабул қилган Жўжи ва Чиғатой улуси ҳукумдорлари ўзларининг чин мусулмон эканликларини исботлаш бобида ўзаро рақобат олиб борар эдилар.

Муҳаммад Ўзбекхон (1312-1342) ва унинг ўғиллари Жонибек Султон (1342-1357) ҳукмронлиги давларда Олтин Ўрда Ислом манфаатларининг ашаддий ҳимоячилари бўлиб майдонга чиққандилар. Ўша давларда Олтин ўрда салтанатидаги ягона маданий ўлка Шимолий-ғарбий Хоразмнинг пойтахти Урганч дунёнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган эди. Бу бизга Ибн Батутанинг ўрта Осиёга қилган саёҳати таассуротларидан ҳам маълум. Ўзбекхоннинг аммаваччаси Қутлуғ Темур ва унинг умр йўлдоши Тўрабекхоним (хоразмча «Дравахоним») томонидан жуда катта миқёсдаги қурилиш ишлари амалга оширилади. Шу йиллар мобайнида Урганч шаҳрининг ўзида олтмишдан ортиқ мадрасаларда бутун Олтин Ўрдага қарам мусулмон ўлкаларидан келган Мадраса талабаларини учратиш мумкин бўлган.

Ҳудди шундай ислом маънавиятини Чиғатой улусига тарқатувчи маданий марказ сифатида Самарқанд шаҳри ҳам яна бўй-бастини кўрсатаётган эди. Бир вақтлар ўз ёвузлиги, бераҳмлиги билан мусулмон дунёсига даҳшат солган Чингиз авлодлари бир аср ўтмасданоқ ўзлари

мусулмонлашган ва Ислом эътиқодига ким кўпроқ сажда қилаолиши, ўзларини изчил мусулмон қилиб кўрсатиш борасида Жўжи ва Чигатой улуси ҳукмдорлари ўртасида қизгин мусобақа кетарди.

Темур ва темурийлар даврида ҳам ўзларининг чин мусулмонлигини исботлашга қаратилган ишлар давом эттирилибгина қолмасдан, балки, у янада кучайтирилади. У пайтларда Шохизинда кенгайтирилиб қайтадан янги қиёфада қад кўтара бошлади. Қусам ибн Аббос Афросиёбнинг қадимий деворининг жанубий сарҳадларигача бўлган йўлакнинг юқори қисми Соҳибқирон сафдошлари, аёнлар ва уларнинг оила аъзоларига мўлжалланган мақбаралар ансамбли вужудга келди.

Шохизинда (тирик шох) номи билан машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар мажмуаси Муҳаммад Қусам Ибн Аббос Мозори (мақбараси) атрофида вужудга келган 25 та мақбаралар тизимини ўз ичига олади. Муҳаммад Қусам ҳақидаги афсонани ҳар бир Самарқандлик сизга фахр билан батафсил баён қилиб бериши мумкин. Муҳаммад Қусам бу тарихий реал шахс бўлиб, бу ҳақда аниқ маълумотлар мавжуд. Яъни у киши пайғамбаримиз Муҳаммад Мустофонинг амакиваччаси ва издоши бўлиб, ҳисобланган. Ҳалифа Али Ибн Абу Толиб ҳукмронлиги даври (656-661 йиллари)да Макка шаҳрининг ҳокими вазифасини бажарган. Араблар Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида у фаол иштирок этган. 677 йилда араблар Самарқандни босиб олишда Турк-ют (турклар) томонидан қатл этилган.

Ривоят қилишларича Муҳаммад Қусам Ибн Аббоснинг аскарлари номоз ўқиб, тиз чўкиб ибодат қилаётганларида душман кучлари ундан фойдаланиб арабларнинг барчасини бошларидан жудо қилишган экан. Муҳаммад Қусам ўзини йўқотмабди. У ерда думалаб ётган калласини олиб сал наридаги чуқур қудуққа қараб йўл олибди. Қудуққа тушиб тўппа-тўғри жаннатга равона бўлган экан.

Албатда бу афсона реал тарихий асосга эга бўлмасада лекин, конкрет тарихий шахс тўғрисида фикр юритилади. Шунинг учун ҳам кўпгина тарихчилар, археологлар Шохизинда мақбарасининг илк тарихий

илдизларини исломгача бўлган диний қадриятлар билан боғлаб тушинтиришга интиладилар. Ислом кириб келгандан сўнг Шохизинда меъморий ансамбли икки тарихий даврни бошдан кечиради. VIII аср бошларидан то мўғул истибдоди бошланган (1220 йил) давргача бўлган вақтни ўз ичига олувчи биринчи даврни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Биринчи даврда тикланган мақбаралар мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. Бу даврга оид «археологлар томонидан фақат Шохизинда мажмуасига кирувчи илк мақбараларга тегишли асослар топилган бўлиб бутун сақлангани мутлақо қолмаган» (И.Можейко. 7 и 37 чудес света от Эллады до Китая. Москва, 2005 г. 122 с.)

Шохизинда мажмуасининг ҳозирги кўриниши асосан Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқдир. Бу ерда буюк Амир Темурнинг яқин қариндошлари, сафдошлари ёки обрўли диний раҳнамолар учун мақбаралар қурилган. Ҳар бир мақбара ислом маданиятига хос ноёб асар дурдонаси ҳисобланади. Лекин қурилган ҳар бир мақбара Муҳаммад Қусам Ибн Аббос (Шохизинда) мақбарасидан баланд бўлмаслиги шарт қилиб белгиланган. Ҳар бир мақбаранинг эгаллаган майдони ҳам қатъий чегараланган. Бу эса ўз навбатида меъмор ва қурувчилар зиммасига янада оғир масъулиятни юклаган. Яъни, такомиллашув жараёни мақбаранинг ҳажмига эмас, балки, шакли ва мақбарага афсонавий тус берувчи нафис безаклар ва нақшларга жило бериш йўлидан кетишга ундаган.

Умуман, мажмуадан ўрин олган мақбараларнинг аксарият қисми квадрат шаклида бўлиб Гумбаз, равоқ ва устунлар уларнинг ҳар бирига хосдир. Шунингдек мақбараларнинг сирти ҳам, ичкари томони ҳам ранг-баранг сирланган плиталар билан ишлов берилган.

Албатда, бу мақбаралар тизимида Муҳаммад Қусам Ибн Аббос (Шохизинда) мақбараси ўзининг кўркемлиги, салобати билан ажралиб туради. Бу ҳақда машҳур араб сайёҳи ибн Батута XIV асрнинг 30-нчи йилларида Самарқандда бўлиб мазкур мақбара тўғрисида анчагина кенгрок маълумотлар бериб ўтган эди. У ҳали соҳибқирон Амир Темур таваллуд

топмаган пайтларда ҳам Муҳаммад Кусам мазори (кабри) устида "...гумбазли тўрт бурчакли иморат бунёд қилинган бўлиб, унинг ҳар бир бурчагида иккитадан устунлар тикланган. Бу устунлар яшил, қора, оқ ва қизил рангли мрамор тошлардан таркиб топган ғиштлардан териб қад кўтарган. Иморатнинг деворлари ҳам турли рангдаги олтин суви берилган нақшлар билан безатилган".

Бундан шу нарса маълум бўладики Мўғул зодагонлари маҳаллий, халқнинг ҳошиш-истагини ҳам инобатга олишга мажбур бўлганлар. Темур ва темурийлар ҳамда ундан кейинги ҳукмдорлар даврида Шоҳизинда мақбараси қайта-қайта капитал таъмирдан чиқарилиб у ўзининг дастлабки кўринишидан мутлақо фарқ қила бошлади.

Шоҳизинда мақбараси атрофини ўз кўрки - таровати билан безаб турувчи бошқа мақбаралар ҳам ўраб туради. Шулардан энг кўрками Тумон ота мақбараси ҳисобланади. Тумон ота аслида Соҳибқироннинг суюкли синглиси бўлган. Мақбара пештоқига "Тумон ота мақбараси" деб ёзиб қўйилган. Шу ўринда ўғиз туркларига ҳос бўлган сарой аёнлари ва уларнинг завжаларининг исмларига "ота" нисбаси тиркаб аталган. Масалан, Гўрўғлининг умр йўлдоши (завжаси) ота Юнус деб аталишини, ёки Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердиннинг бувиси Туркон Хотун ҳам Туркон ота деб улуғланишини эътиборга оладиган бўлсак масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Аслида туркий атамалар араб тили грамматикаси талабларига ва араб алифбосининг ифода имкониятларига мослаштириб ёзилиши туфайли Тошкент - Тошқанд, Самаркент - Самарқанд, Паркана - Фарғона шаклида ёзиб келинган. Ҳудди шундай ҳолатни биз Тумон ота ўрнига "Тумон ота" шаклида ёзиб келинганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Тумон ота мақбарасига берилган нақш ва безаклар, шунингдек меъморий услуб тўлалигича Темур ва темурийлар даврига ҳос бўлиб, равоқларнинг ўта жимжимадор нақшлар билан ишланганлиги, ҳашаматлилиги билан ажралиб туради. Турли рангдаги нақшлар ва ўта нафис

ёзилган араб ёзувлари бир-бирига шу даражада уйғунлашиб кетганки, бу гўзаллик қаршисида киши лол қолмасдан иложи йўқ.

Тумон оға мақбараси бошқа ён атрофидаги мақбараларга ўхшаш мовий рангда бўлмасдан, ўзининг бинафша ранги билан кескин фаркланиб туради. Яъни мовий осмон ва қумлоқ ердан ташқари ҳам бу гўшада ўзга рангда жилоланиб турувчи алоҳида яна бошқа дунё мавжудлигига ишора қилиб тургандай, гўё. Шохизинда мажмуаси таркибига кирувчи мақбаралар тизимига Амир Темурнинг қудратли лашкарбошиларида бири амир Бурундук ва исми номалум оқила қиз қабри устига қурилган мақбараларни ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш даркор.

Машхур меъморий мажмуанинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, бу мақбараларнинг ҳар бири XIV-XV аср Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларига хос турли меъморий услуб ва мактабларга тегишли ноёб меъморий санъат асарларини гўё кўргазмага қўйиб дунё сайёҳлари томонидан ўзларига бериладиган баҳоларни интиклик билан кутиб тош қотган буюк меъморчилик санъатининг намуналарига қиёс қилгинг келади.

Улуғбек даврида поёнига етказилган бу машхур меъморий обидалар мажмуасидан жой олган мақбараларнинг энг баланди Қозизода Румий қабри устига қурилган мақбара эканлигига эътиборимизни қаратишимиз керак. Унда дунёвий илмлар ҳимоячисига айланган султон Улуғбекнинг истак ва иродасини ўзида акс этдирган ноёб меъморий асар сифатида тикланган мазкур мақбаранинг биз учун беқиёс аҳамиятини тушиниб олишга имкон туғдиради.

Шохизиндага кираверишда йўлбошловчи аёлдан Улуғбекнинг устози ва сафдоши, ўз замонининг Афлотуни ("Афлотуни замон") номини олган Қозизода Румий мақбарасининг қаердалигини сўрадим. У қўлини чўзиб Афросиёбнинг эски қалъа девори деб ҳисобланган томонни кўрсатди. 1434 йилда Улуғбек ўзининг севиқли ўғли Абдулазиз номидан чортоқли пештоқ қурилишига фармон берди. Кейинчалик бу ерда Афросиёб тепалиги ён бағрида, қадимий шаҳар девори ўрнида 1437 йилда устози Қозизода Румий

мақбарасини куришга жазм қилади. Мазкур мақбаранинг курилиши, келиб чиқиши аслзода бўлмаган ёки замонасининг диний пешволаридан ҳам бўлмаган дунёвий илм соҳибига Шохизинда меъморий ансамблидан ўрин ажратилишининг ўзи ўша давр ҳамда Улуғбекнинг ички дунёсидаги янги-янги қирраларни очиб беришга имкон беради деб ўйлайман.

Гап шундаки, XVII аср Европа маънавий муҳитида жуда катта ўзгаришлар юз бераётган эди. Католик черкови буюк инқилобий кашфиётлар, хусусан дунёвий фанларнинг ютуқлари таъсири остида ўзининг хукмронлик мавқеидан ажралаётганди. Коперник томонидан оламнинг гелиоцентрик назарияси, дунёнинг бепоёнлиги тўғрисидаги Ж.Бруно таълимоти, Г.Галилей томонидан қилинган эркин тушиш тезлиги қонуни ва телескопнинг кашф этилиши, Кеплер томонидан сайёраларнинг қуёш атрофида айланиши тўғрисидаги учта қонуннинг очилиши, Ньютон қонунлари ва бошқа илмий ютуқлар христиан черкови диний таълимотининг нуфузи бир қадар пасайишига олиб келган эди. Ўз навбатида эса айти шу пайтларда европаликларда христиан динининг азиз авлиёлари расмлари қаторидан дунёвий фан намоёндалари ҳам ўрин олаётганлиги Европада ренессанс (уйғониш) даврининг муҳим белгиларидан ҳисобланиб буни шарқ уйғониш даври учун ёт ҳодиса деб даъво қилинарди. Шунинг учун ҳам IX-XII ва XIV-XV асрларда шарқдаги маданий юксалиш фақатгина ўрта асрга хос бўлган ҳодиса деб қараш ғарб тадқиқотчилари орасида кенг тарқалган.

Уларнинг иддаоси бўйича шарқда ҳеч қачон дунёвий илмлар мавқеи илохий (диний) илмлар даражасига кўтарилган эмас. Бундай қарашлар кўпинча ўзининг бир томонламалиги, мафкураштирилган нуқтаи назарга эга эканлиги билан ажралиб туради. Шу тахлитдаги қарашлар бирон-бир масалага ойдинлик киритишда ўта жўн кўрингани билан, хусусан, ижтимоий тараққиётда минтақаларнинг ўрни борасида сўз кетганида ўта муҳим принципиал масалага айланиб кетади.

Аслида, ғарбликлар шарқ тарихини ғарбона андозалар орқали қараб мулоҳаза юритишга мойилдирлар. Шундан бўлса керак Оврўпо муҳитига хос

бўлган мўътабор кишиларнинг ҳайкаллари, портретлари билан черков биносини ёки бошқа ҳашаматли саройларини безатишни яхши кўришади. Ислом дини кириб келгунча бўлган даврларда бизда ҳам худди ана шундай анъана мавжуд бўлганини Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлигидан топилган ажойиб расмлар ёки Хоразмдаги Тупроқ қалъа харобаларидан топилган шохлар саройи залини безатиб турган йигирма тўртта хоразмшоҳлар (сиёвушийлар)нинг ҳайкаллари, худди шунингдек Кушон ҳукмдорларига гипсдан ясалган бюстлар ва ҳ.к.ларни эсга олиш кифоя.

Лекин исломий расм-русмларнинг кенг тарқалиши кишиларнинг урф-одатлари, яшаш тарзларига айниқса мазкур урф-одат ва яшаш тарзлари асосида ётувчи ва ҳатто мазкур яшаш тарзларини белгилаб берувчи дунёни ўзига хос тарзда идрок этишни ҳам ўзгартириб юборади. Эндиликда узок тарихий даврларда шаклланган анъана ва қадриятлар тизими ўрнига бутунлай янги типдаги қадриятлар тизими шакллантирила бошланди.

Тарихий тараққиётнинг шундай нуқталари бўладикки унда ана шу нуқтагача қадрият ҳисобланган анъана, урф-одат, маънавий ва моддий бойликларга янгича мезонлар орқали баҳо берилади ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни белгилаб берилади. Халқимиз тарихида ана шундай қадриятларни саралаш даврлари деб учта тарихий даврни назарда тутмоқ керак. Биринчи саралаш давр, менимча, жамиятнинг барча томонларининг ўсиши ва ўзгаришига асос бўлган, эски ибтидоий муносабатлар ўрнига янгича муносабатларнинг қарор топиши учун ҳаётий зарур бўлган мезонлар таркиб топган.

Юртимизда шаклланган илк цивилизациялар тамаддунлар (бутунлай янги типдаги ижтимоий муносабатлар тизимининг вужудга келиши) билан боғлиқ бўлган ва эраמידан олдинги II минг йилликнинг сўнги чораги ва I минг йилликнинг бошларида бўлиб ўтган кескин ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга мос келадиган қадриятлар мезони ҳисобланган "Авесто" ёзма ёдгорлиги билан боғлиқ.

Бу даврда нисбатан тор доирадаги ҳудудлар, уруғ ва қабилалар манфаатларига мос келган кадриятлар мезони ўрнига кенг доирадаги ҳудудлар ва элатларнинг муштарак манфаатларининг изчил ифодаси бўлиб ибтидоий кўп ҳудолик (политеистик) тасаввурлар ўрнига якка ҳудолик (монотеистик) тасаввурларнинг қарор топа бошлаганлигини кўрамиз. Мазкур жараённинг илк босқичларида нисбатан кенгроқ ҳудудларда истиқомат қилувчи уруғ ва қабилаларнинг умумий манфаатларини ифода этувчи образларнинг яратилишига кучли эҳтиёж сезилган бўлса керак. Қабилалар ўртасида умумэътироф этилган дастлабки образ "Ҳамма нарсани кўриб турувчи, ҳамма нарсадан хабардор, минг кўзли ва минг қулоғи бор, қабилалар ўртасидаги келишилган шартнома талабларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилувчи, адолат тарозусини қўлида тутган қуёш тимсолидаги Митра" бўлиб шаклланди.

Умуман, ўша давр учун ўта муҳим бўлган нарса қабилалар ўртасидаги умумий ахлоқий нормаларни қарор топдириш ва унга изчил амал қилиш зарурий эҳтиёжга айланади. Чунки Иртиш - Ўрол ҳудудларидаги юзлаб қабилалар ўртасида умумий келишув (шартнома)лар тузилиб унга қабтий риоя қилмасдан туриб табиатнинг инжиқликларига биргаликда (ҳамжиҳатликда) кураш олиб боришининг, бошқа ҳудуд қабилаларидан ўз ҳудудларини ҳимоя қилишнинг имкони йўқ эди. Ўзаро ишончсизлик билан эса қабилалар иттифоқида эркин фаолият учун ҳаётий заруратга айланган хотиржамлик муҳитини қарор топдиришининг ҳам асло иложи йўқ эди.

Ана шундай шароитда қабилалар ўртасида вужудга келган шартнома моддаларининг мазмуни асосан ёлғончиликка қарши, айтилган сўз (ваъда)нинг устидан чиқиш, эътиқодга асосланган амалиётга риоя қилиш, қаҳрамонликлар қуйланиб, кўрқоқлик, сотқинлик лаънатланган. Табиатдаги барча нарсаларга авайлаб муносабатда бўлиш каби ижтимоий мазмунга йўғирилган ғоялар илгари сурилган. Лекин бу моддаларга амал қилишни назорат қилувчи, кундузи қуёш тимсолида, кечаси эса юлдузлар (Митранинг чарағон кўзлари) қаттиқ назорат қилиб турган деб дастлабки якка ҳудолик

образини яратганлар. Эндиликда уруғ ва қабилаларнинг тор манфаатларига мос келувчи ахлоқ нормаларига нисбатан қабилаларнинг умумий манфаатларига мос келувчи ижтимоий қоидалар қадриятлар даражасига кўтарилган эди.

"Авесто" таълимотидаги қадриятлар мезони тўда соф диний-мифологик мазмун билан чекланиб қолмасдан, балки, шу билан бирга ижтимоий муҳит талабларини ҳам, табиий ходисаларни ўрганиш асносида вужудга келган билимларга ҳам суянадиган дунёвий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан ёвуз дев Ахримон одамларга даҳшат уруғини сочиш учун ўн минг хил турдаги касалликларни юборади. Унга карама-қарши эзгулик тангриси Ахура Мазда 9999 та касалликнинг давосини табиатдаги нарса ходисалар (жонсиз, тирик ва ўсимликлар) дунёсининг ҳоссалари, сифатлари кўринишида яратади. Одамлар табиатни чуқур ўрганишлари орқали мазкур шифобахш ҳосса ва сифатларни ажратиб олиб ўз дардларига шифо топганлар. Энг муҳими, табиатни ўрганиш орқали ортдирилган билимлар қадрият даражасига кўтарилган. Шундан бўлса керак Оташпарастилар қадимда, ҳатто ўрта асрларда ҳам учта нарса билан машҳур бўлганлар. Яъни , 1) Сехргарлик, 2) Табобат илмида, 3) Виночилик билан шуҳрат қозonganлар. Бу фазилатларнинг ҳар учаласи асосида ҳам табиатни чуқур ўрганиш ётганлигини кўрамыз.

Қадриятларни саралашнинг иккинчи даври ислом динининг тарқалиши билан боғлиқ. Инсониятга ва унинг кейинги тараққиётини янги-янги мезонлар билан таъминлаган "Авесто" ёзма ёдгорлигидаги залворли ғоялар жамиятнинг тўлақонли кейинги тараққиёти учун ягона мезон бўлаолмай қолди.

Ислом дини шарқ маънавиятининг кейинги такомиллашуви учун қатъий белгиланган талаблар ва унинг муваффақиятли ечими учун янги-янги мезонлар билан дунё сахнасига кўтарилди. Эндиликда мавжуд ижтимоий тизимнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўтмиш қадриятларга янгича мезонлар орқали баҳо бериш ва саралаш даври бошланди. Масалан,

Оташпарастликдаги ўлган мурданинг суягини этидан тозалаш жараёни билан боғлиқ дахшатли манзаралар, никоҳ, оила ва мулкый ворислик ва бошқа кўплаган жихатлар билан боғлиқ анъаналарни қайта кўриб чиқиш тарихий эҳтиёжга айланган эди.

Худди ана шу тарихий эҳтиёжларни қониктираоладиган мафкура бўлиб Ислом идеаллари тарих сахнасига кўтарилди. Шарқ халқлари тафаккури ислом идеаллари томонидан эгалланиши дунёни англашнинг алоҳида жараёнини вужудга келтирди. Ислом идеаллари ва категориялари ҳамда уларнинг мазмуни диний характерга эга бўлиб ўзидан олдинги диний-мифологик қарашларга нисбатан ҳам ўта ғайрий-табиийлиги ҳамда бир томонламалиги билан ажралиб туради. Ўзида минтақавий ҳамда жаҳон динлари тажрибаларини ўзлаштириб олган бу дин жамиятнинг барча томонлари ва мусулмонларнинг ички дунёсини ҳам эгаллаб олиб уларга ўз эътиқод талабларини сингдирар эди.

Мусулмонлар учун ислом идеаллари асосида яратилган образлар орқали дунёни идрок этишдан бошқа ҳар қандай ўзгача қарашларга ён бермаслиги билан ҳам бу дин бошқа динлардан кескин фарқланади. Ислом ривожланган ўрта аср жамиятларининг талабларига мослашган ва ҳар қандай муаммоларнинг ечимини топаолган ғоялар тизими бўлиб қарор топди.

Лекин Ислом идеаллари ва мезонлари янги давр жамиятининг талабларига жавоб бераолмай қолди. Чунки, жамиятнинг кейинги тараққиётини таъминловчи ҳаракатлантирувчи кучлар ўзгарди. Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими қарор топа бошлади. Бундай шароитларда ўрта асрчилликка мос қолиплар, андозалар янги шароитга мослаб ўзгартиришнинг уддасидан чиқишнинг ўзи бўлмас эди. Бундай мослашишга асрлар мобайнида ҳақиқатнинг ягона манбаси деб ишонтириб келинган мезонларнинг ўзгариши исломий тасаввурлар тизимини тутиб турган асосларнинг тўғрилигига шубҳа уйғотар эди.

Худди ана шу пайтда янги давр руҳини ўзида мужассамлаштирган, ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб тариқасида қарор топган дунёвий

тамойиллар, тушунча ва категорияларга Ислом диний мазмундаги жавобларни тайёрлаб гўё ҳозирги тараққиёт ислом учун асло янгилик бўлмасдан, балки, унутилган эскиликдан ўзга нарса эмасдир деб чиқди. Улар янги даврга хос муаммолар ечимини ислом тамойиллари ва андозаларидан келиб чиққан ҳолда топишга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун ҳам дунёвий тараққиёт келтириб чиқарган ва дунёвий мазмунга эга бўлган тушунча ва категорияларга исломий мазмун бера бошлади. "Ислом демократияси", "Ислом социализми", "Ислом тараққиёт йўли" ва шунга ўхшаш бошқа кўплаган тушунчаларининг вужудга келиши бу ислом дунёқарашининг бекиёс имкониятлардан эмас балки, ислом янги дунё талабларига мослаша олмаётганидан дарак беради. Бошқача қилиб айтганда ислом янги дунё муаммоларига ҳозирги замон тараққиёти даражасига мос келадиган жавоб топа олмай ожиз қолганлигидан дарак беради.

Туғри, Исломда дунёвий илмларни тарғиб қилувчи, ақлни ҳақиқат мезони деб ҳисобловчи мўътазалийлар оқими мавжуд бўлган. Ҳатто бундай мафкура милоднинг 813-850 йиллар орасида араб Ҳалифалигининг расмий давлат мафкураси деб ҳам эълон қилинган. Ислом учун ёт ҳисобланган фалсафа ва бошқа дунёвий илмлар ислом динининг назарий асосларини мантиқ талаблари ва қоидаларига мувофиқ тарзда мустаҳкамланишига ёрдам берди. Лекин мантиқ қонунлари ва қоидалари эътиқод талабалари ҳамда эҳтиёжларини қондиришгагина қаратилган, чекланган, бир томонлама характерга эга эди. Исломнинг дунёвийлик томон бўлган такомиллашуви шу билан барҳам топди.

Дунёвий мазмундаги қадриятлар мезони деб аталувчи учинчи саралаш босқичи XVIII аср Оврупо (биринчи навбатда француз) маърифатпарварлари томонидан шакллантирилди. XVI-XVII аср французлар ренессанс деб атайдиган уйғониш даври аслида IX-XII асрларда мусулмон шарқида, хусусан, Ҳуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда биринчи навбатда мўътазалийлар таъсири остида қарор топди. Бу ҳодисага Шарқ ренессанси деб аталувчи жамиятни ташкил этувчи барча соҳалардаги ижтимоий-маданий

муносабатлардаги кескин юксалиш даврининг узвий давоми деб ҳам баҳо бериш мумкин. Чунки ўша даврларда яқин ва ўрта Шарқ мусулмонларининг ҳаёт тарзи, яшаш маданиятлари дунёнинг бошқа минтақалари шу жумладан Оврўпо Христиан маданиятидан ҳам юксак ривожланганлиги билан мутлақо ажралиб турди.

XI асрнинг охирларидан бошланган салб юришлари Оврўполиклар учун Шарқ маданиятига тақлид қилиш уни қизиқиб ўрганиш даврининг бошланиши деб ҳам қараш мумкин. Оврўполиклар Шарқона муомала маданияти, қадимги Юнон ва Рим маданиятларининг таркибий қисми бўлган ҳозирда эса Оврўпода унутилган ювиниш, тозалик гигиена маданияти билан турк ҳаммомлари орқали таниша бошлади. Ғарб дастлаб илк бора ял-ял ёниб турган шарқ гиламлари билан сўнгра шахмат ўйини билан бевосита шарқ маданияти орқали яқиндан таниша бошлади.

Оврўполиклар учун ҳар томонлама ибрат намунасига айланган мусулмон Шарқ маданияти таркибида бир вақтлар Юнон ва Рим маданиятига хос бўлган элементларни ғарб яна қайтадан ўзлаштириб олишга киришди. Мусулмон зодагонлари оилаларидаги ўта нозик муносабатлар ва Ислом динидаги кибор оилаларда аёлларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларни католик черковига қарам христианлар ҳатто орзу ҳам қилаолмаганлар.

Бироқ бир нарсага алоҳида урғу бериш лозим. У ҳам бўлса Оврўпо Шарқ халқлари маданияти ва маънавиятига фақат ҳавас қилиш билан чекланиб қолмади. У энди Шарқ маънавияти ютуқларини ўзлаштириб олиш билан жиддий шуғуллана бошлади. Оврўполиклар мусулмон Шарқ маданиятидан анча орқада қолиб кетганлигини илк бора англаб етган эдилар. Сукрот, Афлотун ва Арастулардан бошланган дунёни билишда рационал ақлнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги рационализм Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушд таълимотлар орқали Оврўпога кенг тарқалиши натижаси ўларок Оврўполикларда олдин анъана тусига кирган дунёни инжил доғмалари орқали идрок этишларига барҳам берди. Эндиликда теварак-атрофдаги нарса

ходисаларга мантиқ талаблари ва қоидалари орқали қарашга бўлган интилишнинг кучайишига сабабчи бўлган эди.

Оврўпода бундай қарашларнинг кенг ёйилиши учун шарт-шароитлар ҳам етилиб келган эди. Рим католик черкови томонидан давлатлар ва ҳукмдорлар устидан ўз назоратини кучайтиришга, бўлган интилиш Оврўпо мамлакатлари халқлари, биринчи навбатда Оврўпонинг шимолий ўлкаларида норозилик кайфиятларини кучайтиришга олиб келаётган эди. Германиядаги XV-XVI асрларда ғалаёнлар, калвинизм ғояларининг кенг тарқалиши охи-роқибат Рим католик черковидан ҳоли бўлган протестантизм черковининг қарор топиши билан яқунланган эди. Инсон эркинликларини, эркин фаолиятини таъминлашга имкон берувчи протестантизм мафкураси кенг тарқалган мамлакатларда инсоннинг ўз ақли билан қилинадиган эркин фаолиятга кенг йўл очиб берилар эди. Шунинг учун ҳам XIV асрлардаёқ Италияда вужудга келган янгича тартибдаги ишлаб чиқариш жараёни (мануфактура) менимча Рим черкови тазийиқи остида ўз тараққиётининг кейинги юксалишини таъминлай олмай қолди.

Аксинча, янгича ишлаб чиқариш муносабатлари инсоннинг эркин ижодий фаолияти алмисокдан қолган диний маросим, урф-одатлар билан чекламайдиган протестантизм мафкураси кенг ёйилган Оврўпонинг шимолий мамлакатларида кенг равақ топабошлади. Шунинг учун Ўрта аср Оврўпосининг маънавий маркази Римда эмас, балки, шимолий ўлкалардан етилиб чиққан мутафаккирлар томонидан Рим черковининг назарий асосларига қаттиқ зарба берилди бошланди. Поляк олими Н.Коперник томонидан оламнинг гелиоцентрик назариясининг ишлаб чиқилиши Рим черкови ва унинг ғоявий асоси ҳисобланган инжил ҳақиқатларига шубҳа билан қарашга асос бўлиб хизмат қилади.

Коперник издошлари Ж.Бруно, Г.Галилей томонидан илгари ташланган буюк ғоялар, ажойиб кашфиётларнинг натижаси ўлароқ дунёвий фан ютуқлари жамиятда эътироф этилишига эришилди. Улар бу билан Оврўпо фани тарихида ўзларининг ўчмас номларини қолдирибгина қолмасдан

эндиликда дунёвий илмлар билан шуғулланган буюк мутафаккир олимларнинг номларини ҳам азиз авлиёлар қаторида зикр қилинишига эришган эдилар. Бундай ҳолатни биз IX-XI аср ва XIV-XV аср Шарқ ренессанси даврларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Айниқса, Улуғбек даврида дунёвий фан намёндаларининг жамият ҳаётида тутган мавқеларининг бироз бўлсада ошишга алоҳида эътибор қилинаётганлигини дин пешволари томонидан норозилик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлаётганди. Улар очикчасига ўз норозилигини ошкор қила олмас эдилар. Лекин қулай вазият пойлаётганлиги аниқ эди.

Бир куни синфимизга синф раҳбаримиз келиб театрга боришни хоҳловчилар бутун кечкурун жамоа хўжалигимиз идораси олдида тўпланишини маълум қилиб чипта ҳамда автобус бепул эканлигини айтди. Ўшанда Тошкентдан Хамза номли академик театр жамоаси Хоразмга келган экан. Спектакл М.Шайхзода қаламига мансуб «Улуғбек фожеаси» деб номланар экан. Бунинг ҳаммасини эртасига мактабга борганимда бориб келган болалардан эшитдим.

Ўша куни тарих фанидан ҳам машғулотимиз бор эди. Дарс мавзуси беихтиёр спектаклга ва Улуғбек замонида бурилиб кетди. Қўзивой акадан спектакл ҳақида ўз мулоҳазасини гапириб беришини сўрадик. Устоз бироз иккиланиб турганидан сўнг -ҳа, майли, ахир бу ҳам, тарих-ку, - дея ўз мулоҳазасини гапириб берган эди. - Мен бу трагедиянинг яқинда "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилганини биламан, - деб суҳбатни давом этирганди, ўшанда. Менинг университет профессорларидан ва бошқа кишилардан эшитганларим спектаклда илгари сурилган ғояга зид келаяпти. Бир куни Тошкентдан келган йирик олим, академик Яҳё Ғуломовдан талабалар бу ҳақида сўраб қолишганида у киши шундай деган эдилар. "Улуғбекнинг ўлимини Хўжа Ахрор Вали ташкил этган деган фикр юради. Аслида бу гаплар тарихий ҳақиқатга мутлақо зиддир. Ахир, Хўжа Ахрор Тошкентдан Самарқандга Улуғбек ўлиmidан олти йил кейин келган. Ундан ташқари Хўжа Ахрор ўта маърифатли, илм-фанни қадрловчи одам

бўлганлигини ўз даври тарихчилари асарларида ва хатто улуғ Алишер Навоийнинг китобларида алоҳида ҳурмат билан тилга олиниб, қайд қилиб ўтилганлигини биз биламиз".

Яхё Ғуломов хатто Хўжа Ахрорнинг дунёвий илмларнинг йирик хомийси бўлганлигини айтиб Навоий билан боғлиқ бир воқеани гапириб берган эдилар. Бу воқеанинг тафсилотини машҳур археолог олим қаердан ўқиганлигини ёки кимдан эшитганлигини айтмади. Воқеа шундай бўлган экан:

1467-1468 йиллар ҳазрат Алишер Навоий Самарқандда ўқиб истиқомат қилган эканлар. У Абу Лайс Самарқандий мадрасасида таҳсил олиб Мадраса номи билан аталувчи маҳалланинг бир хонадониди ижарага турган эканлар.

Бир куни кечкурун қош қорайгандан сўнг уй эгаси ҳаллослаб, нафасини зўрға ичига ютиб ҳазрат Навоийнинг хужрасига кириб келибди.

Алишер ўрнидан туриб сўрашганидан сўнг озгина ҳавотирини яширмасдан

- Тинчликми хўжайин. Ташвишнинг бойиси надур, - деб сўрабди.

- Алишербек, ўғлим. Мусулмонлар эсини еб қўйибди. Улар мачитда ҳазрат Румийнинг мақбарасини бузиб ташламоқчи бўлаяпдилар. Бу жаҳолатнинг олдини агар сиз олмасангиз бошқа яна ким ўртага тушарди. Пиримиз (Хўжа Ахрор демоқчи, курсив Т.Каримники) сизни ниҳоятда ҳурмат қилади. Сиз ул Ҳазратнинг олдига ўтиб бўлиши мумкин бўлган хунрезликнинг олдини олишга ёрдам берсангиз.

- Уларнинг мақсади нима экан ахир? - сўради Ҳалия мусулмонларнинг нима учун бунчалик ғазабга минганини тушунаолмай, Алишер.

- Эмишки, Қозизода Румий ҳазратлари на азиз авлиёлар қаторига ва на ҳукмрон зодагонлар наслига мансуб эмас эканлар. Ундан ташқари Султон Улуғбекни ҳақ йўлидан кетишига ҳалал бериб охир-оқибат унинг ўлимига сабаб бўлганлардан бири деб ҳисоблашаяптилар.

Алишер даров кийимларини алмаштириб улуғ пирнинг олдига ўтишга шайланибди. Кеч бўлиб қолганлигига қарамасдан кўча ҳалиям гавжум.

Алишер Хўжа Ахрор ҳовлисига кириб келганда ҳаммага кечки овқат тортилган экан. Бир қарашда ҳовли деб аташ расм бўлгани билан у кўпинча карвон саройга ўхшаб кетаркан. Бир неча ўнлаб карвон саройларни бир ерга тўплаган деб ўйлайсан киши. Ҳар куни ташқаридан келган мусофирларга, зиёратчиларга, камбағал етим-есирларга атаб 20-30 қозонда овқат пиширилиб ҳам тушлик, ҳамда кечкурун бепул овқат тортилар экан. Ҳовли ичидаги гулзор ичида турган, юзлаб сўриларда меҳмонлар мусофирлар ва уйи-жойи йўқ камбағалларга кечаси жой солинар экан. Эрталаб яна Хўжа Ахрор Вали ҳисобига нонушта қилиниб тушгача ўз юмушлари билан банд бўлар эканлар.

Алишер келганлигини Хўжа Ахрорга хабар қилишганида ул зот хуфтон номозини ўқиш тараддудида ташқарида таҳорат олиб юрган эканлар. Таҳорати бўлса хуфтонни бирга ўқиб олайлик агар гапи бор бўлса кейин бафуржа маслаҳатлашиб олурмиз деган оҳангда хабарчига жавоб қилибди. Хуфтон номози ўқиб тугатилгандан сўнг бир пиёла чой устида Алишер Хўжа Ахрорга бўлган воқеани айтиб берибди. Хўжа Ахрор ўйланиб қолибди. Бироздан сўнг "Алишербек, индинга жума номозига келинг иншоолло ҳеч гап бўлмас" деб Алишерни хотиржам қилибди.

Самарқанднинг энг катта мачитида жума номози ўқилгандан сўнг Хўжа Ахрор аста гап бошлабди. У ўз сўзида илм олиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарз эканлиги, илм бу диний бўлсин ёки дунёвий мазмунда бўлсин Аллоҳнинг суюкли бандаларига қилинган илоҳий неъмат эканлиги тўғрисида гапириб, Қуръони каримдан тегишли оятларни ёддан ўқиб шарҳлаб берибди. Унинг айтишича олимлар пайғамбарлардан кейин Оллоҳнинг энг суюкли бандалари эканлиги тўғрисида тўхтаб ўтибди. Сўнггра сўзининг охирида хох дунёвий илм соҳиби ёки диний илмларни чуқур эгаллаган кишиларнинг қабрига қўл кўтариш бу ўзининг охиратини йўққа чиқаришдан ўзга нарса эмас деган пурҳикмат гаплар билан ўз сўзини якунлаган экан.

Улуғ пирнинг айтган бу гаплари бутун Самарқанд ахлига етиб борибди ва бундан кейин Қозизода Румий мақбарасини йўқ қилиш ёки кўчириш тўғрисидаги гаплар бархам топган экан.

Улуғбек томонидан дунёвий фан намоёндаларидан бири бўлган Қозизода Румий учун азиз-авлиёлар каторида мақбара қуришга жазм қилганлигини XIV-XV аср Моваронуннахр уйғониш даврининг моҳиятини англатувчи, яъни дунёвийлик билан илоҳиёт намоёндалари тенглигини тиклашга бўлган интилиш ётганлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам Шохизинда меъморий тизимидаги Қозизода Румий мақбарасининг ўрин олишида жуда катта рамзий маъно борлигини илғаб олиш кераклигини қизим Моҳинурга тушунтиришга ҳаракат қилардим.

Қозизода Румий мақбараси ўзининг меъморий ечими жиҳатидан Шохизинда ансамблидаги ноёб ёдгорликдир. Мақбара бир пештоқли ва бир гумбазли бўлгани билан композицион тузилиши жиҳатидан ўта мураккаб ечимга эга бўлган иншоатдир. Мақбара пештоқдан бошланиб кейин маҳобатли гумбаз остидаги зиёратхонага ўтилади. Ички томони жуда ажойиб жимжимадор нақшлар билан безатилган. Бурчакка ўтиб, мармар тахтачага омонатгина ўтириб Мавлоно Қозизода Румий ва Мирзо Улуғбек руҳига бағишлаб ўқилган фотиҳага қўл тортдик. Бизнинг бу қилаётган хатти-харакатимизни 3-4 та Европалик сайёҳ суқланиб, кузатиб турган экан. Улардан бири таржимон қиз орқали мурожаат қилди. Улар биз қилган хатти-харакатимизнинг маъносини тушунтириб беришимизни сўраган эдилар. Мен уларга Шохизинда ансамблидаги ягона дунёвий фан вакилига қурилган мақбара ичида турганлигини ва бу мақбарани 1437 йилда Мирзо Улуғбек ўз устози Қозизода Румий шарафига бунёд этганлигини ҳозирда эса, уларнинг руҳига дуо ўқилганлигини гапириб бердим. Бу сайёҳларда янада кучли таассурот қолдирганлигини кўриб, биз ҳам мамнун бўлдик.

Шохизинда ансамбли Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда поёнига етказилди. Бу ансамблнинг Самарқанд тарихидаги ва шаҳарнинг улуғвор ўтмишидан дарак берувчи обидалар тизими сифатидаги аҳамияти бебаҳодир.

Унинг ҳар бир қаричи ўша давр қудратидан гап очади. Ҳар бир мақбарага хос бетакрор нафис безаклар ҳақиқий буюк санъат асари сифатида ардоқланиши керак. Уни асраб-авайлаш мамлакатимиз, биринчи навбатда Самарқанд халқининг бутун дунё олдидаги масъулиятли бурчидир.

Самарқанд бозори

Самарқандга борган ҳар бир сайёҳ албатта унинг бозорини кўрмасдан қайтмайди. Чунки бозор халқнинг турмуш тарзи, даражаси, ишлаб чиқаришини намоён этаоладиган ягона қулай майдон. Айниқса, Самарқанд бозори Шарқу-Ғарбни боғлаган карвон йўлларининг туташган жойида жойлашганлиги, Самарқандликлар Буюк Ипак Йўли бўйлаб серқатнов карвон йўлларини ўз назоратига ола-олган ва бу йўллар бўйлаб бир неча минглаб чақирим узоқликдаги шаҳар савдо расталарини ўз моллари билан тўлдириб ташлайдиган уддабурон, эпчил халқ бўлганлар. Самарқанд ҳақиқатдан ҳам Буюк Ипак Йўлининг энг йирик марказларидан бири бўлганлиги тарихдан бизга маълум.

Демак, бу шаҳарда мавжуд кўп сонли савдо расталарида шарқда ишлаб-чиқарилган товар (маҳсулот) билан Ғарб мамлакатларида ишлаб-чиқарилган товарни ўзаро таққослаш имконияти вужудга келади. Улар товарларни таққослабгина қолмасдан, унинг (товарнинг) кишилар эҳтиёжини қондира олиш даражаларини ҳисобга олиб ҳам қийматини белгилай олганлар. Бундан ташқари Самарқандликлар ана шу товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Қоғоз ишлаб чиқариш Хитойда кашф қилинган бўлсада лекин, Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғозларнинг шуҳрати бутун дунёга тарқалганлиги ёки, Темирдан ясалган жанг қуроллари, кулолчилик бутун ўрта аср давомида Самарқанд шуҳратининг кенг ёйилишига сабабчи бўлган.

Шу ўринда Самарқанд дунё қоғоз ишлаб чиқарилишининг йирик маркази бўлишига катта хисса қўшган буюк ижодкор, ихтирочи Мир Иброҳим қоғозгарни эслаб ўтиш кифоя. У қоғознинг бутун шарқ оламида

колаверса ғарб мамлакатларида кенг шуҳрат топган энг олий навли йигирмадан ортиқ хилини ихтиро қилиб Самарқанд қоғози доврўғининг дунё миқёсида кенг ёйилишга жуда катта хисса қўшган эди. Улуғбек даврида Самарқанд дунё қоғозларининг тенг ярмини ишлаб чиққан. Бу олий навли қоғозлардан ғарбда илк бор дастлабки қоғоз пуллар ҳам ишлаб чиққанлиги, маълум.

Самарқанд бозорини айланиб унинг кенгайтирилганлиги, усти ёпилган, янги-янги расталар бунёд этилганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Биз кун охирида бозорга кирган бўлсакда, бозор одамлар билан гавжум эди. Самарқанднинг машхур қандолатидан озгина олиб нон бозорига йўл олдик. Самарқанд донғини таратаётган нарсалардан бири ҳам унинг машхур нонидир деб айтсам ҳеч муболаға бўлмас.

Самарқанднинг машхур нонидан ҳам 10 та олдим. Сабримиз чидамасдан озгина кесиб олиб ноннинг таъмини ҳам тотиб кўрдик. Автобусга чиққанимизда менимча Йўлдош ака Отахонов Самарқанд майизининг таъми ўзгача бўлишини айтиб, анчагина майиз олганлигини айтди. Бир маҳал архитектура институтининг "Экология" кафедраси мудирини Эркин ака Миркомиллов ўнтача бўрсиллаган иссиқ нонни целофан қопдан чиқариб совутиш мақсадида ёйиб қўя бошлади. Битта нонни олиб унинг салмоғини гоҳ у қўлига гоҳ бунисига ўтказиб "Самарқанд нонининг оғирлиги ҳам камида икки баравар катта, лекин баҳоси эса Тошкентимиздан арзон" дея ҳамманинг сўлагини оқизиб, қиёмига етказиб мақтар эди. Яна биттаси Самарқандда балиқ арзон экан, тўрт-беш килограммлик сазан балиқларнинг ўртача килограмми 550-600 сўмлиги, Тошкентда бу камида 1200-1500 сўм эканлигини айтиб ўз ҳайратини яширолмасди.

Қисқаси, Самарқанд бозори ўзининг тўкин-сочинлиги, тоза-озодалиги, турли-туман, ранг-баранглиги билан бутун дунё сайёҳлари олдида юртимиз шарафини кенг ёйишга хизмат қилаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бекорга халқимизда "Бирон-бир юрт билан яқиндан танишмоқчи бўлсанг биринчи унинг мазорини, иккинчи эса бозорини кўр" деган нақл бор.

Бизнинг бу сафаримизда халқнинг ана шу нақлга тўла роия қилгандек бўлдик. Самарқанд тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлган холда Тошкентга йўлга тушдик.

Йўлдаги ўйлар

Автобус йўлга тушганида қуёш ботишига анча бор эди. Қуёш яна Темир дарвозага келиб қисқа муддатли дам олиш пайтида уфқни тарк эта бошлаган ва қош қорая бошлаган эди. Қоронғу автобус ичида юмшоқ ўриндикларга ўтириб яна ҳаёлга берилиб кетдим. Самарқанд сайёҳатидан олган тассуротларимнинг кўлами ниҳоятда катта. Бу таассуротларни сингдириш, уни қайта таҳлил қилиш улардан тўғри хулосалар чиқариш зарур эди. Умуман Самарқанднинг мамлакат ва жаҳон тарихида тутган ўрни, мавқеи ҳақида бир тўхтамга келиш керак эди.

Ҳа, Самарқанд ўзининг қадимийлиги билан Маворауннаҳрдаги бошқа шаҳарлардан кескин ажралиб туради. Хатто у тўғрисида яқинда 2700 йиллиги кенг нишонланган "Авесто" ёзма ёдгорлигида "Гава Сўғд" ўлкаси, "Катта саклар ўрдаси" атамалари билан тилга олинганлигини ҳам, биламиз.

Шунингдек, азим шаҳар ҳақиқатдан ҳам ўзининг жўғрофий жойлашиши ва ўлка тарихида ўйнаган буюк ролини қайд этиб том маънода Мовароуннаҳрнинг ҳақиқий тарихий, маънавий-маданий маркази бўлиб келганлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Шу билан бирга инсоният тарихида елкаси ерга тегмаган, инсониятнинг кейинги тақдирида беқиёс рол ўйнаган ҳар уччала енгилмас жаҳонгир (фотих) ҳукумдорларнинг ҳам қадами теккан ягона шаҳардир. Искандар, Чингизхон ва Амир Темурлар инсоният тақдирини белгилаб бера олган буюк шахслар сифатида донг таратган бўлса, Самарқанд ана шу буюк тарихий шахсларнинг ҳар учаласи фаолиятида муайян даражада рол ўйнай олган жаҳондаги ягона шаҳар сифатида ҳам алоҳида эҳтиромга сазовордир.

Ва ниҳоят, Самарқанднинг яна бир алоҳида ўрни шундан иборатки у ҳам бўлса миллатнинг улуғ ўтмишидан дарак берувчи, унинг инкор этиб

бўлмас тимсоли сифатидаги ўрнига алоҳида баҳо беришимиз лозим. Самарқандда, тарихий ёдгорликлар Бухоро ёки айниқса Хивадаги тарихий обидалар каби яхлит сақланмаган бўлиши мумкин. Бухоро ҳам Хива ҳам ўтмиш ўрта аср руҳини, муҳитини сайёҳлар учун жонлантирувчи шаҳарлар сифатида биз учун ниҳоятда қимматлидир. Лекин Самарқанда бизгача етиб келган ҳар бир ғишт миллатнинг улуғ ўтмишидан сўз очувчи тарихий ҳужжат сифатидаги аҳамияти ниҳоятда кадрлидир.

Биз фақат Улуғбек даври Самарқанд шаҳрида қад кўтарган ажойиб обидалар билан танишишнинг ўзи билан чекланиб қолмаслигимиз керак. XV аср маънавий муҳитини ҳамин қадар изчил тасаввур этиш учун ўша давр илмий тафаккурини ўзида жо этган буюк аждодимиз томонидан битилган "Зижи Жадиди Кўрагоний" асарининг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу ўлмас асарнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида гап кетганида эса албатта Улуғбекнинг илмий меросини ўз ҳаётларини гаровга қўйиб бўлса ҳам асраб-авайлашга жазм қилган, ва умум инсониятнинг ўлмас қадриятига айланишида беназир хизмат кўрсатган Али Қушчи, Ҳиндистонлик Жай Синх ва ажойиб рус олими В.Л.Вяткин каби фан фидоийларини, шунингдек, бу илмий меросни ҳозирги замон илмий талаблар асосида чуқур таҳлил қилиб "Улуғбек ва унинг илмий мероси" каби манументал асарни дунёга тортиқ қилган академик Қори Ниёзий ҳамда Улуғбекнинг ўлмас образини яратиб унга маънавий ҳайкал қўйиб кетган Мақсуд Шайхзода ҳамда Одил Ёқубовларнинг буюк хизматларини эътироф этиш ҳам лозим эканлигини ёш авлодга қайта-қайта такрорлашдан ҳеч ҳам чарчамаслигимиз керак.

Ва ниҳоят Самарқанднинг XIV-XV асарларда жаҳон фани ва маданиятининг йирик маркази бўлганлигини ҳам қайд қилиб ўтмоғимиз лозим. Агар IX-XII асрларда жаҳон илмий тафаккурининг йирик марказларидан бўлган Хоразм инсониятга ал-Хоразмий, Ибн Ироқ ал-Беруний, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Чағминий каби ёрқин юдлузларни етказиб берган юрт сифатида тақсинга сазовор бўлган бўлса,

Самарқанд эса XIV-XV асрларда Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ Шарқ уйғониш даврининг буюк маркази бўлиб тарихда ном қолдирган Шахри Азимдир. Шунингдек Шарқ ўзининг буюк маънавий, тараққиёт анъанасини бевосита Самарқанд тимсолида ўз қўли билан Фарбга тутказди. Самарқанд айни пайтда Шарқнинг илмий меросини ўзида жо қилиб янги Фарб юксаклиги сари йўналтиришига беқиёс хизмат қилган шаҳар сифатидаги ўрнига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим.

Шарқда Авесто замонларидан бошлаб дунёвий тамойиллар асосида оламни ўрганиш анъанаси ўрта асрларда Самарқанд тимсолида ўз якунини топган эди десак ҳеч ҳам муболаға бўлмас деб ўйлайман. Бу борада яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки Ўрта аср ислом оламидаги илм - Фан равнақи Мирзо Улуғбек ўлими билан ўз якунига етган эди.

Буни биз бошқа биронта мусулмон Шарқ мамлакатларида шу тахлитдаги илмий-маданий юксалишни кузатишимиз мумкин эмас. Ўрта асрларда ҳам илм-фан равнақи содир бўлганлигининг ёрқин ифодаси сифатида Кўҳак тепалигидаги Самарқанд расадхонасининг бизгача етиб, сақланиб қолган қисмининг ашёвий далил сифатидаги беқиёс аҳамиятини бошқа ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди.

Демак, Самарқанд Шарқ илмий меросини ўзида мужассамлаштириб, уни яна бир юксак поғонага кўтарган ҳолда инсониятнинг илмий тафаккури тараққиётига ўзига хос муносиб рол ўйнаган ҳамда маънавий тараққиёт эстафетасини Оврўпа уйғониш даври мутафаккирларига тутказган шаҳар сифатидаги аҳамиятини алоҳида қайд қилишимиз ўринлидир.

Мирзо Улуғбек ўз тимсолида жамиятда диний мазмундаги мафкура тўла ҳукмрон бўлганида у пировардида диний хурофотга томон йўл олиниши, ёки аксинча фақат дунёвий фанлар устиворлигини таъминлашга қаратилган сиёсат олиб борилса даҳрийлик қарор топиши мумкинлигини исботлай олган маърифатли ҳукмдор эди. Бу эса ҳозирги кунда дунёвий ва диний маърифатни тенг тутган ҳолда мувозанатга келтириш сиёсатининг нақадар тўғри эканлигини тушиниб етишга имкон туғдиради.

Шу билан бирга Ўзбекистан Республикаси Конституциясида "дунёвийлик асло даҳрийлик эмас" деб қайд қилинади. Бу тамойилдан оғишмай мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг нақадар тўғри йўлга қўйилганлигини ва бу эса айти пайтда дунёвийлик динийлик ҳам эмас эканлигини англаб етишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бир маҳал йўлбошчимиз Анатолий Михайлович Сирдарё кўпригига яқинлашаётганимизни эълон қилди. У бир вақтлар мўғил босқинчиларига қарши ўзининг камсонли аскарлари билан мардонавор кураш олиб борган Темур Малик бошчилигидаги ватан химоячилари мана шу дарёдан ўз кемалари билан сузиб ўтганлигини батафсил гапира бошлади.

Сал ўтгандан сўнг Чиноздан чиқаётганимизда эса ўнг томонга автобус деразаси орқали қарашимизни сўради. Дераза орқали кўринган пастлик ғира-шира кўринарди. Шунда у Амур Темур билан Илёсхўжа жангчилари ўртасидаги тарихдаги машҳур "Лой жанги" айнан шу ерда бўлиб ўтганлиги, Амир Хусайиннинг сотқинлиги тўғрисидаги тарихий воқеани тўлқинланиб гапириб берди. Автобусда ўтирганлар ҳаммамиз хоргин кўринсакда бир кунлик Самарқанд сафаридан мамнун эканлигимиз кўриниб турарди. Айниқса, ўтирганларнинг кўпчилиги улуғ ёшда эканлиги ва уларнинг хушнудлигини кўриб мазкур сафардан кўзланган мақсадга тўла эришилганлигини билса бўларди. Йўлдош ака Отахонов «Биз қарияларни қадрлаш йили сифатида Президентимиз томонидан бу йилнинг эълон қилинганлиги ва шу муносабат билан Тошкент шаҳар фан ва таълим ходимлари касабалар уюшмаси раиси Акрамова Тоибaxon Ақромовнага яна бир бор миннатдорчилигимизни етказиб қўйишни Саидмурод укамиздан сўрасак ва шу билан бирга Бухоро ва Хива сафарларини интиқиб кутаётганимизни эслатиб қўйишни ҳам илтимос қилсак нима дейсизлар?" деганида у ҳақ гапни топиб гапирди деб ўйладим.

Автобусдан тушиб ҳар ким ўз уйига тарқалди. Қадрдон Тошкент кўчаларининг жилоси эндиликда янада кўркавроқдай туюла бошлади, менга Бор-йўғи бир кунда ҳам шунчалик соғиниш мумкинлигини чуқур хис

қилардик. Айниқса, қизим Моҳинурнинг қувончи ичига сиғмасди. Мен эса қизимнинг бир кунлик Самарқанд таассуротлари унинг қалбини бир умр тарк этмаслигига тўла ишонч ҳосил қилган ҳолда, фарзандим олдидаги ҳадсиз бурчларимдан бирини адо этганлигимдан хурсанд бўлиб уйга кириб келдик.

Тошкент -Самарқанд-Тошкент 23 март 2002 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Боқий қадриятларимиз ҳақида сўз (сўзбоши ўрнида)

(И.Саифназаров, М.Шарипов).....

Қадриятлар тизимини қарор топтиришда юксак маънавиятли шахс

жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучидир (Азамат Мухторов).....

Энг олий қадрият (Берди Раҳмат, Тохир Карим).....

Бир қўшиқ тарихи (Тохир Карим).....

Мозийга бир кунлик сафар (Тохир Карим).....